


**О.А. ОСТОНОВ**

**ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА  
ҲУНАРМАНДЧИЛИК,  
ТАДБИРКОРЛИК ВА  
САВДО-СОТИҚ**

*(XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА)*

«SHARQ»  
НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ  
2013



37.27 - Хунармандчилик  
65.9 (59)08 - Тадбиркорлик  
УДК: 372.(075)  
КБК 74.263.1

Ушбу монографияда XIX асрнинг сўнгги чораги–XX аср бош-ларида Зарафшон воҳасида кечган хунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотик жараёнларини таҳлил этилган, воҳанинг Бухоро амирлиги тасарруфидаги ҳамда Россия империяси мустам-лакасига айлантирилган ҳудудларида кечган ижтимоий-иқти-содий ҳаёт қиёсий таққослаш орқали янгича талқин асосида ёритилган.

**Масъул муҳаррир:** *Нуриддин Мусоев, тарих фанлари доктори, профессор*

**Такризчилар:** *проф., т.ф.д. А. Маврулов;  
т.ф.н. О. Носиров*

Ю 41637  
2

ISBN 978-9943-00-636-2

© О.Остонаев, «NAFIS BEZAK» дизайн маркази, 2013  
Alisher Navoiy © «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2013

2011/3	126	O'zbekiston MK
--------	-----	----------------

## СЎЗ БОШИ

Ҳозирги даврга келиб мамлакатимизнинг бой ва мураккаб тарихини изчил ва ҳаққоний ўрганишга эътибор кучаймоқда. Узок тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган миллий маданият, маънавий-ахлоқий қадриятлар, шунингдек меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тadbиркорлик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик соҳасида орттирилган тажрибаларни умумлаштириш, уларни ёшлар қалбига етказиш зарурияти тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳам тарихий ҳақиқатни тиклаш, асрлар оша орттирилган бой тажрибаларни оммалаштириш вазифасини "...олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанларварлари ўз зиммаларига олишлари даркор"лигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди<sup>1</sup>.

Юқорида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни изчил ўрганиш, уларни ҳолисона илмий таҳлил қилиш заруриятга айланди. Шу ўринда Ватан тарихининг кам ўрганилган саҳифаларини кенг ёритиш долзарб масала бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов тарих ҳақида фикр юритар экан: "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ"<sup>2</sup> – дея ҳақли тарзда қайд этган эди. Шу боис, бугун тарихимиз ва бутун инсониятни ўзига жалб этган бой моддий ва маънавий меросимизни мукамал ўрганишга эҳтиёж ошиб бормоқда.

<sup>1</sup>Каримов И.А. Халқ нисончи – юксак масъулият. // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 349.

<sup>2</sup>Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 4.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичига ўтаётган ҳозирги даврида, ўтмишда ўзбек халқининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотик ишлари тарихини изчил ўрганишга эътибор кучайди. Жумладан, тадқиқот ишида XIX асрнинг сўнгги чораги—XX аср бошларида Зарафшон воҳасида кечган ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотик жараёнларини илмий таҳлил этиш, воҳанинг Бухоро амирлиги тасарруфидаги ҳамда Россия империяси мустамлакасига айлантирилган ҳудудларида кечган ижтимоий-иқтисодий ҳаётни қиёсий таққослаш орқали ҳолисона ёритиш кўзда тутилган.

Ушбу мавзунинг долзарблиги, энг аввало, унинг ҳанузгача маҳсус тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмаганлиги билан белгиланади. Ваҳоланки, Зарафшон воҳаси ҳунармандчилик ва савдо-сотик кенг тарқалган ҳудудлардан бири сифатида Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида алоҳида ўрин тутган. Воҳанинг Россия империяси таркибида бўлган қисмида ҳам жиддий сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди.

Ўрганилаётган даврда Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлиги тасарруфидаги ва Россия империяси мустамлакасига айлантирилган ҳудудларидаги ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотик жараёнларини тегишли манбалар, архив ҳужжатлари ва адабиётлар орқали янгича руҳда талқин этиш, воҳанинг ҳар иккала қисмида бу соҳаларда юз берган ўзгаришларни ўзаро таққослаш орқали таҳлил этиш кўзда тутилган. Улар мавзунинг долзарблигини кўрсатувчи асосий омиллардир.

Маълумки, XIX асрнинг сўнгги чораги—XX аср бошларида Зарафшон воҳаси мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнларини бошдан кечирди. Воҳанинг бир қисми Бухоро амирлиги тарасарруфида қолган бўлса, иккинчи қисми Россия империясининг мустамлакачилиги сиёсати асоратига тушиб қолди. Моногарафияда воҳанинг ҳар иккала ҳудудида ҳунармандчилик, тадбиркорлик, савдо-сотик фаолиятини ўрганиш, уларнинг

ижобий ва салбий жиҳатларни таққослаш асосида зарур хулосалар чиқариш кўзда тутилган.

Мустақиллик йилларида ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиққа кенг эътибор берилиши ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳам ушбу соҳалар республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз мавқеи ва аҳамиятини йўқотмаганлигини кўрсатмоқда. Тарихдан маълумки, ҳамма даврларда ҳам ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиқ тижоратининг таркибий қисми саналган. Бугунги кунда ҳам Республика ҳукумати томонидан тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар аввало, ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотиқни тараққий эттиришни кўзда тутди. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ўтмишда бу борада эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган хато-камчиликларни илмий ўрганиш, таҳлил қилиш мавзунинг долзарблигини янада оширади.

# І БОБ. XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

## 1.1. XIX аср ўрталарида Зарафшон воҳасида яшаган аҳолининг этник таркиби ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти

XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлиги ҳудудларида жами 3 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан қарийб 700 мингга яқини Зарафшон воҳасида истиқомат қилган. Воҳа ўлкада аҳоли зич жойлашган ҳудудлар сирасига кирган. Аҳолининг таркибий қисми ҳам турлича бўлган.

«Туркестанские ведомости» газетасида воҳа тарихи, хусусан, этник таркибига оид қизиқарли маълумотлар учрайди. А.Гребенкиннинг «Минг», «Ўзбеклар», «Зарафшон округининг этнографик очерки»<sup>3</sup>, А.Хорошхиннинг «Ўрта Осиё халқлари»<sup>4</sup> каби мақолалари шулар жумласидандир. Муаллифлар шахсий кузатишлари ва тўплаган материалларига таянган ҳолда ёзган мақолаларида Зарафшон воҳасида яшаган бир қанча ўзбек уруғлари (туёқли, минг, найман, манғит, жалойир, қирқ, юз, дўрмон ва ҳ.к.) ларнинг қачон ва қайси даврларда бу ҳудудларга келиб ўрнашганлиги, уларнинг тармоқлари, шевалари ва антропологик қиёфалари, хўжалик фаолияти, турмуш тарзи ва бошқа хусусиятларини таърифлаб берганлар<sup>5</sup>.

А.Гребенкин ўша даврда Зарафшон воҳасида 20 та ўзбек уруғи (*туёқли, минг, найман, уйшун, қутчи, қатагон, манғит, сарой, баҳрин, юз, қирқ, хитой, митан, жалойир, дўрмон, ўтарчи, турк* ва бошқалар) истиқомат қилганлигини таъкидлайди<sup>6</sup>.

А.Хорошхин эса Зарафшон воҳасида истиқомат қилган 24 та уруғ (*қўнгирот, қипчоқ, хитой, қонжағали, болғали, қиёт, саёт, чигатой, найман, уйшун, муйтан, жалойир, қангли, олчин, минг,*

<sup>3</sup>Туркестанские ведомости. 1871. -№ 2, 29, 39, 40, 41, 42.

<sup>4</sup>Туркестанские ведомости. 1871. -№ 9, -№10.

<sup>5</sup>Мақолаларда «племена» деб берилган. Унинг таржимаси «қабил» Лекин тадқиқотчилар ўзбек уруғлари деб ишлатишган.

<sup>6</sup>Туркестанские ведомости. 1871. -№30.

қирқ, юз, туюқли, сарой, гариб, турк) номини келтирган. Кўриниб турибдики, ҳар иккала муаллиф Зарафшон воҳасида яшаган ўзбек уруғларининг сонини турлича кўрсатишган. Лекин улар *туюқли, минг, найман, уйшун, сарой, юз, қирқ, қипчоқ, хитой, жалоийр, дўрмон* ва *турк* уруғлари хусусида бир хил фикр билдиришган. Шунингдек, А.Гребенкин ўз тадқиқотларида қутчи, қатагон, мангит, баҳрин уруғларини санаб ўтган бўлса, А.Хорошхин ундан фарқли равишда кўнғирот, қонжигали, болғали, киёт, саёт, чигатой, қангли, олчин, гариб, қирғиз уруғларини ҳам тилга олади.

Зарафшон воҳаси халқларининг этногенезиси ва унинг шаклланишига таъсир кўрсатган уруғларни ўрганишда Н.В.Хаников ўзининг «Описание Бухарского ханства» асарида Низомиддин ибн Домла Шоҳ Саид Маҳдум қаламига мансуб «Насабномаи ўзбек» қўлёзмасига асосланиб, 92 қавм ва унинг шахобчалари ҳақида тўлиқ маълумот беради. Масалан, мангитларнинг тўқ мангит, оқ мангит, қора мангит, кўнғиротларнинг қонжигали, кўштамғали, отинли, чувак тамғали каби шахобчалари борлиги ҳақида ёзади<sup>7</sup>. Н.В.Хаников ўзбек қавмларидан 28 таси Бухоро хонлигида яшаганлигини ва уларнинг турар жойларини кўрсатади. Жумладан, мангитлар Бухоро билан Қарши, хитойлар Бухоро ва Кармана, найманлар Зиёвуддин, қипчоқлар Каттақўрғон билан Самарқанд, саройлар Самарқанддан Қаршига борадиган йўл атрофларида, кўнғиротлар, дўрмонлар Кармана ва Гиждувон, баҳринлар Миёнқол ҳудудидаги ерларда истиқомат қилганлигини таъкидлайди<sup>8</sup>.

Зарафшон ҳавзасида минг уруғлари кўп сонли бўлиб, улар воҳанинг жанубий-шарқий қисмида яшаганлар. Минглар тўғали ва увоқ тамғали каби уруғларга бўлинган. Ўз навбатида бу уруғлар яна майдароқ уруғларга ажралган: Жумладан, тўғали – *ахмат, чағир, тўйи намоз, оқшоқ* ва бошқа уруғларга; увоқ тамғали эса *алғол, чаут, жасайли, ўрамас, тўқнамоз, қийхўжа, ярат* каби уруғларга бўлинган. Тўғали уруғидан беклар кўп чиққан. Ўрта Зарафшон

<sup>7</sup>Хаников Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.63.

<sup>8</sup>Юқоридаги манба. – С.63.

воҳаси минглари қўйидаги уругларга бўлинган: *оқтўғали, боглон, қора боглон, телеминг, тўғали, углон ва ойтамғали*<sup>9</sup>.

1870 йиллар бошида минглар, асосан, Самарканд вилоятининг жануби ва жануби-шарқида, Ургут тумани амлоқдорликлари қишлоқларида яшаганлар. Жумладан, улар Камонгарон амлоқдорлигида Шербута, Мерганчи, Вагушта, Қинғир, Саритепа, Бойқишлоқ, Нисват, Бобожонбой, Карим, Кўлқишлоқ, Санчуқли, Хўжақишлоқ ва Ачамайли қишлоқлари; Оби Ургут амлоқдорлигида Бешкапа, Ғойибота, Баландкишлоқ, Мирзабоғлон, Бешёғоч ва Ёр қишлоқлари; Қозонариқ амлоқдорлигида Манғитобод, Жазманкатта, Жазманкуйик, Бешкапа, Занбурак, Работқишлоқ, Занжирбоғ, Мирзабоғлон қишлоқлари; Журантепада Ачамайли ва Алғол, Ёмонтелпак, Бешкапа, Санчоқли, Моғул, Работ, Мохов, Ғойибота (катта) ва Ғойибота (кичик), Куюққишлоқ, Ватак, Узунқишлоқ, Урагвайжари, Санчуқли, Қайроқли, Ўрамас кагта ва Ўрамас кичик қишлоқлари; Шовдор туманида Ясситепа, Бутбой, Наузандак, Ялонғоч, Ўрта, Чорбоғтепа, Тугай, Қўтирбулоқ, Қармиш қишлоқларида яшаганлар<sup>10</sup>.

Зарафшон воҳасининг деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик учун қулай шароити қадимдан бу ҳудудга этник жиҳатдан мураккаб бўлган турли этник гуруҳларнинг кўчиб келишига сабаб бўлган. Шу боис қадимдан бу минтақада турли этнослар вакиллари ўзаро иқтисодий, маданий алоқада бўлиб, ўзаро тинч-тотув яшаб келганлар. Зотан, бу ерда деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдосотик билан ҳаёт кечирувчи туркий ва эронийзабон этнослар, ярим ўтрок ҳолатда чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан банд бўлган туркий тилли этник гуруҳлар, тоғолди, дашт, ва чўл минтақаларида чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи туркий қабилалар яшаганлар<sup>11</sup>. Уларнинг ўзаро иқтисодий, маданий ва маънавий алоқалари туфайли бу ҳудудда этноантропологик субстрат маҳаллий аҳоли қатлами шаклланди<sup>12</sup>.

<sup>9</sup>Маликов А. Ўзбекларнинг минг гуруҳи (XIX–XX аср бошлари). // *Moziydan sado*. 2007. -№4. – Б. 25.

<sup>10</sup>Юкоридаги манба.

<sup>11</sup>Зарубин, И.И. Население Самаркандской области (его численность этнографический состав и территориальное распределение). – Л., 1926. – С. 27.

<sup>12</sup>Шаниязов К.П. Некоторые вопросы этнической динамики этнических связей узбеков в XIV–XVIII вв. Материалы к этнической истории населения Средней Азии. – Ташкент, 1986. – С. 91



Тадқиқотчи И.И. Зарубиннинг «Население Самаркандской области» асарида<sup>13</sup> бир қатор эътиборга лойиқ фактлар келтирилган. Жумладан, унда XX аср бошларига келиб, Самарқанд шаҳри аҳолиси 96.402 нафар, Каттақўрғон шаҳри аҳолиси 11.570 нафарни ташкил этганлиги кўрсатилган<sup>14</sup>. Айни пайтда, Самарқанд уезди бўйича 280.509 киши, Каттақўрғон уезди бўйича эса 135.929 киши рўйхатга олинган. Шу жумладан, ўзбеклар Самарқанд уездида 175.931 нафарни, Каттақўрғон уезди бўйича эса 124.368 кишини ташкил қилган<sup>15</sup>. Шунингдек, Самарқанд уездида 72.299 нафар, Каттақўрғон уездида эса 261 нафар тожик яшаган. Шунингдек, Самарқанд уездида 5.168 нафар турклар истиқомат қилишган. Араб этник гуруҳига мансуб кишилар эса Самарқанд уездида 4.417 нафар, Каттақўрғонда эса 2.786 нафарни ташкил этган<sup>16</sup>. Бундан ташқари, вилоятда кам сонли қуйидаги этник гуруҳлар вакиллари ҳам яшаганлар:

#### 1.1 1-жадвал<sup>17</sup>

Этник гуруҳлар номи	Каттақўрғон уездида	Самарқанд уездида
Эронийлар	-	4.320
Форслар	2	359
Афғонлар	6	36
Лўлилар	32	147
Бухоро яҳудийлари	364	10
Руслар	467	604
Буюк руслар	5	3
Украинлар	130	9
Татарлар	7	-
Европалик яҳудийлар	34	12
Поляклар	-	14

<sup>13</sup>Зарубин И.И. Население Самаркандской области (его численность этнографический состав и территориальное распределение). – Л., 1926.

<sup>14</sup>Юкоридаги манба. – С.10.

<sup>15</sup>Юкоридаги манба. – С.11.

<sup>16</sup>Юкоридаги манба. – С.11.

<sup>17</sup>Юкоридаги манба. – С.12.

Латишлар	6	-
Арманлар	-	88
Бошқа этник гуруҳ вакиллари	7.350	16.133

Юқоридаги рўйхатга киритилмай қолган элатлар ҳам йўқ эмас эди.

Зарафшон воҳасининг қуйи қисмида, яъни Бухоро амирлигининг марказий бошқаруви остида бўлган Бухоро, Ғиждувон, Вобкент, Пирмаст, Хўжа Ориф (Шофиркон), Ромитан ва Зарафшон (Шимолий ва жанубий Руд<sup>18</sup>) туманлари ҳамда Қоракўл, Кармана ва Зиёвуддин ҳудудларида ҳам аҳоли нисбатан зич яшаган.

Қуйи Зарафшон воҳаси аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи ўзбек ва тожиклар, туркий ва эроний тилларда сўзланувчи қабила ҳамда элатларнинг ўзаро этник ва маданий алоқалари асрлар давомида шаклланиб борган. 1924 йили Ўрта Осиёда ўтказилган тадқиқотлар туфайли воҳа ва унинг атрофларида яшовчи аҳолининг сони, этник таркиби тўғрисидаги дастлабки муфассал маълумотлар қўлга киритилган. Ушбу маълумотларга кўра, қуйи Зарафшон воҳасининг умумий майдони 2,832 кв.км.ни ташкил қилиб, аҳолиси 359.118 нафардан иборат бўлган. Қоракўл ҳудудининг майдони 712 кв. км, аҳолиси 24.765 киши, Кармана ҳудудининг майдони (Қарнаб чўлидан ташқари) 3253 кв.км, аҳолиси 82,990 кишидан иборат эканлиги ҳам қайд этилган<sup>19</sup>. Воҳа аҳолисининг асосий қисми (86,8 фоизи) қишлоқ жойларда яшаган. Этник таркибига кўра ўзбеклар (284.753 нафар), тожиклар (39.044 нафар), араблар (31.541 нафар) ва туркманлар (12.773 нафар) кўпчиликни ташкил қилган<sup>20</sup>.

XX аср бошларида ҳам аҳолининг турли уруғларга бўлиниши билан ажралиб турган. Масалан, Шофиркон ҳудудида яшаган кишилар 14 уруг-аймоқларга бўлинган бўлса, Вобкент аҳолиси 26, Ромитан аҳолиси 15, Қоракўл аҳолиси 32, Ғиждувон аҳолиси

<sup>18</sup>Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – нач. XX вв.) Материалы к исторической географии Средней Азии. – Ташкент: Университет, 2001. – С. 4.

<sup>19</sup>Материалы по районированию Средней Азии (I) кн. I, Территория и населения Бухары и Хорезма. Част I. Бухара. – Ташкент, 1926. – С. 253.

<sup>20</sup>Юқоридаги маълумот. – С. 163.

38. Кармана аҳолиси 33 ва Бухоро атрофида (Галаосиёда) яшаган аҳоли 38 уруғ ва этник гуруҳларга мансуб бўлган<sup>21</sup>.

Аҳолини рўйхатга олинishi натижаларига кўра, уруғ-қабиллага бўлинмаган ҳолда яшовчи ўзбеклар орасида чигатойлар анча камчиликни ташкил этган. Хусусан, Бухоро атрофларидаги воҳада 230 нафар, Шофиркон ҳудудидаги Султонрабoт ариғи бўйларида ва Галаосиё ҳудудидаги Шоҳруд ариғи бўйларида 210 нафар чигатойлар истиқомат қилишган<sup>22</sup>.

Қоракўлда эса 565 киши ўзларини чигатой уруғига мансуб деб ҳисоблашган<sup>23</sup>. Бир пайтлар Дашти Қипчоқдан кўчиб келган ўзбекларнинг авлодлари куйи Зарафшон воҳасида анчагина катта нуфузга эга бўлишган. Улар орасида алоҳида мавқега эга бўлган манғитлар (44 минг нафар) воҳанинг шимолий ва шимоли-шарқий тарафидаги Шофрикон, Ғиждувон ва Ромитан ҳудудларида қўним топган эди. Шунингдек, Қоракўл воҳасида ҳам 8 минг манғит рўйхатга олинган<sup>24</sup>. Мирза Бади Девон маълумотларига кўра, манғитларнинг ўзлари ҳам қисмларга бўлинган. Масалан қора, оқ, кўк қабиларга ажратилган<sup>25</sup>.

XVI аср бошларида воҳага келиб ўрнашган қўнғиротлар<sup>26</sup> Бухоро ва Қоракўл ҳудудларида ҳам кўп сонли уруғлардан (жами 13875 нафар)<sup>27</sup> ҳисобланган. Шунингдек, Ғиждувоннинг шимолидаги Қизилкум билан чегарадош аҳоли пунктлари ва Шофриконда (5245 нафар), Султонрабoт ариғи (2370 нафар) ҳамда Вобкентдарё бўйларида (2160 нафар) ҳам қўнғиротлар истиқомат қилишган<sup>28</sup>. Сарой уруғи ҳам ўзбек уруғларида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Ушбу уруғ вакиллари ҳам воҳанинг турли ҳудудлари бўйлаб сочилиб яшаган. Саройларнинг кўпчилиги Ҳархонруд ариғи бўйларида 17945 нафар, шу жумладан, Ғиждувон ҳудудида

<sup>21</sup>Юкоридаги манба. – С. 182

<sup>22</sup>Юкоридаги манба. – С.184.

<sup>23</sup>Юкоридаги манба. – С.222.

<sup>24</sup>Юкоридаги манба. – С.185

<sup>25</sup>Мирза Бади диван. Маджма ал-аркам / Введение, перевод, примечания и приложения А.Б. Вильдановой. – М.: Наука. 1981. – С.38.

<sup>26</sup>Кармышева Б.Х.Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука. 1976. – С.211

<sup>27</sup>Материалы по районированию Средней Азии (I) кн. I. Территория и населения Бухары и Хорезма част. I. Бухара. – Ташкент, 1926. – С.261, 262.

<sup>28</sup>Юкоридаги манба. – С.188

7095 нафар, Вобкентда 4165 нафар, Шоҳруд ариғи бўйларида 3575 нафар ва Султонобод ариғи бўйларида 1310 нафар, қисман Пирмаст ариғи атрофларида (Ғиждувон ҳудудида), Абу Муслимда (Когон ва Қизилтепа ҳудудларида) ҳамда Пойкент (Қоракўл ҳудудида) тарқалган эди<sup>29</sup>.

Қатагон уруғи вакиллари (жами 7315 нафар) ҳам асосан воҳанинг шимолий ва шимолий-ғарбий қисмидаги Султонобод (1680 нафар), Пирмаст (1070 нафар), Ҳархонруд (995 нафар) ва Ғиждувон ҳудудидаги бошқа майда ариқлар бўйларида (2100 нафар) яшаганлар<sup>30</sup>. Қатагонларнинг бир тармоғи бўлмиш олчинлар эса Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида, асосан Ҳархонруд ва Мозаронган ариқлари бўйларида (1775 нафар), Кармана воҳасидаги Касаба ва Қалқонота ариқлари бўйларида (750 нафар) жойлашганлар. Жалойир (1820 киши), кенегас (2725 киши) ва баҳрин (1390 киши)<sup>31</sup> сингари оз сонли ўзбек уруғлари ҳам XX аср бошларига қадар ўзбек ва тожик тилларида сўзлашувчи маҳаллий халқлар билан ўзаро чатишиб кетган.

Шунингдек, бутун қуйи Зарафшон воҳаси бўйича 16140 нафар метис номи билан аталувчи аралашган этник гуруҳлар вакиллари ҳам рўйхатга олинган бўлиб, улар асосан Бухоро атрофларида Когон ва Қизилтепа ҳудудларида истиқомат қилишган. Воҳанинг шимолий ва қисман марказий қисмларида келиб чиқиши Дашти Қипчоқдан бўлган бошқа ўзбек уруғларини ҳам учратиш мумкин эди. Жумладан, найманлар (5 минг нафар), минглар (1413 нафар), кирклар ва юзлар (9185 нафар) шулар жумласидандир. Қипчоқларнинг (жами 9935 нафар) кўпчилиги Шоҳруд (4970 нафар), Вобкентдарё (2105 нафар) ва Шофрикон (1700 нафар) ариқлари ҳавзасида, озчилик қисми эса воҳанинг жанубий ҳудудларида тарқоқ ҳолда яшаганлар<sup>32</sup>. Воҳанинг ғарб тарафидаги Хайробод ариғи ҳавзасида 2170 нафар дўрмонлар ҳаёт кечиришган. Ушбу уруғи вакиллари Кармана (1565 нафар) ва Қоракўл (1765 нафар) ҳудудларида ҳам тарқалган эди<sup>33</sup>.

<sup>29</sup>Юкоридаги манба. – С. 193.

<sup>30</sup>Юкоридаги манба. – С. 194, 195.

<sup>31</sup>Юкоридаги манба. – С. 193, 214-215.

<sup>32</sup>Материалы по районированию Средней Азии (I) кн. I. Территория и населения Бухары и Хорезма част. I. Бухара –Тошкент, 1926. – С. 206

<sup>33</sup>Юкоридаги манба. – С. 207

Зарафшон воҳасининг қуйи қисмида яшаган аҳолининг сўзлашуви борасида филологик тадқиқот олиб борган М. Мирзаев<sup>34</sup>, 1926 йилги районлаштириш маълумотларига таяниб, худуднинг этнографик харитасини тузишга ҳаракат қилган. М. Мирзаев маълумотларига кўра, воҳанинг қуйи қисми аҳолиси шеваларига қараб 4 гуруҳга бўлинган: 1. қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида сўзлашувчи ўзбек гуруҳлари; 2. ўғуз лаҳжасида сўзлашувчи ўзбеклар; 3. қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи ўзбеклар; 4. ўзбек (қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида) ва тожик тилида сўзлашувчи икки тилли гуруҳлар<sup>35</sup>.

Ўғуз лаҳжасида асосан Қорақўл, Олот туманларида ва Ромитан туманининг баъзи қишлоқлари, яъни Сепота, Қорали, Челангу, Кохуштовон қишлоқларида, Вобкентда Чандир қишлоғида, Бухоро атрофидаги Лоша, Харгуш, Хумин, Хумдонак қишлоқларида яшаган аҳоли сўзлашган. Бу лаҳжада сўзлашувчи ўзбек уруғларини асосан олот, баёт, жиғачи, дарғали, жанафар, караун, коравул, саёт, салир, эрсари, чандир, эски, тамжик, буржик каби уруғлар ташкил этган<sup>36</sup>. Қипчоқ лаҳжасида Кармананинг баъзи қишлоқларида сўзлашишган<sup>37</sup>. Ўзбек ва тожик тилида сўзлашувчи аҳоли эса ўзларини келиб чиқишини манғит, найман уруғларидан деб ҳисоблашган<sup>38</sup>.

Бу даврларда воҳадаги айрим маҳаллий қишлоқлар аҳолиси ягона уруғга мансуб бўлган кишилардан ташкил топганлиги билан характерланади. Шундай қилиб, XIX аср иккинчи ярмида Зарафшон воҳасида мураккаб этнодемографик жараёнлар содир бўлди. Биринчидан, аҳолининг сони кескин ошди. Иккинчидан, кам сонли этник гуруҳлар қисман ўзбеклар таркибига сингиб бордилар. Учинчидан, бу даврда русийзабон аҳоли вакиллариинг кириб келиши кузатилади. Натижада Зарафшон воҳаси аҳолисининг этник таркиби тобора ранг-баранг тус олди.

Зарафшон воҳасининг табиий-жуғрофий ва иқлимий шароити аҳолининг нафақат хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи, балки кўп

<sup>34</sup> Мирзаев М.М. Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳи шевалари. – Тошкент, 1969.

<sup>35</sup> Ўша ерда. – Б. 11, 19.

<sup>36</sup> Мирзаев М.М. Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳи шевалари. – Тошкент, 1969. – Б. 15.

<sup>37</sup> Ўша ерда. – Б. 17.

<sup>38</sup> Ўша ерда. – Б. 21.

қиррали маънавий маданияти ва миллий руҳияти хусусиятларининг шаклланишида ҳам муҳим омил бўлиб келди.

XIX аср ўрталарида Зарафшон воҳасида ҳунармандчилик ва савдо-сотик ишларида маълум даражада жонланиш бўлган. Бу ўз навбатида урбанизация жараёнини тезлаштирган. Натижада шаҳарларда аҳоли нисбатан тез кўпайиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Воҳа аҳолисининг кўшни вилоятлар ва мамлакатлар билан савдо-сотик алоқалари ривожлана бошлаган. Шу билан бирга, асрлар давомида амирлик ҳудудларида барча соҳаларда шаклланиб келган ижтимоий тенгеизлик, ҳуқуқсизлик, адолатсизлик Зарафшон воҳаси аҳолиси ўртасида ҳам яққол сезилиб турган. Ўша даврда барча ижтимоий-иқтисодий масалалар ер-мулк муносабатларига бориб тақалганлиги туфайли ер эгаллиги қудратли моддий база ҳисобланган. Йирик ер эгалари — мулкдорлар асосий оммани меҳнатнинг турли кўринишларига жалб этиши мумкин эди. Ер мулкчилиги воҳада ўрта асрларга хос хусусиятини деярли сақлаб қолган. Бу даврда воҳа деҳқонлари уч тоифага бўлинган: 1) хусусий ер эгалари ва жамоа аъзолари; 2) давлатга қарашли ерларда ишлаган деҳқонлар; 3) чорикорлар<sup>39</sup>.

Воҳадаги ерлар фойдаланиш даражасига қараб, қуйидаги тоифаларга бўлинган: мулки ҳур – солиқдан бутунлай озод этилган вақф ерлар; мулки хирож – ҳар бир танобининг учдан икки ёки бешдан бир қисмигача солиқ солинадиган ерлар; амалдорларнинг етиштирилган ҳосилнинг 2/5 қисми миқдорида натурал солиқ тўлайдиган ерлари. Даҳяқ солиқ турига биноан эса ер эгалари ҳосилнинг 1/10 қисмини давлат ихтиёрига ўтказар эди.

Вақф ерларидан келадиган даромад асосан мадрасалар таълимини ташкил этиш ва бошқа диний эҳтиёжлар учун сарфланган. Хирож солиғининг миқдори турли ерларда турлича эди. Масалан, Хатирчи ва Зиёвуддин бекликларида суғориладиган ерларда ҳосилнинг 3/10 қисми хирож сифатида олинган бўлса, Гиждувон, Вобкент ва Ромитон туманларида бу солиқ ҳосилнинг 4/10 қисмини ташкил қилган.

<sup>39</sup>Кисляков Н. А. Патриархально-феодалные отношения Бухарского ханства конца XIX – начале XX века. – М., 1962. – С. 23.

Амирликда кишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд солиқ турлари шариат қонунлари асосида жорий этилган. Унга кўра, фойда келтирадиган нимаики бўлса, барчасининг ҳисобидан солиқ тўланган. А.Мажлисовнинг таъкидлашича, тадқиқ этилаётган даврда 33 хил солиқ, 11 хил мажбуриятлар, 15 хил маҳаллий йиғимлар амалда бўлган<sup>40</sup>.

Бухоро амирлигида ер солиғини йиғиб олиш тизими ўзининг мураккаблиги билан ажралиб турган. Ҳар бир туманга девонбеги ва маҳаллий беклар тавсиясига биноан амир ёрлиғига эга бўлган саркор (солиқ йиғувчи) тайинланган. Саркорларнинг қўл остида дарға, мирзо каби мулозимлар, шунингдек, кўмакчи йигитлар хизмат қилган. Мирзолар деҳқонларнинг рўйхатини тузиб чиқишган бўлса, дарғалар белгиланган ҳудудлардан солиқ йиғишган. Кўмакчи йигитлар эса уларни хирож тўплаш чоғида юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай қаршилиқлардан ҳимоя қилишган.

Маҳаллий молиявий маъмурият вакилларига амирлик газна-насидан хизмат ҳақи тайин қилинмаган. Улар учун ҳам аҳолидан «кафсан» деб аталувчи маҳсус солиқ йиғиб берилган. Зарафшон воҳаси ҳудудларида мингдан ортик киши шу йўсинда тирикчилик қилишган. Солиқ ва йиғимларни тўплашда амин ва кишлоқ оксоқоллари ва беклик вакиллари иштирок этишган. Амирлик ҳукумати амлок ерлардан олинадиган солиқларнинг газнага келиб тушишини мунтазам кузатиб борган. Амлокдорлар бундай ерлардаги ҳосил чўғини чамалаб, улардан олинадиган солиқ миқдорини аниқлашган. Шунга қарамасдан, солиқ тўловчилар маълум даражадаги совға-саломлар эвазига бойларнинг солиқлари миқдорини камайтириб, асосий оғирликни камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар зиммасига юклашга ҳаракат қилишган.

Кишлоқ хўжалик экинлари ҳосили етилган паллада дарғалар хирмонга келишиб, «ҳосил чўғини» аниқлашган ва уни дафтарларига қайд этиб кетишган. Деҳқонлар дарғанинг руҳсатисиз ҳосилни хирмондан олиб кетишолмаган. Бу тартибни бузганлар қаттиқ жазоланган, ҳатто улар ҳосилдан бутунлай маҳрум бўлишган ҳоллар ҳам кузатилган.

<sup>40</sup>Мажлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в конце XIX–начале XX века. Автореф. дис. ... докт.ист.наук. – Душанбе, 1968. – С. 23.

Бухоро амирлигида ер мулкининг асосий шакли «амлок ерлари» бўлиб, амир ихтиёрида бўлган бу ерлар деҳқончилик қилиш учун айрим кишиларга берилган. Амлок ерларида экин эккан деҳқонлар давлатга хирож ва бошқа солиқларни тўлаганлар<sup>41</sup>. Воҳа деҳқонлари хирождан ташқари яна қуйидаги солиқ ва йиғимларни тўлашга мажбур этилган<sup>42</sup>:

1. Таноб пули – бедапоя, боғ, ҳовли ва пахта даласи учун ҳар танобдан 10–15 танга ҳисобида;

2. Сомон пули – суғориладиган ерларда етиштирилган ҳар бир ботмон буғдой учун 2 ботмон сомон ҳисобида;

3. Кафсан – амлокдор хизмат ҳақи учун ҳар 20 ботмон буғдойдан 0,5 пуд ҳисобида;

4. Қўш пули – баҳорда деҳқон далада иш боплаш арафасида ихтиёридаги ишга яроқли ҳар жуфт хўкиз ҳисобидан 4–8 танга қўш пули тўлаган;

5. Обжувоз пули – бекка қаршли обжувоздан фойдаланган кишилар 20–100 тангадан обжувоз солиғи тўлаган;

6. Миробака – бек томонидан тайинланган ва маҳаллий амлокдорларга хизмат қилган миробнинг хизмат ҳақи учун йиғилган солиқ тури. Бунинг учун ҳар бир деҳқон йилига бир жуфт хўкиз ҳисобига бир ботмон буғдой ёки ҳосилнинг маълум қисмини пул ҳисобида тўлаган;

7. Чўп пули – дарахтларни кесиш ҳуқуқига эга бўлиш учун деҳқон кесилган дарахтнинг  $\frac{3}{8}$  қисми ҳисобидан солиқ тўлаган;

8. Шунингдек, бекликда хизмат қилувчи навкарларни маош билан таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳовлидан йилига 5–6 тангадан пул йиғиб олинган.

Маълумки, Зарафшон воҳаси аҳолисининг ҳаётида қишлоқ хўжалиги етакчи мавқега эга бўлган. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, экин экишга яроқли ер ишлаб чиқаришнинг асосий омили ҳисобланган. XIX асрнинг 70-йиллари бошларида бир қатор рус тадқиқотчилари ва баъзи бир амалдорлар воҳадаги аграр соҳани ўрганишга ҳаракат қилганлар. Хусусан,

<sup>41</sup>Мирзаев К.М. Амляковая форма феодальной земельной собственности в Бухарском ханстве. – Тошкент, 1954. – С.90.

<sup>42</sup>Юкоридаги манба. – С.90.



Л.И.Соболев Самарқанд вилоятида ана шундай тадқиқот олиб борган. У ҳам ўз қайдларида вилоятдаги амлокдорлик ерларидан хирож олинганлигига алоҳида урғу берган<sup>43</sup>. М.Н.Ростиславов<sup>44</sup> ҳам амлок ерларда меҳнат қилган деҳқонлар мунтазам равишда ер солиғи — хирож тўлаб турганликларини таъкидлайди. А.А.Семенов<sup>45</sup> эса амлок ерлардан олинадиган солиқлар ниҳоятда юқори бўлиб, етиштирилган умумий ҳосилнинг 40-50 фоизини ташкил этганлигини қайд этиб ўтган.


Россия империяси босқинидан сўнг воҳада бозор муносабатларининг ривожланиши ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи кучлар ва муносабатлар тарққиётига ҳам туртки бўлди. Натижада шаҳар ва қишлоқларнинг жадал равишда ўзаро яқинлашиши, уларда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва тадбиркорликнинг янада жонланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг тезлашиши каби ҳолатлар юз берди. Шу билан бирга, ички бозорнинг шаклланиши жараёнида товар ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши воҳадаги ер эгаллиги муносабатларнинг парчаланиши учун ўзига хос шароит яратди. Бу жараён товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан ер эгаллиги муносабатларнинг парчаланиши ўртасида номутаносибликни вужудга келтирди. Товар ишлаб чиқаришга ички бозор эмас, балки ташқи бозор таъсир кўрсатаётганлиги бунга асосий сабаб бўлган эди.

Ўрганилаётган даврда Зарафшон воҳасида яшаган аҳолининг ҳаётини савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, тадбиркорликсиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Зотан, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ воҳа иқтисодиётининг асосий тармоқларини ташкил этарди. Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши жамият таракқиётининг асосий омили саналар эди. Ҳунармандларга эса жамиятда алоҳида мавқега эга бўлган ижтимоий тоифа сифатида қаралган. Бошқача айтганда, воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида улкан нуфузга эга

<sup>43</sup>Соболев Л.И. Географические и статические сведения о Зерафшанском округе. ЗИРГО по отдельию статистики. Т. IV, — СПб., 1874. — С. 317.

<sup>44</sup>Ростиславов М.Н. Очерк видов земельной собственности и поземельный вопрос в Туркестанском крае. // Труды III международного съезда юристов-историков. 1876 г. I — СПб., 1879—1880. — С. 331

<sup>45</sup>Семенов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства Бухарского ханства. — Ташкент. 1929. — С. 25.



бўлган ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва тижоратнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланган.

Зарафшон воҳасида ҳунармандчилик тараққиёти бевосита савдо-сотик ва тадбиркорликнинг кенгайишига олиб келди. Ички ва ташқи бозорларда ҳунармандчилик маҳсулотларига талабнинг ортиши савдо-сотик ривожига кенг йўл очди.

Зарафшон воҳасидаги энг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказлари саналган Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ички бозорлардаги пулнинг қиймати ва маҳсулотлар таннархини белгилаб берган.

Воҳанинг аҳоли яшайдиган манзилгоҳларида ҳафтанинг маълум кунларида бозор бўлган. Ички бозорларда аввало, кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, турли ҳунармандчилик маҳсулотлари, пахта матолари, жун ва ипак матоларига талаб катта эди. Умуман, бу даврда аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириш вазифаси ҳунармандлар ва савдо аҳли зиммасида эди. Ушбу тоифа вакиллари тадбиркорлик туфайли орттирган фойда эвазига ҳаёт кечирганлар. Зарафшон воҳасидаги йирик шаҳарлар бозорлари нафақат шаҳарликлар, балки яқин атрофидаги қишлоқлар аҳолиси талабларини қондиришга ҳам хизмат қилган. Кўчманчи чорвадорлар шаҳарларда ўз маҳсулотларини ҳунармандчилик буюмларига айрибошлашган.

Зарафшон воҳасида замонлардан раванқ топиб, улкан тажриба ва анъаналар ҳосил қилган савдо-сотик тизими Россия империяси мустамлакачилиги йилларида ҳам ўз йўлидан борди. Воҳадаги ички бозор савдоси асосий ўринни эгалларди. Маҳаллий ҳалқ етиштирган маҳсулотини қишлоқ ва шаҳар бозорларига чиқариб сотиб, ўзларига керак бўлган молларни харид қилганлар.

Ташқи савдо алоқаларининг кучайиши, воҳада етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ошиши, айниқса, пахтачиликка эътибор кучайиши бу соҳада товар-пул муносабатларнинг ривожланишига имконият яратди. Воҳада ерни сотиш, сотиб олиш, унга гаровга қўйиш ва қарзларни тўлаш воситаси сифатида қараш одат тусига кирди. Ер билан боғлиқ олди-сотди ишлари пул воситасида амалга оширила бошланди<sup>46</sup>.

<sup>46</sup> Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969. – С. 74.

Воҳада аҳоли сонининг тобора кўпайиши, шаҳарларнинг кенгайиши савдо-сотик, ҳунармандчилик ривожига туртки бўлди. Аҳолининг ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган талаби ошиб бориши ва хом ашё етиштириш имкониятларига қараб туманлар турли соҳаларга ихтисослаша бошлади. Масалан, ип-газлама маҳсулотлари етиштиришда Бухоро шаҳри етакчи ҳисобланган бўлса, Ғиждувон шаҳри кулолчилик маҳсулотлари билан шуҳрат топди. Каттакўрғонда тайёрланган пойабзал маҳсулотлари бутун Туркистон ўлкасида маълуму машҳур эди. Барча шаҳар ва қишлоқларда моҳир усталар фаолият кўрсатишар, уларнинг ҳар бири кўплаб шогирдлар етиштиришар эди. Шу тарика воҳада ҳунармандчилик турлари барабар ривожланмоқда эди.

Воҳа аҳолиси савдо-сотик бобида ҳам қадимий анъаналарни давом эттирди. Бу даврда йирик сармоёга эга бўлган савдогарлар қатлами пайдо бўла бошлади. Бундай тадбиркор тижоратчилар нафақат ички савдода, балки ташқи савдо соҳасида ҳам фаол иштирок эта бошладилар.

Зарафшон воҳасида савдо-сотик мавсуми январ ойидан май ойига қадар қизғин паллага кирар эди. Воҳанинг қишлоқ жойларида истиқомат қилган ҳунар аҳли кўпгина ҳолларда деҳқончилик юмушлари билан ҳам банд бўлишган.

Зарафшон воҳасининг мустамлака қисми ва Бухоро амирлиги тасарруфидаги вассал ҳудудларидаги ўзига хос шароитларда савдо-сотикнинг тараққий этиши, савдо ва судхўрлик капиталининг юзага келиши шаҳар ва қишлоқлар натурал хўжалигидаги биқикликни парчалашда ижобий роль ўйнади. Бу даврда савдогарлар ва судхўрлар маҳаллий буржуазиянинг асосий ўзагини ташкил этарди.

Тарихий манбалар XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ҳунармандчилик ва тадбиркорлик алоҳида ўрин тутганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, ушбу манбалар юқорида тилга олинган соҳаларда рўй берган миқдор ва сифат ўзгаришларини ҳам ўзида акс эттиради.

Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, воҳанинг Россия мустамлакасига айлантирилиши, бу ерда капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши, саноат корхоналарининг пайдо бўлиши, янгича ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аҳоли

ҳаётига, айниқса, хунармандлар ва савдогарлар фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, хунармандчиликнинг айрим тармоқлари тушкунликка учради, баъзи тармоқлари юзага келган янги иқтисодий шароитга мослашиб борди. Ҳар ҳолда тадқиқ этилаётган даврда ўтроқ аҳоли орасида ҳам, кўчманчилар ўртасида ҳам хунармандчилик ўзининг аввалги мавқеини деярли сақлаб қолди. Таъкидлаш жоизки, бунинг сабаби воҳада вужудга келган дастлабки саноат корхоналарининг ривожланиш даражаси пастлиги билан боғлиқ эди. Шу боис аҳолининг саноат молларига бўлган эҳтиёжи хунармандчилик маҳсулотлари ҳисобига қондирилар эди.

Гарчи халқ хунармандчилиги уй шароитидан чиқиб, кенг кўламдаги саноат ишлаб чиқариши даражасига кўтарилолмаган бўлса-да, майда кустар ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хорижий давлатларга ҳам чиқариларди. Яъни, бир қарашда ғарибгина кўринадиган қулбола дастгоҳларда тайёрланган хунармандчилик маҳсулотлари ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотмади.

Туркистон хунармандчилигининг ўша даврдаги фаол тадқиқотчиларидан бири бўлган граф Головин "Кустарные промыслы в Туркестане" номли мақоласида "Туркистонда хунармандчилик турлари ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг айримлари нафақат маҳаллий, балки умумдавлат аҳамиятига моликдир"<sup>47</sup> дея эътироф этиб ўтганлиги ҳам бу фикримизни тўла-тўқис исботлайди.

Тўқимачилик, кўнчилик, темирчилик, мисгарлик, заргарлик, пойабзал тайёрлаш, қуллочилик, бўёқ тайёрлаш, дегрезлик, гиламдўзлик ва бошқа касб-корлар XIX аср охири–XX асрнинг бошларида Зарафшон воҳаси хунармандчилигининг асосий соҳалари саналган. Бухоро, Самарқанд, Гиждувон, Каттақўрғон, Кармана, Ургут сингари шаҳарлар ва аҳоли пунктлари йирик хунармандчилик марказлари мақомига эга эди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ана шу даврда Зарафшон воҳаси хунармандларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи аҳолининг бошқа қатламлариники сингари анча машаққатли кечган. Гарчи

<sup>47</sup>Головин Г. Кустарные промыслы Туркестане. // Туркестанский сборник. Т. 512. – С. 17.

хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлса-да, бироқ уларнинг ҳаёт даражаси анча пастлигича қолаверди. Хунармандчилик ривожига маҳаллий ҳукуматнинг етарлича эътибор қаратмаганлигини бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Иккинчи томондан, Россия империяси мустамлакачилиги ўрнатилгач, ушбу ҳудудларга ҳам завод-фабрикаларда ишлаб чиқарилган нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлар йил сайин кўпроқ миқдорда кириб кела бошлади. Учинчидан, хунар аҳли минг машаққатлар эвазига ишлаб чиқарган маҳсулотларни олибсотарлар, савдогарлар арзон нархларда кўтара харид қилишиб, ички ва ташқи бозорларда қиммат баҳоларда сотиш билан шуғулланишар эди. Шу тахлит ҳар томонлама сиқиб қўйилган бечора хунармандлар тақдирга тан бериб, тинимсиз меҳнат қилишга мажбур эдилар.

Зарафшон воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида фаолият кўрсатган хунармандлар ҳам аҳолининг бошқа қатламлари сингари турли солиқ ва йиғимларни тўлашга, мажбуриятларни адо этишга масъул эдилар. В.В.Бартольд маълумотларига кўра, амир Шоҳмурод даврида фақатгина Бухоро шаҳри аҳолиси ва хунармандлари бундай мажбуриятлардан озод қилинган. Шу мақсадда чиқарилиб, 1920 йилга қадар ўз кучини сақлаб келган махсус тархон ёрлиғига биноан Бухоро шаҳри хунармандлари закот ва тагжой ҳақидан ташқари ҳеч қандай солиқ тўламаганлар ва ҳашарларда ҳам иштирок этмаганлар<sup>48</sup>. Бунинг натижасида бухоролик хунармандларнинг аҳволи воҳанинг бошқа ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳамкасблариникига нисбатан бирмунча яхшилانган. Табиийки, ушбу ҳолат Бухорода хунармандчилик тармоқларининг тараққий этишига ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатган.

Воҳа қишлоқларида яшаган хунармандларнинг ҳаёти шаҳарлик усталарникидан кўра оғирроқ кечган. Қишлоқ хунармандлари ўз маҳсулотларини деҳқонлар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига натура шаклида ҳам айирбош қилишган. Бундай одмигина савдо усули ҳар иккала томон учун ҳам анча фойдали

---

<sup>48</sup>Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочененис Т.2. ч.1. – М.: Изд-во АН СССР, 1963. – С.263.

бўлиб, уларнинг ортиқча қийинчиликларсиз ўз эҳтиёжларини қондиришига хизмат қилар эди. Шу билан бирга, шаҳарларлик ҳунармандларнинг ҳаёти ҳам унчалик ҳавас қиладиган даражада эмасди. Гарчи қишлоқлик усталарга нисбатан бир қатор қулайликларга эга бўлишса-да, лекин улар ҳам ўзгалар ҳисобига бойлик орттиришни касб қилиб олган олибсотар, устакорлар босимидан кўп жабр кўришган.

Зарафшон воҳаси ҳунармандлари ҳам минг машаққатлар эвазига ўша давр талабларига мослашиб боришди. Бу жараён, айниқса, воҳанинг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги ҳудудларида сезиларли даражада кўзга ташланди. Ҳунармандчилик ривожини хусусида гап кетганда қиёсий таҳлил учун қуйидаги фикрга эътибор қаратсак: “Зарафшон воҳасида яшаётган маҳаллий халқлар, – деб ёзади А.Гребенкин, – ҳунармандчиликда янги-янги ва сифатли маҳсулотлар тайёрлаш билан замон талаби даражасида иш олиб борганлар”<sup>49</sup>. Табиатан сабр-бардошли ва меҳнатқаш ҳунармандлар ҳар қандай мурақаб шароитларда ҳам ўзларининг отамерос касбини эъзозлаб, бу борадаги азалий анъаналарни сақлаб қолишга интиланлар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Россия империясининг Европа қисмидаги завод-фабрикаларга нисбатан ғариброқ жиҳозланган Туркистон завод-фабрикалари ва ҳунармандчилик корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар XIX аср охирларидан эътиборан Россия бозорларида ҳам пайдо бўла бошлади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлиги таркибидаги ҳудудларига нисбатан бу ерда ҳунармандчилик соҳалари ҳам йилдан-йилга кенгайиб, ривожланиб борди.

Нима бўлганда ҳам ушбу даврда Зарафшон воҳасининг ҳар иккала қисмида ҳунармандчиликнинг анъанавий турлари ўз тараққиётини давом эттирди. Тан олиш керак, Россия империясининг мустамлака тузуми таъсирида миллий ҳунармандчиликнинг азалий ишлаб чиқариш усули ва ускуналарида, охир-оқибат етиштирилаётган маҳсулотларида ҳам муайян ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, бундай ҳолат мустамлака остидаги Зарафшон воҳасида сезиларли кечди.

<sup>49</sup>Гребенкин А. Таджики Зсравшанский долины // Туркестанский сборник. Т.406 – С. 184.

Бу даврда воҳага Россиядан йигирилган ип, металл ва бошқа ярим фабрикат маҳсулотларининг келтирилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, тури ва сифатининг ошишига олиб келди, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари учун Россия, Европа ва бошқа Шарқ минтақаларида янги бозорлар очилишига сабаб бўлди. Бундай жараёнлар ҳунармандлар ҳаёти тарзининг ҳам бир мунча яхшиланишига туртки бўлди.

## 1.2 XIX асрнинг иккинчи ярмидаги сиёсий вазият ва унинг Зарафшон воҳаси аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири

Россия империясининг воҳага босқинчилик ҳаракатларини бошлаши оқибатида асрлар давомида шаклланган анъанавий ҳаёт тарзи ўзгариб, воҳа сиёсий, маъмурий жиҳатдан иккига бўлиниб қолди.

Маълумки, 1866 йилда Хўжанд, Ўратепа ва Жиззах шаҳарларини эгаллаган истилочилар Зарафшон воҳасига ҳам кўз тика бошлади. 1868 йил баҳорида Самарқанд шаҳридан 70 чақирим масофадаги Янгиқўрғон масканида 10 та рота, 12 тўп ва 300 казакдан, Жиззах шаҳрида 5 та рота, 6 та тўп ва 700 казакдан, Хўжандда 10 та рота, 10 тўп ва 100 казакдан иборат рус қўшинлари жанговар ҳолда турган. Бухоро амирлиги ихтиёрида эса 12 та батальон, 3000 нафар сарбоз ва 150 та тўп мавжуд эди. Ниҳоят, ўша йили империя қўшинлари Зарафшон воҳасида ҳам уруш ҳаракатларини бошлаб юборди. 30 апрел куни генерал Кауфман Янгиқўрғондан 25 та рота, 700 казак, 16 тўп, жами 3500 кишилик қўшин билан Самарқандга юриш бошлаган<sup>50</sup>. 1 май куни босқинчилар шаҳарга яқинлашган. Бу пайтда амирнинг лашкарлари Зарафшон дарёси бўйидаги стратегик жиҳатдан ниҳоятда қулай бўлган Чўпонота тепаликларида жойлашган<sup>51</sup>.

<sup>50</sup>Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.259.

<sup>51</sup>Мирза Абдалазим Сами. Тарихи салатнини мангитийа (История мангытских государей). Издание текста, предисловие, перевод и примечания Л.М.Енифановой. – М.: Издательство восточной литературы, 1962. – С.74.

Россия империяси қўшинларининг генерал Головачев ва подполковник Абрамов бошчилигидаги ҳужумидан мағлубиятга учраган амир қўшинлари 21 та тўп ва яна бир қанча қурол-яроғларини бой бериб, ортга чекинишга мажбур бўлган. Босқинчилар эса 40 га яқин аскаридан айрилган. Шу тариқа руслар 2 май куни Самарқадни эгаллайди. Рус қўшинлари бир ой ичида катта-кичик жанглар билан Зарафшон воҳасидаги Ургут, Қоратепа, Челак ва Янгикўрғон қалъаларини ҳам ўзига бўйсундирган<sup>52</sup>.

Шундан сўнг рус қўшинлари Каттақўрғонга ҳужум бошлаган. Самарқанддан Каттақўрғонгача бўлган ерлар эса Бухоро амирлигининг деҳқончилик ривожланган ҳудудлари бўлган. Н.Маевнинг маълумотларига кўра, бу ҳудудда ариқлар, бог-роғ ва экинзорларнинг кўплигидан рус аскарларининг олға юриши қийин кечган<sup>53</sup>.

1868 йил 4 майда генерал фон Кауфманнинг Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли номига мурожаатномаси эълон қилинган. Унда жумладан, шундай дейилган эди: «Улуғ рус подшоҳининг паноҳида яшашни хоҳловчи шаҳар ва қишлоқлар вакилларини қабул қилиб, маълум қиламанки, барча кишилар ўз уйлари ва ерларида яшаб, мол-мулкларидан фойдаланаверсинлар, катта шаҳарларга керагича муфтийлар ва аъзамлар қўйилади. Барча кишилар тинч-осойишта ва бир-бирига душманлик қилмасдан яшашларини таъминлаш учун оқсоқоллар, қозилар, аъзамлар ҳамда муфтийларга генерал-губернаторнинг имзоси чекилиб, муҳри босилган ёзма буйруқлар берилган. Барчангиз ўзингизнинг касб-корингиз ва тижоратингиз билан шуғулланаверинг. Оқ подшоҳнинг ҳукми бўйича шариат ўз кучида қолаверади. Ҳар бирингиз масжидларда оқ подшоҳ ва унинг оила аъзоларига соғлиқ тилаб дуо қилинг.

Сирдарёнинг чап ва ўнг қирғоқларидаги рус ерларидан давлат хазинаси учун белгиланган тартибда хирож ва бошқа солиқлар олинадилар. Агар амир одамлари қишлоқларга келиб, солиқ тўллашга ҳаракат қилсалар, улар зудлик билан қўлга олиниб, бошлиқларга

<sup>52</sup>Куропаткин А. И. Завоевание Туркмени с очерки военных действий в Средней Азии. – СПб., 1899. – С. 25, 26.

<sup>53</sup>Маев. Н. От Ташкента до Катта-Кургана. // Туркестанский сборник. Т.34. – С.216, 217.



топширилсин. Генерал-майор Головачевни сизларнинг губерна-  
торингиз ва бошлигингиз этиб тайинладим»<sup>54</sup>.

Бу марожаатнома Самарқандда тўла-туқис чор Россияси  
хукмронлиги ўрнатилганлиги ва маҳаллий аҳоли истилочилар  
белгилаган тартиб-қоидалар асосида яшаши лозимлигидан далолат  
берарди. 1868 йил 6 майда майор Штемпел 6 та пиёда аскарлар  
ротаси, 200 казак ва бир неча тўплардан иборат қўшин билан  
Челак қалъасига ҳужум қилиб, уни бузиб ташлайди. 17 май куни  
генерал Головачев бошчилигидаги рус қўшинлари Каттакўрғон  
яқинидаги Шўрча қишлоғига келиб ўрнашган. Ўша куни  
маҳаллий оқсоқоллар Головачевнинг ҳузурига келиб, тобелигини  
билдиришади ва Каттакўрғон шаҳрини сўзсиз уларнинг ихтиёрига  
топширишга рози эканликларини баён қилишади. Эртаси куни эса  
шаҳар амирлик қўшинларидан «тозаланади»<sup>55</sup>.

Кучлар тенг эмаслигини тушуниб етган Каттакўрғон ҳоқими  
Умарбек Шаҳрисабзга қочган. Бундан тушкунликка тушган шаҳар  
ҳимоячилари ҳам рус қўшинларига қаршилик кўрсатишни бас  
қилишади. Оқибатда, 18 май куни Каттакўрғон мустамлакачилар  
томонидан жангсиз қўлга киритилган<sup>56</sup>. 1868 йил 2 июн куни  
Зирабулоқ тепаликларида истилочилар ва амир қўшинлари яна  
тўқнашишган. Бухороликлар сон жиҳатидан анча устун (жами  
6000 пиёда, 1500 отлик) бўлишларига қарамасдан, бу гал ҳам  
мағлуб бўлишган<sup>57</sup>. Оқибатда амир Музаффар сулҳ тузиш таклифи  
билан генерал-губернатор фон Кауфман ҳузурига элчи юборишга  
мажбур бўлган. Генерал-губернатор бу таклифни қабул қилади ва  
1868 йил 23 июнда икки ўртада тинчлик битими имзоланади<sup>58</sup>.

Битимга кўра Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттакўрғон  
шаҳарлари (Зарафшон воҳасининг энг ҳосилдор ва катта қисми)  
Россия ихтиёрига ўтади. Қолаверса, рус савдогарларига амирлик  
худудида эркин савдо қилиш ҳуқуқини қўлга киритишади. Бухоро

<sup>54</sup>ЎЗР МДА. 715- фонд. 1-рўйхат. 36-иш. 317-варақ

<sup>55</sup>ЎЗР МДА. 715- фонд. 1-рўйхат. 36-иш. 379-варақ

<sup>56</sup>Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: Шарк, 1998. – Б.268.

<sup>57</sup>Книжка Самаркандской области. Вып.Х. – Самарқанд. 1912. – С. 108,131.

<sup>58</sup>Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: Шарк, 1998. – Б.282.

амири чет давлатлар билан мустақил равишда алоқа ўрнатиш ҳукукидан ҳам маҳрум бўлади. Зарурат туғилганда эса бунинг учун чор Россиясига 500 минг рубль (125 минг тилло) миқдорида товон тўлаш мажбуриятини зиммасига олади<sup>59</sup>. Шундай қилиб, Бухоро амирлигининг Зарафшон воҳасидаги энг ҳосилдор, гуллаб-яшнаган ҳудуди мустамлакачилар ихтиёрига ўтди.

Туркистон генерал-губернаторининг 1868 йил 29 июндаги буйруғига асосан Бухоро амирлигининг собиқ Самарқанд ва Каттақўрғон бекликлари негизида Зарафшон округи ташкил этилади. Округ бошлиғи эса «Зарафшон округини вақтинча бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом»га биноан тайинланади. 1870–1871 йилларда эса юқори Зарафшон дарёси бўйларида жойлашган кичик бекликлар ҳам мазкур округ таркибига киритилди. Зарафшон округи эса Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларига бўлинган эди.

«Зарафшон округини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом»да мустамлага айлантирилган ҳудудларда янги ҳукумат муассасалари тузиш билан бирга, маҳаллий оқсоқол ва аминлар бошқарувини ҳам қисман сақлаб қолиш кўзда тутилган. Бошқарув идоралари, миршаблар, солиқ йиғиш, қозилик устидан назорат юритиш округ бошлиғи Абрамов ихтиёрига берилди. 1868 йилда округ ҳарбий губернатори ҳузурида хўжалик, ҳисоб-китоб ва фармойиш бериш бўлимларидан иборат девон тузилди. Махсус комиссия округ чегараларини белгилаб чиқди. 1868 йил 20 июлда эса Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларининг чегараси ҳам белгилаб олинди<sup>60</sup>.

1886 йил 12 июнда Россия императори «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»ни тасдиқлади<sup>61</sup>. Ушбу низомга биноан Зарафшон округи тугатилиб, унинг ўрнида Самарқанд вилояти ташкил этилди. Ўз навбатида, вилоят Жиззах, Каттақўрғон, Хўжанд ва Самарқанд каби уездларга бўлинди. Кейинчалик, Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторини вазир эмас, балки

<sup>59</sup>Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Л., 1927. – С.227, 228.

<sup>60</sup>ЎзР МДА. 5-фонд. 1-руйхат. 2-иш. 2-варақ.

<sup>61</sup>Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б.193.

императорнинг ўзи тайинлайдиган бўлди. Унинг кўлида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти бирлаштирилган, вилоят губернатори бу ерда жойлаштирилган ҳарбий кўшинлар кўмондони ҳам ҳисобланган. Маъмурий полиция ва суд ҳокимияти ҳам ҳарбий губернатор кўлида эди. Унинг ҳузурида фаолият кўрсатган вилоят бошқармасида барча сиёсий, ҳарбий, суд ва хўжалик ишларига оид масалалар ҳал қилинган.

Самарқанд вилояти таркибидаги туман — уездларни эса штаб офицерлари (капитан, полковник) бошқаришган. Туманбоши — уезд бошлиғи бир вақтнинг ўзида шаҳар ҳокими ҳам ҳисобланган<sup>62</sup>. Вилоят уездлари орасида Самарқанд уездининг мақоми юқори бўлган. Хусусан, 1886 йилги Низомда Самарқанд уезди бошлиғи ҳар қандай фуқарони 7 кунгача қамаб қўйиш, истаган одамга жарима солиши ҳуқуқларига эга эканлиги белгилаб қўйилган<sup>63</sup>.

Туманлар бир неча бўлимларга бўлинган бўлиб, уларни кичик унвонли (поручик, штабс-капитан) ҳарбий зобитлар идора қилишган. «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида Низом»да уларнинг ҳам ҳуқуқ ва ваколатлари кўрсатиб ўтилган<sup>64</sup>. Мисол учун, бўлим приставлари маҳаллий аҳоли вакилларига мустақил равишда жарима (5 рублдан 10 рублгача) солиш ёки 3 кунгача ҳибсда сақлаб туриш ҳуқуқига эга эди<sup>65</sup>. Бўлим приставлари ҳарбий давлат бошқарувининг энг сўнгги бўғини бўлиб, маҳаллий амалдорлар – волост бошқарувчилари, қишлоқ оқсоқоллари, юзбоши ҳамда элликбошилар бевосита уларга бўйсунган.

Аминлик ва қишлоқ оқсоқоли бошқаруви сақлаб қолинди, фақатгина авваллари аминлик ёки даҳа деб аталган маъмурий бўлимлар «қишлоқ жамоалари» деб юритиладиган бўлди. Волостларни бошқарувчилар, қишлоқ жамоаларини оқсоқоллар бошқара бошлади. Улар ўз мансабига 3 йил муддатга сайлаб қўйилган. Ҳар эллик рўзгор ҳисобидан бир вакил танлаб олиниб, улар волост йиғилишида волост бошқарувчисини сайлашган. Бундай сайловлар бўлим ёки уезд бошлиғи, миршаблар, участка

<sup>62</sup>ЎзР МДА. 5-фонд. 25-руйхат. 89-нш. 161-варақ.

<sup>63</sup>ЎзР МДА. 5-фонд. 25-руйхат. 89-нш. 161-варақ.

<sup>64</sup>Положение об управлении Туркестанского края. Составитель Н.Ф.Абрамов. – Ташкент, 1916. – С.43.

<sup>65</sup>Юкоридаги манба. – С.43.

приставлари назорати остида ўтказилган. Шундай қилиб, мустамлакага айлантирилган Зарафшон воҳасининг катта қисмида ҳам чор Россиясининг қонунлари, маъмурий бошқарув тизими жорий этилди. Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий давлатчилик тизими ва қадриятларни менсимасликка қаратилган чоралар амалга оширила бошланди. «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»да ана шу мақсадларни кўзда тутган қуйидаги вазифалар ҳам режалаштирилган эди:

-воҳа ижтимоий-сиёсий ҳаётига бегона бўлган маъмурий-худудий бошқарув бўғинларини жорий этиш.

-анъанавий маҳаллий бошқарувга тааллуқли қонун-қоидаларни, одат ва анъаналар, умуман, миллий давлатчиликнинг барча кўринишларига барҳам бериш.

-волост йиғилишини таъсис қилиб, сунъий тарзда қишлоқ бошқарувини ташкил қилиш ва сиёсий тусга эга бўлмаган барча ички бошқарувда сайлов тизимини таъсис этиш орқали аҳолининг «ўзини-ўзи бошқарув» деб номланган кўзбўямачиликни амалга ошириш. Бундай жараёнлар мустамлака бошқарувининг барча бўғинларида ўз ифодасини топган эди.

Шундай қилиб, Зарафшон воҳасининг чор Россияси томонидан босиб олинган худудида яшовчи аҳолининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари воҳа аҳли турмуш тарзининг барча жабҳаларида ўз ифодасини топди. Маълумки, ҳар қандай давлатнинг истилочилиқдан кўзланган асосий мақсади - мустамлаканинг мавжуд бойликларини ўзлаштиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда, чор Россияси ҳам бекиёс бойликлар маскани бўлмиш Туркистон ўлкасини забт этиш учун ҳар қандай сарф-харажатларга ҳам тайёр эди. Чунки ўлкани тинимсиз эксплуатация қилиш орқали катта бойлик орттириш мумкин эди. Буни яхши англаган рус амалдорлари мақсадга эришиш учун барча имкониятларини ишга солдилар. Бошқа соҳаларда бўлгани каби, бу борада деҳқончиликка ҳам алоҳида эътибор берилди.

Тадқиқотчи И.А.Ремез XX аср бошларида Бухоро амирлигига қаршли ерларнинг ҳолатига тўхталиб ўтган. Унинг маълумотларига кўра, амирлик тасарруфидаги суғориладиган

ерлар 2,2 миллион десятинани ташкил қилган. Дехқончилик маданияти анча ривожланган Зарафшон воҳасида эса бундай ер майдонларининг умумий ҳажми 400000 десятинага етган<sup>66</sup>.

Зарафшон воҳаси дехқонлари асосий эътиборини буғдой, арпа, жўхори, полиз ва сабзавот экинлари етиштиришга қаратган бўлсада, узумчилик ва боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Каттакўрғон ва Ургутда тамаки етиштириш яхши йўлга қўйилган. Миёнқол ва Каттакўрғонда шолидан мўл ҳосил олинган. Россияга пахта толаси катта миқдорда сотила бошлаганлиги туфайли XIX аср охиридан пахтачиликни ривожлантиришга эътибор кучайган. Шунингдек, бу даврда воҳада ипакчилик ва ипак савдоси ҳам анча жонланган. П.Демезон маълумотларига қараганда, «Бухоро атрофи ва Карманада етиштирилган ипак энг сифатли ҳисобланган»<sup>67</sup>. Бухоро шаҳрида 1 пуд пилла 13–14 тилла, шунча миқдордаги ипак ип эса 30–32 тиллага баҳоланган<sup>68</sup>. Бухорода асл ипак ва ярим ипак матолар ҳам тайёрланган.

Хунармандчилик тармоқларининг ривожланиши ўз навбатида, улар билан боғлиқ савдо-сотиқнинг жонланишига ҳам туртки берди. Зотан, воҳадаги йирик шаҳарлар аҳолиси асосан хунармандчилик ва савдогарлик билан машғул эди. Ушбу жараён дастлаб ички савдони ривожланишига кенг йўл очди. Бухоро, Самарқанд, Каттакўрғон, Ғиждувон ва Кармана шаҳарлари ички бозордаги муҳим савдо марказлари ҳисобланган.

Ички бозорнинг шаклланиши ва ташқи савдо таъсирида товар ишлаб чиқаришнинг кучайиши, йирик ер эгаллиги муносабатларнинг парчаланиши учун зарур шароит яратди. Бундай шароитда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида жонланиш юз берди<sup>69</sup>. Бунинг асосий сабаби, товар ишлаб чиқариш учун ички бозордан кўра, ташқи бозорнинг таъсири кучайиб бораётганлигида эди.

<sup>66</sup>Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. –Ташкент: Изд.ЦСУ. Турк. Республики, 1922. – С.34

<sup>67</sup>Записки о Бухарском ханстве (Отчёты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). – М.: Наука, 1983. – С.74

<sup>68</sup>Федоров М.Н. О ценах на рынках Бухары XIX-рубежа XX века// Ўзбекистонда илтимойи фанлар. 1997. -№ 9-10-11. – Б.72–76.

<sup>69</sup>Мусасев Н. XIX асрнинг II ярми–XX аср бошларида Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг шаклланиши. – Тошкент, 2008. – Б. 28.

Россия империясининг Ўрта Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий таъсирини янада мустақкамлаш бу ерда темир йўл қурилишини тақозо қиларди. Шу сабабли тез орада Закаспий темир йўли қурилиши бошлаб юборилди. Мазкур темир йўл 1887 йил 26 февралда Бухорога етган бўлса, 1888 йил 17 апрелда у Каттақўрғон, 1888 йил 15 майда эса Самарқандни ўзаро туташтирди. Умуман, 1708 чақирим масофага чўзилган Закаспий темир йўли қурилиши учун чор ҳукумати 79,7 миллион рубл ёки ҳар бир чақирими учун 46,6 минг рублдан маблағ сарфлади<sup>70</sup>.

Шу давргача Туркистон бойликлари карвонларда Россияга ташилган бўлса, янги ишга туширилган темир йўл ўлкадан беҳисоб ҳажмдаги ер ости ва ер усти бойликларини империя марказига олиб кетиш имконини яратди.

Темир йўл қурилиши натижасида Зарафшон воҳасининг мустамлакага айланган ҳудудидаги йирик аҳоли марказларида иқтисодий жонланишлар юз берди. Бу шаҳарларда ҳунармандчилик корхонаси ва фабрика очган кишилар барча турдаги солиқлар ҳамда ҳарбий мажбуриятлардан озод этилган. Савдо-сотик, саноат, ҳунармандчилик, тадбиркорлик ривожини учун ҳам қатор имкониятлар яратилган. Аммо бундай имтиёзлар фақатгина рус миллатига мансуб шахсларгагина таълуқли эди, холос. Олий ҳарбий-сиёсий амалдорлар «мусулмон аҳолисини кучайтирмаслик учун уларни имтиёзлардан маҳрум этиш ўринли бўлади», деб ҳисоблашган.

Империя мустамлакачилари Бухоро амирлигининг ички мустақиллигини росмана тан олса-да, аммо Зарафшон воҳасининг мазкур ҳудуди иқтисодиётига аста-секин зимдан таъсир кўрсатиб, уни ҳам ўз манфаатлари йўлида хизмат қилдиришни режалаштирган эдилар.

Мустамлака шароитида ижтимоий табақаланишнинг кучайиши натижасида мулкдор табақалар: йирик ер эгалари, савдогарлар, судхўрлар ва кишлоқ буржуазияси деб номланган тадбиркорларга; иккинчидан, меҳнаткаш деҳқонлар қатламларига, қарам деҳқонларга ажралиш жараёни тезлашди<sup>71</sup>.

<sup>70</sup>Суворов В. А. Историко-экономический очерк развития Туркистана. – Ташкент, 1962. – С. 24-25.

<sup>71</sup>Мусаев Н. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан (Тош даври охиридан – XX аср бошларига қадар) – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 207.

Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлиги таркибидаги ҳудудида эса амирликнинг Кармана, Зиёвуддин бекликлари ва Конимех, Қоракўл, Пирмаст, Гиждувон, Ванғозе, Вобкент, Шофриконт, Ёртепа каби 9 та туманликка бўлинган маъмурий қисмлари жойлашган эди. Ўша даврга тегишли маълумотларда Бухоро амирлигига бўйсунувчи 7 та, баъзиларида эса 9 та амлоқдорликларнинг номлари келтирилган. Хусусан, Бухоронинг шимолий-шарқида Пирмаст, Вобкент, Гиждувон ва Ванғозе, шимол ва шимоли-ғарб тарафида Шофриконт, Зандони ва Ромитан, ғарбида Хайробод (Жондор) ва жанубий-ғарбида Қоракўл жойлашган<sup>72</sup>.

Ушбу туманлар Бухорога яқин бўлганлиги сабабли каттагина нуфузга эга эди. Уларнинг амлоқдорлари мавқеи жиҳатидан деярли бекка тенг бўлиб, шахсан амир томонидан тайинланган. Гиждувон каби йирик туманда эса тўқсобадан тортиб, бий каби амалдорлар ҳам фаолият кўрсатган. Одатда Гиждувон амалдорлари бошқа каттароқ мансабга кўтариладиган бўлса, улар бирор ерга бек сифатида жўнатилган. Амлоқдорликларда бекликлардаги каби кози, раис ва миршаббошилар фаолият кўрсатишган. Амлоқдор билан биргаликда чор ҳоким деб номланадиган бу амалдорларни ҳам бевосита амир тайинлаган. Ҳар бир амлоқдорликда қўшбеги томонидан тайинланган закотчи ҳам иш олиб борган<sup>73</sup>.

Бухорога яқин қишлоқлар юқоридаги бирон-бир маъмурий бирлик таркибига кирмаган. Аксинча, ушбу қишлоқлар Бухоро шахрининг бош раиси ёрдамчилари – ноиблар бошқарувидаги бир нечта майда маъмурий бирликларни ташкил этган.

XIX асрнинг охириларидан эътиборан амирлик ҳудудларида савдо билан шуғулланган рус тадбиркорлари ички бозорларда ўзларининг мавқеини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқларини янада кенгайтириш, бу ерга хорижлик савдогарларнинг мол олиб келишига барҳам бериш ҳаракатига тушадилар. Улар Туркистон генерал-губернаторидан бу борпада чора-тадбирлар кўришни талаб қила бошлайдилар.

Бунинг натижасида 1886 йилда Бухорода Россия сиёсий агентлиги фаолият бошлайди. Сиёсий агентлик бошлиғи ташқи

<sup>72</sup>История Узбекской ССР. Т.1. – Ташкент, 1956. – С.134-135

<sup>73</sup>Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида (XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошлари). – Тошкент, 2005. – Б.168.

ишлар вазири томонидан тайинланиб, у бир вақтнинг ўзида Туркистон генерал-губернаторлиги ҳам Ҳарбий вазирликка бўйсунар эди. Сиёсий агентлик ҳеч қандай юридик асосларсиз амирликнинг ички ишларига аралашиб, унинг ҳар қандай мустақил ҳаракатига тўсқинлик қила бошлади ва бунга эришди ҳам. Жумладан, сиёсий агент амирни буткул Россия измига туширишга муваффақ бўлди. Натижада Бухоро ҳукумати Россия томонидан қўйиладиган ҳар қандай талабни сўзсиз бажариши ва лозим бўлганда ички ишларини ҳам сиёсий агент розилиги билан амалга оширишга мажбур бўлиб қолди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Россия империяси Бухоро амирлиги устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган дастлабки йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш рента усули билан боғлиқ бўлган. XIX асрнинг охири—XX асрнинг бошларида воҳага рус капиталининг кириб келиши таъсирида миллий капитал ҳам вужудга келди. Пул-товар муносабатларининг ривожланиши натижасида эса пул рентаси жорий этила бошлади<sup>74</sup>.

1895 йилда Бухоро амирлигининг божхона тизими Россия божхона тизими тасарруфига ўтиши Зарафшон воҳасидаги бозорлар ҳам Россия ички бозорлари таркибига киритилганлигидан далолат берар эди. Империя ҳукуматининг пухта ўйланган ушбу савб-ҳаракати ўз-ўзидан амирликни жуда катта миқдордаги даромаддан маҳрум этиб, даромадлар Россия хазинасига тушишига йўл очар эди. Бу жараён асрлар давомида шаклланган Зарафшон воҳаси иқтисодий ҳаётига ҳам жиддий зарба бўлди. Амирликнинг ҳалқаро ҳуқуқларини поймол қилди. Бу ҳол амирлик таркибидаги Зарафшон воҳасидаги бозорларнинг Россия ички бозорларининг таркибий қисмига айлантириб қўйди. Рус буржуазиясининг маҳаллий тадбиркорлар ва савдогарлар фаолиятини сиқиб қўйиши учун кенг йўл очилди.

Зарафшон воҳасининг ҳар иккала қисмида ички ва ташқи савдо кўрсаткичлари йил сайин мунтазам ўсиб борди. Янги-янги бозорлар очилди. Маҳсулотларнинг тури кўпайиб, савдогарлар ички бозор савдосида янги ютуқларга эришдилар. Аммо ички бозорда рус маҳсулотларининг ҳажми орта бошлади. Россия империяси бу ерда юритган мустамлакачилик сиёсатининг асл мақсадларидан бири ҳам шу эди.

<sup>74</sup>Кисляков Н.А. Патриархально-феодалные отношения Бухарского ханства конца XIX—начала XX века. — М., 1962. — С.69



XIX аср охирларидан воҳада темир йўллар қурилиши, шаҳарларнинг нисбатан кенгайиши, уларда яшаётган кишилар сонининг тез суръатлар билан кўпайиб бориши, ортиқча ерларнинг банд қилиниши охир-оқибат аҳолининг бир қисмини деҳқончиликдан воз кечиб, хунармандчилик ва савдо билан шуғулланишга мажбур эди. Улар бозорларга товар етказиб бериш орқали тирикчилик қила бошладилар. Савдо алоқаларининг кенгайиши шаҳарларнинг ўсишига олиб келди. Туркистон ўлкасида бўлгани каби Зарафшон воҳасида ҳам кўпгина йирик шаҳарлар капиталистик шаҳарлар даражасига кўтарила бошлади. Бу масканлар аҳолисининг аксарият қисми савдо-сотик билан банд бўлишган. Савдо муносабатларининг ривожланиши воҳада товар-пул муносабатларининг кенгайиши учун ҳам катта йўл очиб берди. Воҳа туманларидаги савдо-сотик янги пайдо бўлаётган савдогарлар табақаси кўлига ўта бошлади.

Бундан ташқари, савдо-сотик буюмлари ер эгаллиги рентаси шаклида деҳқонлардан йигиб олинган маҳсулотлардангина иборат бўлиб қолмасдан, улар сафига деҳқонларнинг ўзлари сотган ва хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳам қўшилди. Демак, деҳқон хўжаликлари билан косиб-хунарманд хўжаликлари ҳам воҳанинг туманлараро савдо-сотик ишларида бевосита иштирок эта бошлади.

Воҳадаги нисбатан аҳоли зич яшайдиган шаҳарлар уларнинг атрофида деҳқончилик ва чорвачилик билан кун кечирувчи микрохўжаликлар учун катта аҳамиятга эга эди. Хунармандлар ва савдогар-тадбиркорлар ўрганилаётган даврда шаҳарларнинг асосий ижтимоий артериясини ташкил этган бўлиб, улар жамият ҳаётида маълум мавқега эга бўлишган.

Мустамлакачилик даврида воҳа аҳолиси ўртасида янги ижтимоий табақани ташкил этган миллий буржуазия вакиллари: савдогарлар, заводчилар, йирик ер эгалари пайдо бўлди. Табиийки, ушбу табақанинг асоси савдогар-тадбиркорлар ҳамда хунармандлардан иборат эди. Товар хўжалиги ва унинг ривожланишига ҳисса қўшган бу тоифа вакиллари, айниқса, қишлоқларда табақаланиш жараёнини тезлаштириб, ҳалқ оммасининг маълум бир қисми қашшоқлашишини кучайтирди.

Воҳадаги маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар ўша давр жамияти учун янгилик ҳисобланган ишлаб чиқариш тармоқларига, яъни завод-фабрикаларга асос солиш билан янги ишчи ўринларини ҳам

вужудга келтиришди. Касод бўлган ҳунармандлар, ерсиз колган деҳқонлар эса ана шу тармоқларда ишлашга мажбур бўлдилар.

Воҳада юз берган кескин ижтимоий ўзгаришлар маҳаллий буржуазияга жуда қўл келди. Лекин воҳанинг ҳар иккала қисмида ҳам улариктисодий жиҳатдан айтарли бакувват эмас эди. Маълумки, йирик савдогарлар илгари мавжуд эди. Аммо XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ўлкада янги бойлар, завод эгалари, миллионерлар ҳамда катта корхоналар ҳўжайинлари пайдо бўлди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, бундай кам сонли сармоядорлар асосан пахта, қоракўл, ҳунармандчилик маҳсулотлари билан савдо қилувчи тадбиркорлар орасидан етишиб чиқишган. Улар воҳада фаолият кўрсатган рус капиталистик фирмалари ҳамда Россиянинг Европа қисмидаги бошқа шаҳарлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган эдилар.

Ўрганилаётган даврда савдогарлар ва ҳунармандлар жамият ҳаётида алоҳида мавқега эга бўлишганлигини юқорида таъкидлаган эдик.

Савдогарлар савдо маданиятини, унинг ўзига хос хусусиятларини, аввало, ўз яқинларига, шогирдларига ўргатганлар. Ҳунармандлар ҳам йиллар давомида шогирдлари онгига ўзларининг сермашаққат ҳунарлари сирларини сингдириб боришган. Шу тариқа улар бу борадаги асрий анъаналар давомийлигини таъминлашга хизмат қилганлар. Шогирд — бирон-бир ҳунар соҳасини эгаллаш иштиёқида бўлган шахсдир. Ўз фарзандининг бирон ҳунарнинг бошини тутишини истаган ота-она уни ҳунарманд уста ҳузурига олиб борган. Кўпинча улар ўртасида ёш йигитни шогирдликка олиш ҳақида ёзма шартнома тузилмаган, одатда бу масала оғзаки келишув асосида ҳал этилган. Аксарият ҳолларда шогирднинг бутун таъминоти уста ҳисобидан бўлганлиги боис, хизматлари учун унга ҳақ тўланмаган. Дастлабки йилларда шогирд устанинг уй-рўзгор ишларига қарашиб юрган. Орадан маълум муддат ўтгач, устанинг руҳсати билан у дўконга кириб, уста ва халифаларнинг бажараётган ишларини кузатиш орқали аста-секин ҳунар сирларини ўрганиб борган. Зардўзлик, кандакорлик, дўппидўзлик каби ҳунармандчилик соҳаларига 10–14 ёшли ўғил-қизлар, кулолчилик, темирчилик, чўянгарлик, чармгарлик сингари оғир меҳнатга асосланган касб-кор соҳаларига эса 16–17 ёшли

ўспиринлар шогирдликка қабул қилинган<sup>25</sup>. Шогирд тайёрлаш муддати ҳунар соҳасининг оғир-енгиллигига қараб 3 йилдан 10 йилгача, баъзида ундан ҳам кўп вақт давом этган. Чунки кўп ҳолларда усталар уқувли, чаққон шогирдларини қўлдан чиқаришни истамаган.

Шундай қилиб, маълум бир муддатдан сўнг шогирд мустақил равишда фаолият юритадиган даражага етган. Воҳадаги мавжуд ҳунармандчилик турларининг бошқарув тартиби жамият бошқарувининг маълум бир соҳадаги содда идора қилиш усулига асосланган бўлиб, у асрлар давомида такомиллашиб, давр руҳига мослашиб борган. Рус босқини натижасида воҳа ҳаётига капиталистик муносабатларнинг кириб келиши, ҳунармандчилик корхоналарининг йириклашуви, пул-товар муносабатларининг аҳоли ҳаётида катта ўрин эгаллаши ҳунармандларнинг идора усулида ҳам маълум бир ўзгаришларга олиб келган. Ўз навбатида, шу пайтгача амал қилиб келинган бобо ва оқсоқол хизматида бўлган эҳтиёжнинг камайиб бориши, шогирдларга ҳунар ўргатиш учун маълум миқдорда ҳақ олина бошлаганлиги, усталарнинг кўплаб масалаларни шаҳар, уезд маъмурияти билан яқка тартибда ҳал қилишга одатланганлиги юқоридаги тартибларнинг аста-секин издан чиқишига сабаб бўлди. Аммо шунга қарамадан, ҳунармандларнинг ўзини ўзи бошқариш тартиби ўлканинг сиёсий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди ҳамда ҳунармандчилик соҳаларининг сақланиб қолиши ва бизгача етиб келишида катта аҳамият касб этди.

Савдо-сотик соҳасида ҳам кўп асрлик анъаналар давом эттирилди. Ҳалол ризқ топиш мақсадида узоқ ва машаққатли йўللарни босиб ўтадиган тижорат аҳли жамиятдаги мавжуд иқтисодий муносабатларнинг асосий ташкилотчисига айланишди. Зотан, улар ўзга ўлкалар билан савдо-сотик қилиш орқали воҳада маълум турдаги маҳаллий молларнинг кўпайиб кетиб, кадрсизланиши олдини олиш баробарида, четдан камёб молларни ҳам олиб келишган. Шу тариқа улар жамиятнинг иқтисодий мувозанатини таъминлашга хизмат қилишган. Сир эмаски, бу касбнинг ҳам ўзига яраша машаққатли ва завқли томонлари бор эди. Бироқ «бирни юз қилиш савдоси ва бўзни шойига

---

<sup>25</sup>Қиличев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик (XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б.34.

айлантириш таманноси» савдогарнинг ғайратига-ғайрат қўшар эди. Омилкор ва ишнинг кўзини биладиган савдогарлар XIX асрнинг сўнгги чорагида юзага келган иқтисодий ўзгаришларга мослаша бордилар. Бу даврда Россиядан кириб келган рус савдо-саноат буржуазияси ва у билан ҳамкорлик қилган чет эл капитали воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Гарчи Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати маҳаллий ҳалқларнинг миллий туйғу ва манфаатларига тамомила зид бўлса-да, воҳанинг шаҳар ва кишлоқларидан етишиб чиққан савдогарлар, судхўрлар ва бошқа мулкдор шахслар бойлик орттириш мақсадида метрополия буржуазияси ва чор маъмурлари билан ҳамкорлик қилишни маъқул кўрдилар. Аниқроғи, манфаатдорлик мустамлака ва метрополия буржуазияси вакиллари ўзаро ҳамкорлик йўлида бирлаштирди.

Мустамлакачиликнинг дастлабки йилларидаёқ миллий буржуазия рус капиталининг ишончли вакилига айланди. Маҳаллий меҳнаткашларнинг ана шу тадбиркорлар томонидан эксплуатация қилиниши капитал жамғаришнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатди. Дарҳақиқат, факатгина ожизларни хўрлаб, уларнинг меҳнатини суиистеъмол қилиш билангина катта ҳажмда сармоя йиғиб бўлмасди. Бунинг учун киши биринчи навбатда ўта омилкор бўлиши, тадбиркорликнинг нозик сир-синоатларини чуқур ўзлаштириши лозим эди.

Маълумки, XX аср бошларида бутун Туркистон ўлкасида бўлгани каби Зарафшон воҳасида ҳам аста-секин қарор топа бошлаган бозор муносабатлари ва у билан боғлиқ тушунчалар маҳаллий мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда зиёлилар қатлами онгига сингиб бормоқда эди.

Бозор муносабатларининг энг оддий, оммабоп тушунчалари эса савдо ва тижорат билан боғлиқ эди. Чунки, азалдан давом этиб келаётган бозор ишларини кенгайтириш, савдо ва тижорат орқали даромад топиш, юртни обод ва турмушни фаровон қилиш оддий одамлар учун ҳар жиҳатдан қулай усул ҳисобланар эди.

Хунармандчилик ривожини, савдо-сотиқнинг кенгайиши маълум маънода, воҳа аҳолиси маданий ҳаётидаги устунликни таъминлашга хизмат қилди. Бу жараённи И.И.Головин фикрларидан ҳам билсак бўлади. У таъкидлайдики: "Туркистон

аҳолисининг кундалик ҳаётида асқотадиган кўплаб хўжалик буюмлари рус деҳқонининг шундай буюмларидан анча устун. Масалан, оддий рус кишисининг кийими хонаки тайёрланган дагал материаллардан, нари борса, фабрикада ишлаб чиқарилган арзон читдан тикилган. Туркистонликлар эса нозик газламадан тикилган, кўпинча шойи кийим кийиш имконига эга; уларнинг иссиқ кўйлаги туя ёки қўй жунидан тўқилган. Юққа рангдор теридан тикилган, калиш билан кийиладиган маҳсини рус деҳқонининг қўпол чориғи билан асло киёслаб бўлмайди. Мис идишлар, аёлларнинг кумуш безаклари, моҳирона ишланган эгар-жабудуқлар ҳар қадамда кўзга ташланади. Бунинг боиси, уларни тайёрлаш учун зарур бўладиган материалларнинг сероблиги ва арзонлигига, шунингдек маҳаллий аҳолининг улардан бежирим ва амалий буюмлар ишлаб чиқариш бобида омилкорлигига бориб тақалади<sup>76</sup>.

Бир сўз билан айтганда, юқорида тилга олинган далиллар ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва савдо-сотик воҳа аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида муҳим аҳамият касб этган, дея умумий ҳулоса чиқаришимизга тўла асос бўла олади.

XIX аср охирларига келиб деярли бутун қуйи Зарафшон воҳаси фақатгина Россия империси маҳсулотларини истеъмол қилувчи ва рус саноатига хом ашё етказиб берувчи масканга айланиб қолди. Айни пайтда, воҳада саноат тараққиёти учун имкон яратилди. Хусусан, бу ерда янги саноат тармоқлари юзага келди. Кўплаб турдаги маҳсулотлар тайёрланган хусусий саноат корхоналари сони мунтазам ошиб борди. Лекин ишлаб чиқариш усули ва воситаларидаги бундай ўзгаришлар мустамлака тузум манфаати учун хизмат қиларди. Тайёр маҳсулотлар асосан Россияга жўнатилди. Туркистон ўлкаси каби Зарафшон воҳасини ҳам ўзининг хом ашё базасига айлантирган империя мустамлакачилари воҳани талаш сиёсатини тобора кучайтириб, бу борада турли иқтисодий усулларини ўйлаб топдилар. Табиийки, бу жараён воҳа аҳолисининг иқтисодий ҳаётига янгича ўзгаришларни жорий этишга тўсқинлик қиларди.

---

<sup>76</sup>Головин Г. Кустарные промысле в Туркестане. // Вестник выставки. 1909. -№ 1.

## II БОБ. XIX АСР ОХИРИ–XX АСР БОШЛАРИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИГА ТЕГИШЛИ ХУДУДЛАРИДА ХУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО-СОТИҚ

### 2.1. Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлигига карашли хуудларида хунармандчилик марказлари ва уларнинг фаолияти

Хунармандчилик Бухоро амирлигининг барча ўтрок хуудларида бўлгани каби, Зарафшон воҳасида ҳам асрлар давомида ўзига хос анъаналар асосида такомиллашиб келган. Ўтган вақт мобайнида воҳадан карвон йўлларининг ўтганлиги, бу ерда шаҳарларнинг кўпайиб, аҳолининг зичлашиб борганлиги, воҳанинг қўшни вилоятлар билан савдо алоқалари учун қулай жойда жойлашганлиги хунармандчиликнинг нисбатан тез ривожланиши учун сабаб бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаган Зарафшон воҳасида бу соҳа авлоддан-авлодга, устоздан-шогирдга мерос тарзида ўтиб келган.

XIX асрнинг II ярмида Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлиги таркибида жойлашган Бухоро, Ғиждувон, Кармана каби шаҳарлари ва йирик қишлоқларида тўқимачилик турлари анча тараққий топди. Бу даврда Бухоро ва унинг атрофида 10-12 мингга яқин тўқув дастгоҳлари мавжуд бўлган<sup>77</sup>. Бу соҳанинг ривожланишига нафақат ички савдо, балки ташки савдода ҳам тўқимачилик маҳсулотларига талабнинг ошиб бориши катта таъсир кўрсатган. Савдогарлар шаҳарлик хунармандлар томонидан йиғирилган ип билан чекланиб қолмасдан, йирик қишлоқлардан ҳам тайёр ипларни харид қилишган. Пахта ва пахтадан тайёрланган матолар нафақат ички эҳтиёжлар учун сарфланган, балки унга ўзга юртларда ҳам талаб юқори бўлганлиги боис катта миқдорда четга ҳам чиқарилган. Масалан, 1868–1869 йилларда Бухоро амирлигидан Россияга 2500000 пуд (1949000 рубл) пахта толаси,

<sup>77</sup>Сухарева О.А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX–начала XX века. – Ташкент, 1962. – С.20.

5500 пуд (43000 минг рубл) калава чиқарилган бўлиб<sup>78</sup>, улар асосан Нижний Новгород ярмаркасида сотилган<sup>79</sup>. Уша даврда калаванинг 1/2 фунти 50 тийинга баҳоланган<sup>80</sup>. Бухоро шаҳрида пахта толасидан ташқари, пилла толасидан ҳам ип йигириб, мато тўқиш ривожланган. Зарафшон воҳасида етиштирилган пилланинг катта қисми Россия, Ҳиндистон ва Эронга жўнатилган. 1869 йилда Ҳиндистонга 24000 пуд (4800000 рубл), Россияга эса 5038 пуд (1008 рубл) пилла юборилган<sup>81</sup>.

Ипакчилик Рометан, Коминжара (ҳозирги Вобкент тумани ҳудудида), Қорақўл ва Хатирчи туманларида, яхши йўлга қўйилган. Бу ерларда етиштирилган ипак асосан Бухоро шаҳрида қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилган. Бухоролик хунармандлар ипак матолар тайёрлаш бобида катта билим ва тажрибага эга бўлишган.

Воҳада бўёқчилик қадимдан тараққий этган бўлиб, хунармандлар матоларни ўз дўконларида бўяшган. Бўёқчилар ўз касбини пухта эгаллашган. XIX асрнинг 60-йилларида Туркистон ҳақида кўпгина маълумотлар тўплаган П.И.Пашино Марказий Осиёнинг бўялган ипларидан тўқилган матолар ранги ўчмаслиги билан фарқланиб туришини таъкидлайди<sup>82</sup>. Ушбу касб эгалари бир рангдан бир неча ранглارни тайёрловчи рангрёз (бўёқчи)ларга бўлинган.

Рангрёзлар бўёқ тайёрлашда чуянбу, малгаш, қора мис, ложувард, мисмағил, рўян, гулхайри, кирмак, бузгунч, қизил бақан, қора бақан, асил ранг, испарак, тухмак, нарпус, ширач, нил каби табиий минерал ва ўсимликлардан унумли фойдаланишган. XX аср бошларида Бухорода истиқомат қилган Қосимбой рангрёз, Саттор рангрёз, Ражаб рангрёз, Абдураим рангрёз, гиждувонлик Султон рангрёз, Абдулла рангрёз, Карманада Абдурахмон рангрёз сингари машҳур усталар томонидан тайёрланган мато бўёқларининг доврўғи анча машҳур бўлишган.

Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлиги тасарруфидаги ҳудудида тайёрланган олачалар анча қалин ва юмшоқ қилиб

<sup>78</sup>Ремез И.А. Восточная торговля Бухары до мировой войны... – С. 27.

<sup>79</sup>ЎзР МДА. Р-53 фонд, I-ёзув, 20-нш, 31-варақ

<sup>80</sup>ЎзР МДА. 596-фонд, I-ёзув, 3-нш, 12-варақ

<sup>81</sup>О шелководстве в Средней Азии. // Туркестанские ведомости. – 1872. -№ 47-48.

<sup>82</sup>Пашино П.И. Туркестанский край в 1966 г. Путевые заметки. – СПб., 1868. – С. 140.

тайёрланган. Олача тўқишда ишлатилган қалин арқоқ асосан қизил, баъзида эса оқ рангли кўринишга эга бўлган. Оддий олачанинг энг яхши нави зибак деб аталган<sup>83</sup>. Пари пашша ва банорас<sup>84</sup> деб номланган матолар эса кўк тусли бўлган. Шунингдек, Бухорода олачага нисбатан анча кам миқдорда бўлсада йўл-йўл соф ипак газламалар ҳам тўқилган. Бухорода тайёрланган асил ранг (кошениль)дан ипакни қизил рангга бўяшда фойдаланилиб, унинг 1 жуфти 3 рубл турган. Тоғлардан келтирилган мағилдан бинафша ранг тайёрланган ва унинг 1 жуфти 30 копеек, малғашнинг 1 фунти 2 рублга баҳоланган<sup>85</sup>.

Ўша даврларда пахтадан тўқилган чит, бўз ёки қалами деб аталган матолар Зарафшон воҳасида энг кўп тарқалган газламалар сирасига кирган. Бўзнинг дағал пахтадан тўқилган тури маллабўз, оқ ипга ҳар хил иплар аралаштириб тўқилган йўл-йўл шакли нақшли -қалами, ингичка йўллиси эса чиги деб аталган. Бир бўлак бўзнинг умумий узунлиги 18 аршин<sup>86</sup>, эни 3,5 вершокдан 8-9 вершоккача<sup>87</sup> бўлган. Бозорларда қисқа энли бир бўлак бўз 80 копеекка, кенроғи эса 1 рублгача баҳоланган. Маҳаллий аҳолининг турмушида читга талаб катта бўлиб, ундан кўплаб турдаги буюмлар тайёрланган. Чит тўқимачиликнинг алоҳида соҳасини ташкил этиб, бу йўналишда фаолият кўрсатувчи усталар читгарлар деб аталган. Бухорода алоҳида читгарлар маҳаллалари бўлиб, улар Шоҳмалик, Абдуллахўжа каби усталар номи билан аталган. Гиждувон ва Ромитон бозорларида эса читгарларнинг расталари мавжуд бўлган. Карманада читгарлик Боғмурод қишлоғида анча тараққий этди. Шу қишлоқлик Ҳаким читгарнинг

<sup>83</sup>Агзамова Г.А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё паҳарларида хунармандчилик ва савдо. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 19.

<sup>84</sup>Банорас – (Ҳиндистондаги Банорас шаҳри номидан олинган) арқоғи ипдан тўқиладиган нимшоғи лишиқ мато. Тўқилиши беҳасамга ўқиниб бўлиб факат гуллари билан фарқ қилган. Банорас асосан қумуш ранг оқ тусли бўлиб, уни нозик қорамтир йўллар кесиб ўтган.

<sup>85</sup>Краузе. Л. Заметки о красильном искусстве туземцев. // Сб. «Русский Туркестан». Выпуск 2. – СПб., 1872. – С. 208-210.

<sup>86</sup>Аршин метрик система жорий қилинганга қадар қўлланилган узунлик ўлчов бирлиги (0,71 метрга тенг)

<sup>87</sup>Вершок Россияда метрик система жорий қилинганга қадар қўлланилган ва 4,4 сантиметрга тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги. Яна қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981. – Б. 177.



тайёрлаган матолари анча машхур бўлган<sup>88</sup>. Илгари бозорга чиқарилган бир кийимлик читнинг нархи ўртача 30 копеек турган бўлса<sup>89</sup>, XX аср бошида эса 1 аршини 55 копееккача<sup>90</sup> кўтарилган. Битта тайёр чит чопон 3 рублга баҳоланган<sup>91</sup>.

XX аср бошларида Зарафшон воҳаси бозорларига ҳам рус фабрикаларида тайёрланган чит матолар кўплаб миқдорда келтирила бошлади. Бир сўз билан айтганда, бу ҳол шундоғам ночор аҳволда бўлган маҳаллий читгарликка жиддий зарба бўлди.

Бахмал ҳам Зарафшон воҳасида энг кўп тўқиладиган матолар сирасига кирган. Унинг текис ва патли хиллари мавжуд бўлган. Малакали бахмалбоф бир кунда 2 аршин бахмал тўқиб, уни ўртача 2 рубл 7 копеекка сотган. Бозорда эса ушбу товар 3 рублгача баҳоланган. Хуллас, уста ўзи тўқиган ҳар бир аршин мато учун 55 копеекдан иш ҳақи олган<sup>92</sup>.

Тўқимачилар пахта матолардан ташқари, кўплаб миқдорда адрас, олача, атлас, хонатлас, беқасам, шоҳи, қалғай дуруя каби ярим ипак ва ипак матолар ҳам тайёрлашган. Бу матолар нафақат маҳаллий бозорларга, балки катта миқдорда ташқи бозорга ҳам чиқарилган. Рус ҳукумати ҳам Россия бозорларида сифатли ипак ва ипак матоларга бўлган кучли эҳтиёжни қондиришга жиддий аҳамият қаратган. XIX асрнинг 70-йилларида ана шу мақсадда 200 000 сўмлик капиталга эга бўлган «Москва-Тошкент ширкати» тузилган. Ширкатнинг асосий вазифаси Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликлари ҳудудида ипакчилик корхоналари ташкил этиш, ижарага олиш орқали сифатли ипак матолар тўқишни йўлга қўйишдан иборат эди<sup>93</sup>.

Олача — қўлда тўқилган ингичка йўлли мато бўлиб, унинг таркиби пахта ипи ва ипакдан иборат эди. Пахта ипи сирғалувчан ипак толаларни маҳкам сиқиб турган, бу эса ўз навбатида матонинг

<sup>88</sup>Рахмонов А. Авлодлар манзили.-Кармана, 1996. - Б.16.

<sup>89</sup>Ўз.Р.МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 9-иш. 45-варақ

<sup>90</sup>Ўз.Р.МДА. Р-53 фонд. 1-ёзув. 8-иш. 132-варақ

<sup>91</sup>Ўз.Р.МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 40-варақ

<sup>92</sup>Разводояский В. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. //Туркестанское сельское хозяйство. 1916.-№ 3.4.5.6.7,8, - С. 256

<sup>93</sup>Ўз.Р.МДА. И.1-фонд. 16-ёзув. 2280 – иш. 3-варақ

чидамлилигини таъминлашга хизмат қилган. Олачадан тикилган эркаклар чопони бозорда 5 рублгача баҳоланган<sup>94</sup>.

Ингичка йўлли мато бўлмиш беқасам олачадан ўзининг сифати, тайёрланиш усули ва йўлларининг ингичкалиги билан ажралиб туради. Унинг арқоғи оқ-қизил, ўриши кўк рангли иплардан иборат бўлиб, олий навлисининг 48 аршини 12 рубл 60 копеекка баҳоланган. Беқасамдан тикилган чопон 9 рублга нархланган<sup>95</sup>. Оқ ингичка қора-кўк рангли пахта ип билан тўқилган банорас матосининг бир бўлаги 2 рубл 20 копеекдан сотилган<sup>96</sup>.

Ўша даврда аёлларнинг адрас кўйлаги 10 сўмга, эркакларнинг адрас халати 7 сўмга баҳоланган<sup>97</sup>. 1872 йилда Тошкентда ўтказилган кўргазмада Бухоро адрасининг икки бўлаги (17–18 аршин) 7–8 рублга, Самарканд адрасининг 1 аршини эса 35 копеекка баҳоланган<sup>98</sup>.

Шоҳи матоси тоза ипакдан тўқилар эди. Шоҳибоф бир кунда 8 фунт ипакдан 6 аршин шоҳи тўқиган. Бир бўлак шоҳи тўқиган уста хўжайинидан озиқ-овқат, кийим-кечакдан ташқари 1 рубл иш ҳақи ҳам олган<sup>99</sup>. Шоҳининг сидирға, чала, абрли каби хиллари мавжуд бўлган. Сидирға шоҳининг 1 аршини 60–70 копеекка, абрли шоҳининг 1 аршини 60–90 копеекка<sup>100</sup> баҳоланган. Бухоро шоҳисининг доврўғи жуда баланд бўлган. 1872 йилда Тошкентда ўтказилган кўргазмада бухоролик шоҳибоф Муҳаммад Содик томонидан олиб борилган 2 бўлак шойи 15 рубл 40 копеекка нархланганлиги ҳам шундан далолат беради.

Бухорода ва Кармана шаҳарларида яшаган кўпчилик яҳудийлар қалғай деб номланувчи ҳарир ипак матосини тўқишган. Бундай ҳунармандларни маҳаллий аҳоли «қалғайбофлар» деб аташган. Қалғайбоф хом ипакни ишқорли қозонда қайнатиб олиб, обдон қуритгач, қолиплар ёрдамида унга нақш солишга киришган.

Бу даврда Бухоро шаҳрида 300 нафарга яқин қалғайсоз усталар фаолият кўрсатишган<sup>101</sup>.

<sup>94</sup>Ўз Р МДА. 596-фонд. I-ёзув. 3-иш. 40-варақ.

<sup>95</sup>Ўз Р МДА. 596-фонд. I-ёзув. 3-иш. 40-варақ.

<sup>96</sup>Ўз Р МДА. 596-фонд. I-ёзув. 3-иш. 40-варақ.

<sup>97</sup>Ўз Р МДА. 596-фонд. I-ёзув. 3-иш. 40-варақ.

<sup>98</sup>Ўз Р МДА. 596-фонд. I-ёзув. 3-иш. 40-варақ.

<sup>99</sup>Ўз Р МДА. P.27-фонд. I-ёзув. 10-иш. 2-варақ.

<sup>100</sup>Ўз Р МДА. 596-фонд. I-ёзув. 3-иш. 126-варақ.

<sup>101</sup>Сухарева О. А. Позднефеодальный город Бухара конца XIX–начала XX века. – Тошкент: Изд-во АН УзССР, 1962. – С. 81.

XIX аср охирларида Туркистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нисбатан жонланиш юз берди. Бу жараён Зарафшон воҳаси аҳолисининг ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Бозор муносабатлари, айниқса, ҳунармандчиликнинг тўқимачилик тармоғида бошқа соҳаларга нисбатан илгарироқ намоён бўла бошлади. Объектив ижтимоий-иқтисодий зарурият туфайли вилоятларда бошланган ихтисослашиш жараёни бошқа хонликлар ва чет мамлакатлар (биринчи навбатда Россия) билан ўзаро товар алмашинувини кучайтирди. П.П.Ивановнинг таъкидлашича, хорижий мамлакатлар, жумладан, Россия бозорларида «Ўрта Осиё хом ашёси ва баъзи маҳсулотларига талаб кучая бошлади. Бундан руҳланган маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқлари эгалари имкон қадар ўз жамоаларида ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришга ҳаракат қила бошладилар»<sup>102</sup>. Бу даврда Зарафшон воҳасида йирик тўқимачилик корхоналарининг кўпайиб бориши натижасида яққақўл усталар бозори касодга юз тутди. Оқибатда улар аста-секин туғилиб келаётган маҳаллий майда буржуазия усталарига ёлланишга мажбур бўлишди. Ўрганилаётган даврда Бухорода энг йирик тўқимачилик корхонасининг эгаси саналган Қозоқжон исмли шахс ихтиёрида 120 та тўқимачилик дастгоҳи мавжуд бўлиб, улар ёрдамида аҳоли орасида «алачайи Қозоқжони» номи билан машҳур бўлган энг сифатли алачалар тўқилган.

Бундан ташқари, йирик устакорлардан ҳисобланган Ҳожи Ислом қўл остида 35 киши мато тўқиш билан машғул бўлишган бўлса, 40 нафар уста Тотар маҳалла қишлоғилик Хўжа Қосимга тегишли 25 та дастгоҳ ёрдамида рўмол ва шохӣ тўқишган. Баъзи ишбилармон устакорлар маълум бир мато билан савдосотик қилишни ҳам ўз қўлларига олишган. Масалан, уста Ашур Мурод исм-шарифли устакор 8 та тўқимачилик дастгоҳига эгалик қилиш билан бирга, Бухоро бахмалбофлари томонидан тўқилган барча бахмал матоларни харид қилиб, уларни Хоразм ва бошқа ҳудудларда олиб бориб сотиш билан ҳам шуғулланган<sup>103</sup>. Изланишлар шуни кўрсатадики, ўша даврда воҳанинг баъзи

<sup>102</sup>Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-середины XIX века) – М.: Изд. вост. лит., 1958. – С. 113

<sup>103</sup>Қилчев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик (XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 11.

худудларида бутун бошли қишлоқлар ҳунармандчиликнинг тўқимачилик тармоғи билан шуғулланишга ихтисослашган. Вобкент худудидаги Чорикалон Касари, Кумушкент қишлоқлари, Гиждувон худудидаги Гаждумак қишлоғи, Шофиркондаги Хўжа Ориф қишлоғи ана шундай масканлар сирасига кирарди. Бу қишлоқларда тайёрланган қалами бўз, чит, ипак матолар асосан Вобкент бозорида сотилган ва шу ердан Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз ҳамда Бухоро бозорларига олиб кетилган<sup>104</sup>.

Вобкентлик тўқувчилар асосан қалами деб номланувчи матони ишлаб чиқаришга ихтисослашган эдилар. Улар қаламининг қизил ва оқиш рангли турларини кўпроқ тайёрлашган. Тўқувчи бир бўлак қалами тайёрлаш учун ўртача 8–10 соат вақт сарфлаган<sup>105</sup>.

XIX асрнинг 60–70 йилларида ҳунармандчилик устахоналарида амалда қўлланилган ишлаб чиқариш усуллари ниҳоятда содда бўлишига қарамасдан, уларда ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари бозордаги рақобатга бардош бериб турди. Россия sanoati капитали кириб келгунга қадар ҳам воҳада тарқоқ ҳолда бўлса-да, манифактуралар мавжуд бўлиб, уларда капиталистик ишлаб чиқариш усулини жорий этганди. Бу ҳақдаги дастлабки маълумотларга маълум муддат Хўжандда рус қўшинлари сафида яшаган П.И. Пашино кундаликларида дуч келиш мумкин. «Ип-газлама ишлаб чиқариш билан шуғулланган капиталист, – деб ёзади у, – ўзига таниш бўлган оилаларнинг бир қисмига пахта тозалашни, иккинчи қисмига ип йигиришни, учинчисига уни бўяшни, тўртинчисига тўқишни ва ҳақозо ишларни топширадики, бу ҳол уни усталарга устахона ва дастгоҳлар куриб бериш, ишчиларнинг бекор ўтирган вақтлари учун ҳақ тўлаш каби мажбуриятларидан холос этди»<sup>106</sup>. Ортиқча сарф-харажатлардан қутилган капиталист натижада катта фойда кўра бошлади.

Юқорида келтирилган мисолни Г.Спасский маълумотлари ҳам тасдиқлайди. «Бухоролик савдогарлар, – деб ёзади у, – Шаҳрисабздан юқори сифатли пахта сотиб олишиб, унинг

<sup>104</sup>Современный кишлак Средней Азии (Социально-экономический очерк). Вып. IV. Вобкентская волость. Зерафшанской области Узбекской ССР. – Ташкент, 1926. – С. 166.

<sup>105</sup>Там же. – С. 152.

<sup>106</sup>Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. – СПб., 1868. – С. 140.

асосий қисмидан газлама ишлаб чиқаришган. қолган қисмини эса Россияга жўнатишган<sup>107</sup>. Сир эмаски, бухоролик савдогарлар Шаҳрисабздан келтирилган пахтани газламага айлантириш учун маҳаллий хунармандларга бўлиб беришган. Қўқондан Бухорога келтирилган ипакдан шойи тўқишда ҳам айнан шундай йўл тутилган<sup>108</sup>.

Шарк мамлакатларида бўлгани каби Ўрта Осиёда ҳам қадимдан зардўзлик хунари такомиллашиб борган. Зардўзлик — матога зар билан гул, нақш тикиш маъносини бериб, зар тикишда корчўп, патила, ангишвона, игна, қайчи, уштургардон, оддий қайчи, чори ангишвона каби асбоблардан фойдаланилган. Зардўзликнинг тараққий қилишига унинг Бухоро ҳукмдорлари томонидан куллаб-қувватланиши ҳам сабаб бўлган. Айниқса амир Насрулло (1826-1860), амир Музаффархон (1860-1885), амир Абдулаҳадхон (1885-1910), амир Саййид Олимхон (1910-1920) даврида ушбу нафис хунар анча тараққий этган. Зардўзлик санъати такомиллашиш жараёнида унинг техникаси ривожланиб, ранг-баранг мазмун-моҳият касб этди. Зардўзлик санъатининг ўзига хос мураккаб хусусиятлари шаклланган. Жумладан, бирор духобага зар тикиш учун чор бурчак ёғоч керпи олинган. Сўнг духобага зарли ипак билан тикиб чиқилган. Асосий материал сифатида зар ёки қумуш иплардан фойдаланилган<sup>109</sup>. Кейинчалик ушбу касбнинг мавқеи ошиб, Бухоро амирининг хусусий мулкига айланган. Хусусан, амир саройида фаолият кўрсатган махсус хунармандчилик устахонасида моҳир зардўзлар буюртма асосида турли хил кийим-кечаклар, тўнлар, совғабоп буюмлар тайёрлашган. Амир Насруллохон даврига оид иккита зардўзи чопон<sup>110</sup> ва иккита зўрдўзи от ёпинчиғи музейларда сақланмоқда.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, XIX аср охири, XX аср бошларида амир саройида ва хусусий корхоналарда 300 нафардан 350 нафаргача зардўзи усталар меҳнат қилишган. Улар

<sup>107</sup>Спасский Г. Новейшее описание великой Бухары. // Азиатский вестик. 1925. -№5. -С.32.

<sup>108</sup>Бунаков Е.В. Тенденция развития капиталистических отношений в Средней Азии накануне присоединения ее к России. // Проблемы Востоковедения. – М.: изд. АН СССР. 1960. №6. – С.97

<sup>109</sup>Остонова Г. Бухоро зардўзлари. //Сотлом авлод учун. 2001. №10-11. – Б.32.

<sup>110</sup>Бухоро бадний улкашунослик музей-кўриқхонаси фонди 177019.179319 рақамли буюмлар.

томонидан амир ва унинг оила аъзолари, сарой амалдорларига атаб тикилган кўплаб зардўзи чопонлар, этик, ковуш, маҳси, кўйлак, рўмол, дўпли, калтапўшак<sup>111</sup> ва бошқа буюмлар юртимиздаги қатор музейлар экспозицияларини безаб турибди.

Бухоро зардўзлари асосан Мирзабой, Миржон Али, Мирдўстимбой, Масчити беустун, Алоқабандан, Кўчабоғ маҳаллаларида истикомат қилишган. Зардўзларнинг асосий кўпчилиги Мирдўстимбой маҳалласида<sup>112</sup> яшаганлиги боис, маҳаллий аҳоли уни «Гузари зардўзон» ҳам деб аташган. Бухоро зардўзлари ораларида ихтилоф келиб чиқмаслиги учун ҳар бир маҳалла аҳли маълум бир буюм тайёрлашга ихтисослашган. Масалан, Кўчабоғ маҳалласи зардўзлари сарой учун зардўзи маҳсилар тикиб беришган. Зардўзлик — ёпиқ касб бўлиб, усталар бу ҳунарни асосан ўз фарзанди ёки энг яқин қариндошигагина ўргатиши мумкин эди. Ушбу нафис ҳунармандчилик санъати сирлари шу тарзда сақланган.

Амир Музаффархон замонида Бухоро аркида биргина зўрдўзлик устахонаси мавжуд бўлган. Абдулаҳадхон даврига келиб, уларнинг сони яна биттага кўпайган. Қозикалон Бадриддин ўғилларидан бирининг суннат тўйи муносабати билан амирдан ўз уйида зардўзлик устахонаси очишга истисно тариқасида рухсат берилган. Бу ерда мазкур тантанали маросим муносабати билан амирга тортиқ қилинадиган «соврини тўй» учун зардўзлик буюмлари тайёрланган. Бошқа амалдорлар ва йирик бойлар эса тўй қилгудек бўлсалар, ҳукмдорга тортиқ тайёрлаш учун сарой зардўзлари томонидан тикилиб, хазинага топширилган зардўзи буюмларни шахсан амирнинг рухсати билан, белгиланган нарх бўйича сотиб олганлар.

Сарой устахоналарида тайёрланган барча турдаги зўрдўзлик маҳсулотлари алоҳида рўйхат бўйича амирлик хазинасига топширилган. Хазинада эса ушбу буюмлар матосига қараб, 100 донадан ип билан боғланган ҳолда алоҳида тоқчаларга териб қўйилган. 1894 йили амир Абдулаҳадхон Карманага кўчи

<sup>111</sup>Бухоро бадиий улкашунослик музейи кўрикхонаси фонди 179919, 67919, 68019, 811\9, 6709/9, 4230/10, 4234/10 рақамли буюмлар.

<sup>112</sup>Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки). – Ташкент: Изд. АН УССР. 1958. – С. 94

ўтгач, аркдаги зардўзлик корхонаси ҳам мазкур шаҳардаги Чорбогул саройига кўчирилган. Зардўз Нўъмонжон Аминовнинг хотирлашича, бу ерда унинг отаси Аминжон раҳбарлигида 20 тадан 40 тагача тажрибали усталар фаолият кўрсатган<sup>113</sup>.

Зардўзлик корхоналаридаги барча иш жараёнларига масъул бўлган усталар зардўзларга иш бериш, буюртмаларнинг бажарилиши муддати ва сифатини мунтазам кузатиб борганлар. Улар хазиначидан бахмал, шоҳи, ип, зар ип, игна, гултархи каби зардўзлик хом ашёларини олиб, усталарга тарқатишган. Зар ип кушбеги томонидан тайинланган махсус киши — мирзо қўлида сақланган. Зардўзликда асосий хом ашё ҳисобланган калёбатун кейинги даврларда Россиядаги Бегомазов фабрикасидан олиб келина бошлаган. Унинг ҳар бир боғлами 60 залотник (255 грамм) тош босиб, бозорда 100-114 тангадан сотилган<sup>114</sup>. Устахоналарда гул тархи кесувчи, яъни «усто гулбур» дея аталувчи ходимлар чарм, картон ёки қалин қоғоздан керакли гул тархини кесим билан шуғулланишган. Бу даврда зардўзлар мураккаб нақшли битта чопон тикиш учун 200 меҳнат куни сарфлашган. Ана шу чопоннинг орқа ва елка қисмига «турунж»<sup>115</sup>, «зардўзий - гулдузий» нақшлар тикиш учун 50 кун вақт талаб этилган. Оғир меҳнат эвазига юзага келган бундай ҳашамдор чопонлар 1500 танга (225 рубл) дан 10000 танга (1500 рубл)гача баҳоланган<sup>116</sup>. Бахмал матосидан тикилган заррин от ёпинчиғи — жулнинг бир донаси 16 рубл 50 коопеекдан баҳоланган. Лекин бундай қимматбаҳо буюмларни тиккан усталарнинг иш ҳақи жуда оз бўлиб, кунига атиги 1,5–2 тангадан<sup>117</sup> тўғри келган. Юқоридаги мисоллар устанинг ойлик иш ҳақи ўртача 50-60 тангани ташкил этганлигини кўрсатади.

Бухорода сарой устахоналаридан ташқари 20 га яқин хусусий устахоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларда асосан дўппи, белбоғ, қопчиқча, пешонабанд, болалар тўни ва этикчалари каби майда буюмлар тайёрланган. Шаҳардаги Ҳаёт оқсоқол, Саъдулло оқсоқол, уста қори Ҳасанга қарашли йирик хусусий устахоналарда 15-20 нафардан усталар ишлашган.

<sup>113</sup>Аминов Н. Зардўзликдан тоғлим бахтимни. // Фан ва турмуш. 1987. - №9. - Б.8.9.

<sup>114</sup>Костенко Л.Ф. Путешества в Бухару русской миссии в 1870 г. - СПб., 1871. - С.102.

<sup>115</sup>Айлана,тухумсимон шаклдаги хар хил безакли нақш.

<sup>116</sup>ЎзР МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 13-ярақ

<sup>117</sup>Тоғчарова П.А. Бухоро зардўзлик санъати. - Тошкент, 1986. - Б. 13.

Куйи Зарафшон воҳасида азалдан маълум ва машҳур бўлган ҳунарлардан яна бири бу — темирчиликдир. Қадимда аҳолининг темир ва бошқа металллардан ясалган меҳнат қуролига эҳтиёжи муттасил ошиб бориши ушбу турдаги ҳунармандчилик соҳаларининг тараққий этишига асосий омил бўлди. Темирчи усталарнинг иш қуроли жуда оддий бўлиб, улар тўртта даст - хойск, хойски пардоз, хойски ташчин, путкдох, учта омбир — рост омбир, каж омбир, қалам омбирлар, икки хил эгов — сувани пахал, сувани сараҳадан, шунингдек, сангдон ва гира босқондан иборат эди. Устаҳонада кўп ҳолларда 3 киши — уста, халфа ва шогирд меҳнат қилишган. Уста қийин ва мураккаб ишларни бажарган бўлса, халфа ишлов берилаётган металл буюмга анча залворли оғирликка эга бўлган болға — путк билан зарб беришда унга кўмаклашган. Шогирд эса босқон ёрдамида ўчоқдаги оловни алангалатиб турган.

XIX аср охирида Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатган 150 нафар чилангардан 30 нафари кетмонсозлик, 50 нафари ўроқсозлик билан машғул бўлишган<sup>118</sup>.

Куйи Зарафшон воҳаси шаҳар ва кишлоқларида фаолият кўрсатган темирчилик ва металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш устаҳоналарига темир ва мис хом ашёси асосан четдан олиб келинган. Хусусан, Россияга пахта ва ип-газлама маҳсулотлари олиб бориб сотиш билан шуғулланган бухоролик савдогарлар ўз навбатида, у ердан темир ва мис келтира бошлаганлар. Бу металллардан меҳнат қуроли ва рўзгор буюмлари ясалган, тангалар зарб қилинган. Бухоро амирлиги ҳудудидан қимматбаҳо металллар, биринчи навбатда олтин ва кумуш қазиб олинса-да, бироқ у тобора ошиб бораётган талабларни қондира олмасди. Шу сабабдан қимматбаҳо металлларнинг катта қисми Ҳиндистон, Эрон ва Хитойдан келтирилган<sup>119</sup>. 1841 йили Бухорога келган К.Ф. Бутенев бу ерда 6 та чўян қуйиш қозонлари мавжуд эканлиги ҳақида ёзади<sup>120</sup>.

1841 йилда Бухорога келган М. М. Соловьев шундай деб ёзган эди: «Металлни бадий ишлаш Бухорода жуда ривожланган. Бухоро

<sup>118</sup>Массон М.Е. К истории чёрной металлургии Узбекистана. – Ташкент: Гос.изд. Уз ССР. -1947. – С 51

<sup>119</sup>Чехович О.Д. К истории Узбекистана XVIII в. // Труд и института востоковедения АН УзССР. – Ташкент, 1954 – С.48

<sup>120</sup>Бутенев К. Заводское дело в Бухаре // Горный журнал I. V. кн.XI. – СПб., 1842. – С. 144.



мис буюмлари Ўрта Осиёнинг ҳамма шаҳарларига чиқарилади. Уларни ясаган усталар ўз касбларининг етук санъаткорлари ҳисобланишади. Алоҳида маҳаллаларда яшайдиган мискарлар ва қандакорлар ниҳоятда оригинал усулда бадиий нақшланган мис буюмлар тайёрлашади. Шаҳар аҳолиси орасида уларнинг маҳсулотига талаб жуда юқори эди»<sup>121</sup>. Воҳа ҳунармандларининг мисга бўлган эҳтиёжи асосан Россиядан олиб келинган мис хом ашёси ҳисобига қопланган. Масалан, 1840-1849 йилларда Россиядан 3500 пуд (30500 рубллик) мис олиб келинган<sup>122</sup>.

Қуйи Зарафшон воҳасида темирчилик ва металлга ишлов бериш ҳунарлари учун асосий хом ашё ҳисобланган темир ва мис асосан Россиядан келтирилганлигини юқорида таъкидлаган эдик. Бирок Бухоро амирлигининг шарқий ҳудудларидан ҳам металл, яъни темир ва турли рудалар қазиб олиниб, воҳанинг шаҳар ва қишлоқларига олиб келинган. Амирликнинг Дарвоз Қаратегин ва Ҳисор бекликларидаги темир конларидан ҳар йили 300-400 минг пуд темир<sup>123</sup> ва шунга яқин миқдорда металл қазиб олинган.

Қуйи Зарафшон воҳасининг Ғиждувон, Вобкент, Жондор, Қорақўл туманларида кўплаб чўян қуйиш корхоналари мавжуд бўлган. Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда фаолият кўрсатган қирққа яқин чўян қуйиш корхоналарида эса юзлаб ҳунармандлар меҳнат қилишган. Воҳанинг марказий кенти бўлмиш Бухорода бу даврда йирик чўян эритиш корхоналари деярли йўқ бўлиб, фақатгина шаҳар чеккаларида жуда кам сонли ана шундай корхоналарни учратиш мумкин эди.

Чўянгарлик корхоналарининг шаҳар ташқарисидан қўним топишига амирнинг шаҳарда ёнғин чиқиши олдини олиш юзасидан чиқарган фармони сабаб бўлган<sup>124</sup>.

К.Бутенев маълумотларига кўра, шаҳардан 10 чақирим узоқликдаги Откўча қишлоғида чўян қуйиш корхонаси мавжуд бўлган<sup>125</sup>. Шу билан бирга, шаҳар атрофида Мўғулони қори

<sup>121</sup>Соловьев М.М. Экспедиция в Бухару в 1841-1842 гг. -М.-Л., 1936. - С. 67,68.

<sup>122</sup>Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны... - С 42

<sup>123</sup>Догофет Д.Н. Бухарские ханство над русскими протекторатом том I. - СПб., 1911. - С. 26.

<sup>124</sup>Қиличев Р. XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро шаҳри ҳунармандчилиги. Тарих. фан. номз. дисс... - Тошкент, 1997. - Б. 98.

<sup>125</sup>Бутенев К. Заводское дело в Бухаре //Горный журнал. книга 2 часть 4. - СПб., 1842 - С 150-151

қишлоғида икки ака-укага қарашли 2 та чўян қуйиш корхонаси, Зарманак қишлоғида 1 та, Вожиқти қишлоғида 3 та, Афшор қишлоғида 4 та чўян қуйиш корхоналари ишлаб турган<sup>126</sup>.

Чўянгар усталар бир ойда икки марта чўян қуйишган, чунки бу ишни амалга ошириш учун кўп вақт ва муайян тайёргарлик зарур бўлган. Бундан ташқари, чўян қуйиш жараёни жуда кўп ёрдамчиларни талаб этган. Бир туркум чўян эритиш учун 30 нафарга яқин киши, яъни 3 нафар уста, 10 нафар ёрдамчи, 10 нафар дангар ва эритилган чўянни қолипларга қуювчи 5 нафар киши керак бўлган.

Металлга ишлов бериш ҳунарлари Кармана туманида ҳам ривожланган. Жумладан, XX аср бошларида Карманада 10 га яқин йирик темирчилик устахоналари фаолият кўрсатган. Шунингдек, катта қишлоқларда темирчи усталар ўз уйларида ҳам кичик-кичик темирчилик дўконлари очганлар<sup>127</sup>.

Кармана беклигида Уста Жўра, Уста Шариф, Уста Абдулло, Уста Худойберди, Уста Турди, Уста Эшмурод, Уста Нусратилло<sup>128</sup> каби темирчиларнинг номлари анча машҳур эди. Улар ўз билими, тажрибаси ва касб-кори сирларини кейинги авлодларга ўргатишни муқаддас бурчи деб билганлар.

Темирчилик устахоналари Вобкентда ҳам мавжуд эди. Бу ерда 3 та печ ишлаб турганлигининг боиси ҳам шунда. Вобкентлик ҳунармандлар асосан позагирлик<sup>129</sup> билан шуғулланишган. Унинг атрофидаги Араван, Қоза ва Кумушкент қишлоқларида жойлашган устахоналарда ҳам асосан омоч учун поза ишлаб чиқарилган<sup>130</sup>. Воҳа деҳқонлари позани тез-тез, баъзан ҳафтада бир марта алмаштириб туришганлиги сабабли унга талаб анча юқори эди. Дала ишларида танаффус ҳисобланадиган киш ойларида позагирлар бошқа металл буюмлар қуйиш ва ясаш билан машғул

<sup>126</sup>Қиличев Р. XIX аср охири–XX аср бошларида Бухоро шаҳри ҳунармандчилиги. Тарих. фан. номз. дисс... – Тошкент, 1997 – Б. 98.

<sup>127</sup>Хотамов А., Халилов Ш. Йиллар садоси (Кармана тарихидан лавҳалар). – Тошкент: Адолат, 1995. – Б. 40.

<sup>128</sup>Юқоридаги манба. – Б. 40.

<sup>129</sup>Омоч учига металлдан тугри учлик тайёрловчилар.

<sup>130</sup>Современный кишлак Средней Азии (Социально-экономический очерк) вып. IV. Вобкентская волость (Зеравшанская область Узбекской ССР). – Тошкент, 1926 – С. 143

бўлишган. Йилнинг бошқа фасллари ва, айниқса, баҳор ойларида позага бўлган талаб яна ошган. Позагирлик ҳунари Кармана шаҳри ва унинг теварак-атрофидаги аҳоли истиқоматгоҳларида ҳам ривожланган. Хусусан, Кармана яқинидаги Уйрот қишлоғилик Ёрча Ҳожиев, Шерча Ҳожиев, Туроб уста<sup>131</sup> каби позагирлар деҳқонлар орасида катта ҳурмат-эътиборга эга бўлишган.

Металлга ишлов бериш тармоқларидан бири бўлмиш мисгарлик ҳунари Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд эди. Мисдан ишланган бежирим идишлар асрлар давомида ҳалқимиз турмушида кенг қўлланиб келинган.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида қуйи Зарафшон воҳасида бадий зарб билан ишланган мис буюмлар ниҳоятда ранг-баранг ва хилма-хил шаклга эга эди. Улар орасида, айниқса, сув келтириш, сақлаш ва чой дамлашда қўлланиладиган мисқўза, чойдиш, мисчойнак, ширинликлар, мева шарбатлари ва ҳар хил ичимликлар учун ишлатиладиган мис коса, шарбат коса, косон мис идишлари аҳоли турмуш тарзидан кенг ўрин олган эди.

Мис лаганларнинг аксарият қисми доира шаклида бўлган. Тухумсимон ва тўрт бурчакли мис лаганлар камдан-кам учрайди. Зарафшон воҳасида чорқунж<sup>132</sup> деб ном олган бундай буюмлар XIX асрнинг иккинчи ярмида воҳага Россиядан келтирилган мис лаганларга тақлид қилиш орқали пайдо бўлган. Бундай мис лаганларнинг лаби ён томонга қайтарилган бўлса, «лавхўри»<sup>133</sup>, борди-ю, яна давом этиб, пастга қайтарилган бўлса, «дулава»<sup>134</sup> деб аташган. Лаблари кунгира шаклидагисини эса «қошиқлик» ёки «қошиқи» деб юритилган<sup>135</sup>.

Ўрганилаётган даврда қуйи Зарафшон воҳаси мискар ҳунармандлари яратган кандакорлик буюмлари Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Россия ва яна бир қатор хорижий ўлкаларда ҳам машҳур бўлган.

<sup>131</sup>Ҳотамов А., Халилов Ш. Йиллар садоси (Кармана тарихидан лавҳалар). – Тошкент: Адолат, 1995. – Б. 42.

<sup>132</sup>Тўртбурчакли мис лаган, кўпинча бундай мис лаганлар Бухорода учрайди. Абдуллаев Т. XIX–XX асрларда ўзбек кандакорлиги. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 124.

<sup>133</sup>Мис лаганларнинг лаблари ён томонга қайрилган шакли.

<sup>134</sup>Лаблари қайрилган мис лаганларнинг бир тури.

<sup>135</sup>Абдуллаев Т. XIX–XX асрларда ўзбек кандакорлиги. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 114.

Бу даврда Бухоро Регистони яқинидаги Арроқи масжиди ёнида каттагина мискарлар растаси мавжуд бўлиб, уларда қарийб 200 та мискарлик дўқони жойлашган эди<sup>136</sup>.

Воҳада мискарлик ҳунарлари, айниқса, XIX аср охирларида изчил ривожланди. Бухоро амири Абдулахадхон даврида эса буюмларга бадий нақш бериш хусусиятлари ўзгара бошлайди. Чунки бу даврда усталар тобора ривожланиб бораётган буржуазиянинг талабини қондириш учун қадимий Бухоро анъанавий классик нақшларидан воз кечишди ва фабрикаларда ишлаб чиқарилаётган буюмлар шаклларига тақлид қилган ҳолда, янги шакллар яратдилар. Уларни эмал, сургич каби рангдор бўёқлар билан бўяшни йўлга қўйиб, қимматбаҳо тошлар билан, кейинчалик эса рангдор шишалар ёрдамида безай бошладилар.

XIX асрнинг охирларида воҳага Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган кўплаб турдаги маҳсулотларнинг кириб кела бошлагач, маҳаллий ҳунармандчиликнинг қатор соҳалари қисқара бошлади. Лекин миллий анъанавий мис буюмлар ишлаб чиқариш соҳаси аксинча, тобора ривожланиб борди. Туркистон ҳунармандчилиги тадқиқотчиларидан бири И. И. Гейер 1909 йили шундай деб ёзган эди: «Рус фабрикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни келтириш орқали маҳаллий ҳунармандчилик буюмларини сиқиб чиқариш мақсади амалга ошмади. Чунки мис чойнак, мис чой идиш, офтоба ва бошқа маҳаллий мис буюмлар ўзининг юқори сифати ва жозибадорлиги билан фабрикада ишлаб чиқарилган шу турдаги буюмларни рақобатда ютиб чиқди»<sup>137</sup>.

Нақшланган мис буюмлари бозорга чиқарилган. Бозорда бир дона чойжуш 6 рубл, сархона 6 рубл 50 копеек, мисқозон 7 рубл, лаъли 10 рубл, чойнак 4 рубл, капгир 3 рубл<sup>138</sup>, челақ 8 тангадан<sup>139</sup> сотилган.

Қуйи Зарафшон воҳасининг Қоракўл, Вобкент, Гиждувон, Кармана ҳудудларида ҳам бу даврда мискарлик ҳунарларининг ривожланганлиги кўриш мумкин. Масалан, XX аср бошларида Карманда машҳур мискар Уста Шароф (тахминан 1919 йили вафот этган), Уста Ёдгор, Уста Пайзи, Уста Турсун каби

<sup>136</sup>Сухарева О.А. Бухара XIX и начало XX вв. – М., 1966. – С 193,194

<sup>137</sup>Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент, 1909. – С 94

<sup>138</sup>ЎЗР МДА. 596-фонд, 1-ёзув, 3-иш, 42-варақ

<sup>139</sup>ЎЗР МДА. Р-48-фонд, 1-ёзув, 3413-иш. 60-варақ.

мискарлар<sup>140</sup>, Хатирчида Полвон мискар, Юсуф мискарлар<sup>141</sup> фаолият кўрсатишган.

Ўзбекистон Давлат Санъат музейи коллекцияларида воҳа хунармандларининг ўзига хос ижод намуналари сақланмоқда. Музейда сариқ мисдан ясалиб, XX аср бошларида нақшланган ягона мис чойнак сақланмоқда. Шунингдек, музейида сақланаётган мис капгир<sup>142</sup> қизил мисдан ясалган бўлиб, бухоролик номаълум кандакор томонидан нақшланган. Умуман олганда, қуйи Зарафшон воҳасида хунармандчиликнинг мискарлик соҳаси XIX асрда яхши ривожланиб, унга Уста Шариф, Салоҳиддин, Ҳаким Бухорий, Дўстмуҳаммад, Уста Ғани, Уста Ғулом, Муҳаммадриза каби тажрибали мискарлар ўз хунарлари билан катта ҳисса қўшишган. XX аср бошларида ҳам Олим Абдусаломов, Ғулом Ҳасанов, Облаёр Йўлдош, Уста Беги, Норсолиҳ каби машҳур усталар бу борадаги отамерос анъаналарни изчил давом эттиришган.

Қурол-яроқсозлик темирчиликнинг муҳим соҳаларидан бири саналарди. Айниқса, уруш ва ҳарбий ҳаракатлар чоғида қуролсоз усталар ҳукуматдан жуда катта миқдорда буюртмалар олишган. Юртда осудалик ҳукм сурган кезларда эса қуролсоз усталар пичоқ, сувлик, тақа каби майда буюмлар ясаш билан кун кечиришган. Тўп қўйиладиган жой “Қўрхона” деб номланиб, бундай қурхоналар Бухорода, Карманда, Самарқандда (1868 йилгача) фаолият кўрсатган<sup>143</sup>.

М. Грулев маълумотларига кўра, 1892 йилгача Бухоро амирлиги армиясида 11400 нафар пиёда, 400 нафар мунтазам гвардиячилар, 2070 нафар миршаблар, 620 нафар оғир артиллериячилар, 151 нафар тўпчи аскарлар хизмат қилишган<sup>144</sup>. Юқоридаги маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, амирлик кўшинини биринчи навбатда маҳаллий қуролсоз усталар қурол-яроғ билан таъминланганлар. Замонавий қуролларнинг аксарият қисми эса четдан олиб келинган. Бухоролик қуролсозлар асосан шаҳарнинг Тўпхона гузариди истиқомат қилишган.

<sup>140</sup>Ҳотамов А., Халилов Ш. Йиллар садоси. – Тошкент: Адолат, 1995. – Б.50.

<sup>141</sup>Ҳолмуродов Р. Хатирчи тумани тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.33.

<sup>142</sup>Ўзбекистон Давлат Санъат музейи. 5-коллекция. Инв № 24.

<sup>143</sup>Шуқуриллаев Ю.А. Бухоро амирлигида қўшин ва ҳарбий иш (1756–1920 йиллар). Тарих. фан. номз. дисс., автореф. – Тошкент, 2006. – Б.20.

<sup>144</sup>Грулев М. Соперничества России и Англии в Средней Азии. – СПб., 1909. – С.20.

XIX аср охири–XX аср бошларида қуйи Зарафшон воҳасида кенг тарқалган хунармандчилик тармоқларидан яна бири заргарлик бўлиб, бу нафис касб юқори даражада тараққий этган. Воҳа шаҳарларида истиқомат қилган бой аҳоли қатламлари ҳамда савдогарлар орасида заргарлик буюмларига талаб катталиги ушбу хунарнинг ривожланишини таъминлади. Ўлкада олтин, қумуш ва бронзадан тайёрланган заргарлик буюмлари воҳа аҳолиси эҳтиёжини қондирибгина қолмай, қўшни вилоятлар ва давлатларга ҳам чиқарилган.

Бошқа хунарлар сингари заргарликда ҳам ўзига хос асбоб-ускуналар бўлиб, улар лойли ўчоқ, чарм, ўтга чидамли лойлар, пайванд найча, темир қисқичлар, болғачалар, металл тахта, металл қисқичлар, паргор, мисгарликда иплатиладиган баъзи бир кескич асбоблар, чарх тош, кичкина қисқичлар, қолиплар, металлдан тайёрланган ҳар хил диаметрли ярим шарсимон чуқурчали қолипчалар, қайчи, омбирлар, пайвандловчи каби асбоблардан иборат бўлган. Заргарлар бундай асбобларни ясаш учун темирчи усталарга буюртма берганлар<sup>145</sup>.

Заргарлик буюмларини тайёрлаш анча мураккаб ва нозик юмуш ҳисобланган. Бу даврда қуйи Зарафшон воҳасининг асосий хунармандчилик маркази ҳисобланган Бухорода истиқомат қилган 400 нафарга яқин заргарлар<sup>146</sup> шаҳарнинг Тоқи Заргарон растасида фаолият кўрсатишган. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, 1860 йилда Хивада 12 та, Тошкентда 70 та<sup>147</sup>, 1870 йилда Самарқандда 23 та<sup>148</sup> заргарлик дўконлари ишлаб турган. Манбаларнинг шохидлик беришича, тилладан бурун ва қулоққа тақиладиган халқа 6 рубл, қумушдан ишланган билакузук 3 рубл, халқа 2 рубл, узук 50–60 копеекка баҳоланган<sup>149</sup>.

Бухорода хусусий заргарлик дўконларидан ташқари, арқда саройга қарашли заргарлик корхонаси ҳам фаолият кўрсатган. Бу ерда 1 нафар заргарбоши, 1 нафар бош заргар ва 20 нафарга яқин доимий ишловчи заргар усталар меҳнат қилишган. Заргарбоши усталарни хазинадан ажратиладиган олтин, қумуш, қимматбаҳо

<sup>145</sup>Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: Меҳнат. 1991. – Б. 309.

<sup>146</sup>Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни быта, строительного дела, ремесла искусства старой Бухары. – Ташкент, 1981. – С.241

<sup>147</sup>Тейер И.И. Назаров Н. Кустарные промыслы в Ташкенте. – Ташкент, 1903. – С.9.

<sup>148</sup>Костенко Л.Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 г. – СПб., 1871. – С.26

<sup>149</sup>ЎЗР МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 42-варақ

тошлар ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаб турган ва ўз навбатида, улардан тайёр ишни қабул қилиб олган. Мабодо қисқа вақт ичида катта миқдордаги заргарлик буюмларини тайёрлаш зарурати туғилса, заргарлик цехи орқали саройга қўшимча равишда усталар таклиф қилинган. Сарой заргархонасида фаолият кўрсатган юқори малакали заргар кунига 5 танга, ундан камроқ тажрибага эга заргар эса 3 танга иш ҳақи ҳамда уч маҳалдан озиқ-овқат билан таъминланган<sup>150</sup>.

Заргархонада нафақат турли-туман тақинчоқлар, балки тилла, кумуш тангалар ҳам зарб қилинган. Бухоро яқинидаги Ғарбун қишлоғида 1 та пул зарб қиладиган дастгоҳ мавжуд бўлиб, унда 1 нафар уста раҳбарлигида 9–10 киши хизмат қилган<sup>151</sup>. Умуман олганда, заргарлик ҳунарлари ҳукумат томонидан зардўзлик соҳаси каби қўллаб-қувватлаб турилган.

Қуйи Зарафшон воҳасидаги аксарият шаҳар ва қишлоқларда заргарлик суст ривожланган. Ушбу ҳунар фақатгина Бухоро шаҳрида изчил тараққий этган. Воҳанинг бошқа ҳудудларида ҳам бу борадаги эҳтиёж асосан Бухорода тайёрланган заргарлик буюмлари эвазига қондирилган. Ғиждувон ва Кармана шаҳарларида эса заргарлик нисбатан яхши йўлга қўйилган.

Воҳада тараққий этган ҳунарлардан яна бири кўнчилик бўлиб, у чорвачиликнинг ривожланиши билан боғлиқ эди. Зирабулоқ, Кармана, Ғиждувон қишлоқларида тери ошлаш тайёрлаш жараёни асосан бир хил хусусиятга эга эди. XIX аср охири–XX аср бошларида воҳа қишлоқларида фаолият кўрсатган кўнчи ҳунармандларнинг бир қисми ўзаро келишиб, маблағларини қўпишиб кооперация шаклидаги дўконлар тузишган. Табиийки, уюшиб ишлаган ҳунармандларнинг устахонаси ҳам нисбатан каттароқ жойни эгаллаган. Масалан, Ғиждувондаги уюшган ҳунармандлар дўкони 2–3 таноб (40–60 сотих) ерни эгаллаган. Унинг таркибида 50–100 нафаргача кўнчи ишлаган<sup>152</sup>.

Кўнчилик маҳсулотларини сотишдан келиб тушган мумай даромад ушбу соҳа вакилларини кўпроқ миқдорда тери ошлашга

<sup>150</sup>Қиличев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 22.

<sup>151</sup>Қиличев Р. Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 22.

<sup>152</sup>Рассудова Р.Я. Занятия населения. // Этнографические очерки Узбекского сельского населения. – М., 1969. – С. 65

ундаган. Шунингдек, қишлоқларда чорва моллари кўплаб боқилганлиги боис хом тери кўп бўлган<sup>153</sup>. Уша даврларда айниқса, Нурота, Қўнробот, Янгиқўрган, Конимех, Қарнаб худудларидаги қишлоқларда чорвачилик яхши раванқ топган<sup>154</sup>.

1878 йилда Тошкент ва Петербург шаҳарларида бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари кўргазмаларида Зарафшон воҳаси кўнчи хунармандлари тайёрлаган буюмларнинг ҳам намоиши қилинганлиги ёки 1907 йил 19 июлда Туркистон халқ музейи экспозицияси учун маҳаллий ошланган терилардан тайёрланган буюмлар намуналарининг юборилиши уларнинг юқори сифатга эга бўлганлигидан далолат беради<sup>155</sup>.

Маълумотларга кўра, бу даврда ўлкада териларнинг асосий қисми маҳаллий чорва моллари терисидан хонаки технология асосида тайёрланган<sup>156</sup>. Бу даврда кўнчилар муайян бир йўналиш бўйича ихтисослашганлар. Жумладан, чарм (тагчарм) ишлаб чиқарувчилар — чармгар, рах тайёрловчилар — рахгар, меш ошловчилар — мешгар, қайиш ишлаб чиқарувчилар — қайишпаз ёки сахтиёнгар, кемих ошловчилар — кемухтгар деб юритилган. Бундай ихтисослашувдан қатъий назар, кўнчи усталар барча навдаги териларни ийлаш технологиясини яхши ўзлаштирганлар. Шу боис қишлоқ аҳли барча тоифадаги кўнчиларни “чармгар” деб ҳам атаган.

Кармана ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшаган кўнчилар асосан ийланган тери етиштириш билан машғул бўлганлар. Аҳоли томонидан сўйилган чорва ва ов ҳайвонларининг терисини нобуд қилмай, уларни бозорга олиб чиқишган ёки буюртмачиларга топширишган. Шунингдек, терилардан рўзғорда асқотадиган тўшак — пўстак сифатида фойдаланишган ёки пўстин тикишган. Баъзан терига ишлов беришни давом эттириб, бошқа турдаги ошланган материаллар ҳам тайёрлаганлар. Бундай ҳолни Доғистон халқларида ҳам кузатиш мумкин<sup>157</sup>.

<sup>153</sup>Парамонов М. О кожевном производстве в Туркестанском крае. //Русский Туркестан, вып. II. — М., 1872. — С. 225

<sup>154</sup>Рассудова Р.Я. Занятия населения. // Этнографические очерки Узбекского сельского населения. — М., 1969. — С. 59-60.

<sup>155</sup>ЎзР МДА. 72-фонд, 1-ёзув, 9-иш, 81-варақ; 575-фонд, 1-ёзув, 5-иш, 1-варақ; 596-фонд, 1-ёзув, 3-иш, 182-варақ; 4-иш, 22-варақ

<sup>156</sup>Розвадовский В. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. // Туркестанский сельское хозяйство. 1916. -№5. — С. 446.

<sup>157</sup>Агаширинова С.С. Домашняя производство и ремесло. // Материальная культура лезгин конца XIX—начале XX вв. — М., 1978. — С. 57-60



Кўйи Зарафшон воҳасининг Зирабулок, Кармана, Гиждувон, Қоракул ҳудудларида ҳунармандлар пўстак тайёрлаш мақсадида ийланган терига ишлов бериш, уни юмшатиш учун тери томонига чарви ёки мол ёғини икки-уч сидра суртишган ва кўл билан эзиб пиширишган. Бу иш то ёғ терига сингиб кетгунча давом эттирилган. Бундай ишлов берилган терилар бир-икки кун очиқ ҳавода сақлангач, пўстак ёки пўстин сифатида ишлатила бошланган. Эътиборли жиҳати, мазкур усул фақатгина туркий халқлар учун хос бўлмай, балки Европадаги айрим миллатлар кундалик ҳаётида ҳам учрайди. Масалан, Чехиянинг Морав Словацкий кишлоғи аҳолиси қора кўй териларини ошлаб “кожик” деб аталувчи пўстин тайёрлашган<sup>158</sup>. Умуман олганда, ошланаётган терига едилган моддалар батамом сингиши ва терининг қуриши учун у дудхонада тобланган<sup>159</sup>. Терини иссиқликда тоблаш усули қайта-қайта (15–20 марта) бажарилган. Сўнгра тери – гурдонда бир, бир ярим кун сақлаб, қуритилган. Шундан кейингина терига пардоз берилиб, у тайёр ҳолатга келтирилган. Бундан кўринадики, кўл меҳнатига асосланган усулда тери етиштириш учун ўртача ҳисобда бир ҳафта талаб этилган. Бироқ чармгар усталар ана шу вақт ичида бирваракайига 15–30 тача терини ошлаб, тайёр ҳолатга келтиришган<sup>160</sup>.

Бозорда чармнинг баҳоси унинг қайси ҳайвоннинг териси эканлигига қараб белгиланган. Чунончи, эчки терисининг ҳар бир донаси 50 копеекдан 3 рубл 50 копееккача, кўй териси 40 копеекдан 2 рублгача, мол териси нисбатан арзон баҳода сотилган<sup>161</sup>. 1870 йили Санкт-Петербургда очилган кишлок хўжалиги ва манифактура кўргазмасида эса эчки терисига 1 рубл 30 копеек, туя терисига 1 рубл нарх қўйилган<sup>162</sup>. Маҳаллий чармлар рус чармларига нисбатан икки баровар арзон бўлган. Хусусан, бузоқ терисидан тайёрланган маҳаллий чармнинг бир донаси 35–40 копеек, ҳўкиз терисидан тайёрланган чарм 2 рубл 60 копеек,

<sup>158</sup>Трацианская Н.Н. Этнографические группы Моравии. – М., 1975. – С. 136

<sup>159</sup>Бродовский М.И. Техническое производство в Туркестанское крас. – СПб., 1875. – С. 41.

<sup>160</sup>Юкоридаги манба.

<sup>161</sup>Розвадовский В. Опыт исследования... // Туркестанское сельское хозяйство. 1916. -№5. – С. 447

<sup>162</sup>ЎзР МДА. 596-фонд, 1-ёзув, 3-нш, 49-варақ; ЎзР МДА. 596-фонд, 1-ёзув 6-нш, 1-варақ

эчки териси чарми 60 копеекдан 1 рубл 40 копееккача, қўй териси чарми эса 30-40 копеекка баҳоланган<sup>163</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида қўйи Зарафшон воҳаси аҳолисининг кўпчилиги касибчилик билан шуғулланган. Косиблар асосан териларни андозалар бўйича ўлчаб, турли хил маҳси, тоштовон этик, нўғой этик, мукки этик<sup>164</sup>, кавсар ва нўғой ковуш, паттойи (кўк) ковуш, чармдастак (амиркон) ковуш, чорик ва шунга ўхшаш пойабзаллар тикканлар<sup>165</sup>. Косиб дўконида ўрта ҳисобида 3 та бигиз, 10 та игна, уч хил пичокнинг ҳар биридан 3 тадан, 1 тадан қува, газгир, омбир, 20–30 дона “охирчўп” ва “шончўп” деб юритилган касибчилик қолиплари мавжуд бўлган. Шунингдек, косиблар 7–10 тача ҳар хил ҳажмдаги нўғой қолиплар ва шунга яраша андозалар, уларни ясада қўлланиладиган дастаррача (1та), теша (1та) ва яна баъзи бир асбоблардан ҳам фойдаланишган<sup>166</sup>.

XIX асрнинг охири, XX аср бошларида барча пойабзаллар асосан маҳаллий кўнчилар томонидан ошланган терилардан тикилган. Лекин воҳада рус саноат молларининг кириб келиши маҳаллий ишлаб чиқариш ривожига бирмунча салбий аҳамият касб этди. Хусусан, маҳаллий косиблар Россияда ошланган шагрень терисидан пойабзаллар тикишга киришганлар. Бундай турдаги этиклар бозорда 1 рубл 40 копеекдан 2,5 рублгача сотилган<sup>167</sup>.

XIX аср охирларида Бухоро шаҳрида пойабзал тайёрлаш кенг тарқалган бўлиб, бу касб билан шаҳарнинг 32 маҳалласида яшаган этикдўз, маҳсиддўз, ковушдўзлар шуғулланишган<sup>168</sup>. Шунингдек Вобкент, Гаждумак, Қизилтепа, Кармана кўрғонларида ҳам

<sup>163</sup>ЎзР МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 141.142-варақлар.

<sup>164</sup>Сибирдаги долғин халқлари этикни “атак” ёки “гурумий” деб талаффуз этишган бўлса, олтойликлар “одук” дейишган. – Попов А.А. Материальная культура долганов в коллекциях МАЭ. // Сборник музея антропологии и этнографии. вып. XIII. – М.-Л., 1951. – С. 21.

<sup>165</sup>Шоннёзов К.П. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент, 1974. – С. 212. Бродовский М.И. Техническое производство в Туркестанском крае. – СПб., 1875. – С. 39. Джабборов И.М. Ремесло Узбеков южного Хорезма в конце XIX – нач XX вв. // Занятия и быт народов Средней Азии. – Л., 1971. – С. 113

<sup>166</sup>Каталог коллекции слесарно-кузнечных изделий (конец XIX – начало XX вв.). – Ташкент, 1974. – С. 8, 10, 13, 27.

<sup>167</sup>ЎзР МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 21.30.141-варақлар.

<sup>168</sup>Сухарева О. А Позднефеодалные город Бухара конца XIX – начало XX в. – Ташкент, 1962 – С. 110

кўплаб косиблар фаолият кўрсатишган. Чармгарлар томонидан тайёрланган тагчармлар барча турдаги пойабзалларнинг остки қисмига ишлатилган. Тагчарм бозорда алоҳида сотилган ва унинг бир пойабзаллиги 50 копеекка<sup>169</sup> баҳоланган. Чармгарлар тайёрлаган қора қайиш теридан турли хил пойабзаллар тикилган. Саҳтиён этиклар бозорда 2 рубл 30 копеекдан 6 рубл 30 копеекча нархланган<sup>170</sup>. Косиблар знига 5–6 см, узунасига 8–10 см ҳажмга эга бўлган 15–20 тача чарм бўлақларини шириач ёрдамида ўзаро бирлаштириб ёпиштириш орқали этик пошнасини ҳосил қилишган. Пошна чармининг ейилиб кетиши олдини олиш мақсадида унинг таг қисмига нағал қоқишган. Косиблар маҳаллий темирчилар тайёрлаган бундай нағалларнинг ҳар бир жуфтини бозордан 10 копеекдан сотиб олишганлиги ҳақида маълумотлар учрайди<sup>171</sup>. Кармана атрофларидаги кишлоқларда нўғой ковушнинг асосан “паст товонли” ва “баланд товонли” номли икки тури тайёрланган. Бу даврда бозорда сифати ва ҳажмига қараб бир жуфт эркаклар ковуши 1 рубл 30 копеек, аёллар ковуши 50 копеек, болалар ковуши эса 70 копеек атрофида сотилган<sup>172</sup>.

XIX аср охирига келиб Бухорода йирик пойабзалчилик корхоналари пайдо бўла бошлади. Ана шундай корхоналардан бири Қатагон маҳалласида яшаган Абдушукур оқсоқолга қарашли бўлиб, унинг қўл остида 12 нафар халфа хизмат қилган. Шайх Шоҳ маҳалласида яшаган Хўжа Қаҳҳор исм-шарифли кишига қарашли бошқа бир корхонада эса бир неча нафар уста маҳси тикиш билан шуғулланган. Ҳаммаси бўлиб шаҳарда 20 га яқин ана шундай йирик корхоналар фаолият кўрсатган<sup>173</sup>.

Барча турдаги пойабзал тикувчи косиблар етарли маблағ ва ашёга эга бўлишиб, йил давомида узлуксиз меҳнат қилишган. Этикдўзлар бир йилда 700–800 рубллик, ковушдўзлар 1500–1800 рубллик маҳсулот етиштирган бўлсалар, ана шу маблағнинг 15 фоизини соф даромад ташкил қилган<sup>174</sup>. Рақамлардан келиб чиқиб

<sup>169</sup>ЎзР МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 14-варақ.

<sup>170</sup>ЎзР МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 141, 145-варақлар.

<sup>171</sup>ЎзР МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 145-варақ.

<sup>172</sup>ЎзР МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 145-варақ.

<sup>173</sup>Қиличев Р. Бухоро шаҳрида хунармандчилик. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.31.

<sup>174</sup>Шишов А. Таджики // Средняя Азия. 1910. – №6. – С. 21

айтиш мумкинки, косибнинг бир йиллик даромади 220-240 рубл бўлиб, ойлик даромади ўртача 20 рублдан тўғри келган<sup>175</sup>.

Қадимдан хунармандлар бадиий кулолчилик сирлари ва бу борадаги бой тажрибаларини фақатгина ўз шогирдларига ўргатишга ҳаракат қилишган. Кулолчилик бобидаги асрий анъаналар шу тариқа устоздан шогирдга ўтиб, асрлар давомида ривожланиб, тобора сайқал топиб борган. Кулоллар ҳам азалдан маълум бир идиш ёки буюм ясашга ихтисослашган. Масалан, кулоллар косагар, кўзагир ва бошқа тоифаларга мансуб бўлишган. Зарафшон воҳаси кулоллари турли хил ҳажм ва шаклга эга бўлган хум, кўза, хурмача, пиёла, коса, шокоса, дукки коса, лаган, товоқ, тоғора, тандир, қувур, тувак, гулдон, қаймоқдон, офтоба, чилим сархонаси, болалар ўйинчоғи (хуштак, қўғирчоқ) кели, дастшуй каби буюмлар тайёрлашган<sup>176</sup>.

Бухоро шаҳри кулоллари Лойхўракон, Даволи паҳса, Хоса гулод, Кокилайи хўрд маҳаллаларида истиқомат қилишган. Лекин уларнинг хумдонлари асосан шаҳарнинг Салахона дарвозаси ташқарисидида жойлашган. Шаҳар кулолчилигида асосий хом ашё манбаи ҳисобланган сариқ-қизғиш тусли асл тупроқ Қоровулбозор, Куйимозор, Қарнаб даштларидан қазиб олинган. Тупроқ ташиб келтириш эса кулоллар ва бу юмуш билан махсус шуғулланувчи кишилар – гилкашлар зиммасига тушган. Сопол буюмларни бўйяшда турли рангдаги суюклик-жўшалардан фойдаланилган. Е.М. Пешерованинг<sup>177</sup> ёзишича буюмга асосий ранг бўлмиш қизил фон (тагсурх) бериш учун қизғиш кесак сувда эритилиб, буюмга суртилган. Қора (тагсиёх) ранг тайёрлаш учун 8 кг гулбутага 250 г майин янчилган мағил — марганец моддаси аралаштирилиб, сув билан суюлтирилган. Кўк (тагложувард) ранг тайёрлашда эса 8 кг гулбута 500 г кобальт билан омухталаштирилиб, сувда эритилган<sup>178</sup>.

Ғиждувон – Зарафшон воҳасида кулолчилик юқори тараккий этган шаҳарлардан бири эди. Шаҳарнинг Косагар маҳалласида асосан кулоллар истиқомат қилишган. Е. М. Пешерова ўз

<sup>175</sup>Юқоридаги манба.

<sup>176</sup>ЎзР МДА. 575-фонд. 2-ёзув. 20-иш, 21-варак

<sup>177</sup>Пешерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии. – М.-Л., 1959. – С. 199

<sup>178</sup>Юқоридаги манба. – С. 199

тадқиқотида Ғиждувонлик машҳур косагар усталарни бирма-бир санаб ўтади<sup>179</sup>. Улар Уста Мўмин, Нарзи Қуллол, Исмоилжон, Уста Қобил Оқсоқол, Шомурод, Мулло Абдулғоффор, Муҳаммадҷон чўлок, Абдусмад, Абдурахмон, Муллоқурбон, Усто Тош, Устоқурбон. Бундан ташқари, Уста Ашур, Уста Абдулаҳат, Усто Абдугани, Уста Бақожон, Усто Бобоҳасан ва Мулла Аваз каби усталар бўлишиб, вақтида ўзлари яратган кулолчилик буюмлари билан машҳур бўлишган. Шунингдек, Ғиждувонда бошқа шаҳарлардан келган кулоллар ҳам фаолият кўрсатишган. Хусусан, XX аср бошларида риштонлик кулол Уста Абдурахим Ғиждувонда катта ҳажмда кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарган. Риштонлик яна бир кулол Абдулла жинни (қаландармижоз будасти, яъни бу одам дарвешсифат бўлган) бўлганлиги боис ғиждувонликлар унга ана шундай лақаб қўйишган ҳам ажойиб кузалар тайёрлаган<sup>180</sup>.

Ғиждувон кулолчилиги буюмлари пишиқлиги ва нақшларининг ранг-баранглиги жиҳатидан Ўрта Осиёнинг бошқа кулолчилик марказларида тайёрланган буюмлардан ажралиб турган. Жумладан, Ғиждувонлик усталар ясаган товоқ, дуоби коса, машҳади коса ва турли хил кўзалар, нақшинкор товоқларни том маънода, ҳақиқий санъат асарларига қиёслаш мумкин эди. Бинобарин, Ғиждувон кулолларининг ижодида 60 дан ортиқ анъанавий шаклларга қатъий риоя қилиш<sup>181</sup>, безакларда инсон ҳис-туйғуларини акс эттириш каби хусусиятлар яққол кўзга ташланиб туради.

Кулолчилик буюмларнинг шакли, тузилиши, пишиқлиги ҳамда сифати яхлит мазмун касб этиб, кишида эстетик завқ уйғотади. Бундай уйғунлик, аввало, сопол тайёрлаш жараёни билан боғлиқдир. Усталар оқ гилни (тупроқни) Бухоро атрофидаги Ғозлик номли жойдан олиб келишган. Тайёрланган маҳсулотнинг сирти ёрилмаслиги учун унга қамиш гулини қўшишган. Ғиждувон сопол буюмлари турли-туман безакларга, гуллар ва ўсимлик тасвирига бойлиги билан ажралиб турган. Уларда геометрик шакллар жуда кам ўринни эгаллаган. Ғиждувон кулоллари турлича сирлаш усулларини қўллашган. Шунингдек, буюмларни безашда мўйқаламдан ҳам кенг фойдаланишган. Улар ҳам Бухоро,

<sup>179</sup>Пешерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии. – М.-Л., 1959 – С. 187

<sup>180</sup>Юкоридаги маъба.

<sup>181</sup>Алиева С. Ғиждувон кулолчилиги анъаналари. // Санъат. 2003. – №3. – Б.38

Самарқанд кулолчилик мактаби анъаналарига содиқ қолган ҳолда, сопол буюмларда кўпроқ қўрғошин тусли сир қўллашган<sup>182</sup>.

Умуман, Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларини истисно қилганда, Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлиги тасарруфига кирувчи бошқа ҳудудларида кулолчилик тараққиёти ўртача даражада бўлган. Кармана, Зиёвуддин, Вобкент ҳудудларида ҳам кулоллар бўлган, бироқ уларнинг аксарияти бу ҳунар сирларини Бухоро ёки Ғиждувондан ўрганиб келишган. Бошқалар эса уларга шогирд тушишган. Кармана шаҳридан тахминан икки километрча ғарбда Кулоллар қишлоғи жойлашган. Ўрин кулол (тахминан 1869-йилларда вафот этган), Хамро оқсақол, Раҳмат кулол, Бурон кўзи, Туроб кулол каби таниқли ҳунармандлар фаолият кўрсатишган.

Кулоллар об-ҳавога қараб, бир йилда ўртача 6-8 ой фаолият кўрсатишган. Айниқса, ёз фаслида ишлар жуда қизғин кечган. Усталар турли катталиқдаги 300-400 дона сопол идишни бирваракайига хумдонга солиб пиширишган. Уста саккиз ойда 20-25 марта хумдон пишириб, уларнинг ҳар бирида ўртача 40 тангалик маҳсулот ишлаб чиқарганлар. Бу эса бир йилда 1000 танга (150рубл)ни ташкил этган. Шундан 25 рубли ўтин, бўёк, мағил ва металл маҳсулотлари учун харж қилинган. Хуллас, кулолнинг бир йиллик даромади 125 рублни ташкил этган<sup>183</sup>. Кулолларнинг маҳсулотларини кўпинча вофурушлар кўтара сотиб олишиб, кейинчалик икки баровар қиммат нархларда қайта пуллашган. Масалан, сув ва май сақлашга мўлжалланган 1,20 метрдан 1,30 метргача баландликдаги хумни вофуруш 2 рубл 30 копеекдан 2 рубл 40 копееккача сотган<sup>184</sup>. Оддий офтобалар 20-25 копеекдан, кўзалар 40 копеекдан, сирланган товоқлар 1 рубл 50 копеекдан<sup>185</sup> сотилган.

Умуман, кулолчилик воҳа аҳолисининг кундалик турмушда ишлагиладиган рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёжини қондиришда катта аҳамиятга эга бўлган. Гарчи этнограф Н.А. Фридрих ўз асарида<sup>186</sup> ўлкамизда ушбу ҳунар турининг анча ибтидоий

<sup>182</sup>Алиева С. Ғиждувон кулолчилиги анъаналари. // Санъат. 2003. – №3. – Б.38.

<sup>183</sup>Шипов А. Таджики. // Средняя Азия. 1910. – №6 – С. 37.

<sup>184</sup>Развадовский В. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. – Ташкент, 1916. – С. 31.

<sup>185</sup>ЎзР МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 41, 137-варак.

<sup>186</sup>Фридрих Н.А. Бухара. Этнографические очерк. – СПб. 1910. – С.36

технологик усулларга асосланганлигини таъкидлаб ўтган бўлса-да, кулолчилик ҳунарлари воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин тутган.

XIX аср охири–XX аср бошларида Зарафшон воҳаси маҳаллий саноатида капиталистик муносабатлар қарор топа бошлагач, ўлкадан катта миқдорда хом ашёнинг ташиб кетилиши ва тайёр маҳсулотларнинг кириб келиши оқибатида кўплаб ҳунармандчилик соҳалари инкирозга юз тутди. Россия империяси босқини билан Зарафшон воҳасига кириб келган капиталистик муносабатлар маҳаллий ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларига ўзининг ҳам салбий, ҳам ижобий томонлари билан таъсир кўрсатган. Шунга қарамасдан ҳунармандчилик тармоқлари воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, жамият тараққиётида чуқур из қолдирган.

## **2.2. Зарафшон воҳасининг Бухоро амирлиги таркибидаги ҳудудларида тадбиркорлик ва савдо-сотик ишлари**

XIX аср ўрталарида қуйи Зарафшон воҳасида товар ишлаб чиқаришининг жонланиши, чет мамлакатлар билан савдо алоқаларининг ривожланишига ҳамда шаҳар ва қишлоқларда тадбиркорлик ва савдо-сотик ишларининг кенгайишига йўл очиб берди. Ички бозорнинг шаклланиши жараёнида товар ишлаб чиқаришининг ривожланиши воҳада феодал муносабатларнинг парчаланиши учун етарли шароит яратди. Савдо-сотик ишлари, тижорат ва судхўрлик капитали фаолиятининг жонланиши, шаҳар ва қишлоқлар натурал хўжалигида ҳукм сурган биқиқликни парчаланишига ижобий таъсир кўрсатди. Савдогарлар ва судхўрлар бу ерда маҳаллий буржуазиянинг дастлабки куртақларини ташкил эта бошлашди.

Н.Петровский<sup>187</sup> ва Стремоуховлар<sup>188</sup> 1870 йилларда Бухоро амирлигининг ташқи савдо соҳалари кенг қамровли бўлганлиги ҳақида маълумотлар қолдиришган. Жумладан, Петровский Бухоро шаҳри бозорларида кўк чойнинг ўн олти тури мавжудлиги, Абдурашид, Бадриддин, Барраи-кўҳна, Домлашер, Исмоилхўжа

<sup>187</sup>Петровский Н. Моя поездка в Бухару. Путевые наблюдения в заметки. – Ташкент, 1872

<sup>188</sup>Стремоухов. Поездка в Бухару (извлечения без дневника). – Ташкент, 1875

ва Мирзагул карвонсаройларини фақатгина Ҳиндистондан келтирилган моллар банд этганлигини қайд этган. Қолаверса, ушбу асарлар муаллифларнинг маълумотлари Бухородан олган шахсий таассуротлари билан бойитилганлиги муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида куйи Зарафшон воҳасидаги ички ва ташқи савдо тўғрисидаги маълумотларни Г.А.Арендеренко<sup>189</sup>, И.А.Яворский<sup>190</sup>, А.Вамбери<sup>191</sup>, Д.Н. Логофет<sup>192</sup> каби муаллифларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин. Айниқса, XIX асрнинг 80-йилларида Бухоро амирлигининг кўшни Афғонистон билан олиб борган ўзаро сиёсий-иқтисодий муносабатлари масаласи Туркистондаги рус маъмурияти вакилларида бири бўлмиш капитан Арендеренко томонидан синчиклаб ўрганилган.

Бухоро шахри амирлик ҳудудида маҳаллий ва хорижий олтин-кумуш пулларининг муомала курсини белгилаб берганлиги туфайли XIX асрнинг 80-йиллари охирларига қадар шаҳар бозорлари Ўрта Осиёдаги барча савдо марказлари учун ўзига хос биржа вазифасини ўтаган. Хусусан, шаҳар кўчаларида атторлик буюмлари, дори-дармон билан савдо қилувчи табиблар дўконлари билан бир қаторда 60 та чиннифурушлик, 150 та чойфурушлик, 50 та ҳолвафурушлик, 60 та мисгарлик<sup>193</sup>, 26 та китобфурушлик<sup>194</sup> дўконлари ҳам фаолият кўрсатган. Агар манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак, уларда 1862 йили Бухородан Россияга 18001697 рубллик, 1863 йили 2908212 руллик, 1864 йили 6105241 рубллик, 1865 йили 3231922 рубллик, 1866 йили эса 3138945 рубллик пахта

---

<sup>189</sup>Арендеренко Г.А. Бухара и Афганистан в начале 80-х годов XIX веков (Журналы командировок Г.А.Арендаренко). – М., 1974.

<sup>190</sup>Яворский И.А. Путешества русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878–1879 гг. Том 1,2. – СПб., 1882.1883

<sup>191</sup>Вамбери А. Путешествы по Средней Азии из Тегерана через Туркменскую пустыню восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предприятие в 1863 году с научной целью по поручению Венгерской Академии в Пеште членом её А.Вамбери. – М., 1867; Он же: Очерки Средней Азии. Дополнение к путешествию в Среднюю Азию. – М., 1868

<sup>192</sup>Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб., 1909; Он же: Бухарское ханство под русским протекторатом. – Т. 1, 2. – СПб., 1911

<sup>193</sup>Сухарева О.А. Бухара XIX–начала XX в. (Позднефеодалный город и его населения). – М., 1966. – С. 193.

<sup>194</sup>Вамбери А. Очерки Средней Азии. Дополнение к путешествию в Среднюю Азию. – М., 1868. – С. 63



толаси, 1862 йилда 346 минг рубллик, 1863 йили 458233 рубллик, 1864 йили 245433 рубллик, 1865 йилда 187219 рубллик, 1866 йилда 38112 рубллик ип-газлама, шу йиллар ичида 3 миллион 419 минг рубллик тери ва чарм буюмлари, 777413 рубллик ипак ва шойи буюмлари, жун ва куруқ мевалар жўнатилганлиги кўрсатилган<sup>195</sup>. 1868–1869 йилларда Россия шаҳарларига 2 млн 300 минг рубллик пахта толаси ва ип-газлама, 1 млн 150 минг рубллик ипак ва шойи буюмлари, 690 минг рубллик чарм, пўстин ва мўйна чиқарилган<sup>196</sup>. Рус, инглиз, ҳинд, афғон ва эрон моллари билан тўлиб-тошган Бухоро бозорлари Тошкент бозорларидан бир неча маротаба катта бўлиб, уларда нафақат маҳаллий маҳсулотлар, балки чет эллардан келтирилган товарлар нисбатан анча арзон сотилган.

Бухородан ташқари бир қатор туманлар бозорларининг ҳам довруғи баланд бўлган. Хусусан, қозоқ чорвадорлари Гиждувон бозорига ҳар ойда 10000 бош қўй-эчки келтириб сотишган<sup>197</sup>. Кармана шаҳри бозори ҳам воҳанинг ана шундай гавжум савдо марказларидан бирига айланган. Шаҳар кўрғонида бекнинг алоҳида карвонсаройи ва ҳиндларга тегишли карвонсарой фаолият кўрсатганлиги ҳам бу ерда савдо-сотиқнинг анча тараққий топганлигидан далолат беради. Зиёвуддин беклиги ҳудудида эса олтига йирик бозор фаолият кўрсатган. Сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу бозорлар ҳафтанинг маълум кунларида турли жойларда ташкил этилган. Масалан, душанба куни Зиёвуддинда, сешанба куни Султонободда (ушбу анъана бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда), чоршанба куни Қозиоёқлида, пайшанба куни Мирбозорда, жума куни Кештошда, шанба куни Дабусқалъада, якшанба куни эса Хатирчида бозор бўлган<sup>198</sup>.

Қуйи Зарафшон кенгликларида жойлашган Баҳовуддин, Ҳазрати Мир Кулол, Когон, Куюкмозор, Азизобод, Ванғози, Бўстон, Кумушкент, Харғуш, Гиждувон, Варданзе, Сарипул, Галаосиё, Хайрабод, Ромитон, Жондор, Вобкент ва Пирмаст туманлари бозорлари ҳам воҳанинг ички ва қисман ташқи савдосида ўз ўрнига эга эди<sup>199</sup>.

<sup>195</sup>Военно-статистический сборник. Вып. III. – СПб., 1868. – С. 100-113.

<sup>196</sup>Юхоридаги манба. – С. 113.

<sup>197</sup>Небольсин П., Очерки торговли России с странами Средней Азии. – СПб., 1856. – С. 2.

<sup>198</sup>Современный килпак Средней Азии (Социально-экономический очерк). Вып. IV. Вобкентская волость Зерафшанской области Узбекской ССР. – Ташкент, 1926. – С. 178.

<sup>199</sup>Юхоридаги манба. – С. 178.

Дарвоқе, ўша даврда карвонсаройлар ички ва ташқи савдода муҳим аҳамият касбэтган. Ушбу соҳа тараққиётига монанд равишда карвонсаройларнинг сони ҳам йил сайин кўпайиб борган. 1830 йилларда Бухорода 25 та карвонсарой мавжуд бўлган бўлса, 1840 йилларда бу рақам 38 тага, XIX аср охирига келиб эса 60 тага етган. Жумладан, «Саройи Рашид», «Саройи Бадриддин» бухоролик таникли савдогар Журабек Арабовга тегишли «Саройи Жўрабек», москвалик фабрикант Эмил Цинделга тегишли «Саройи Цендель» карвонсаройлари анча машҳур булган. Бу даврда бухоролик 20 нафар кўзга кўринган яҳудий савдогарларининг ҳар бири 30 минг рублдан 400 минг рублгача сармоёга эгаллик қилишган<sup>200</sup>. 1897 йилда Бухорода бўлган инглиз олими М.Адлернинг ёзишича, бухоролик яҳудий тижоратчилар Хитой, Ҳиндистон ва Афғонистонга савдо карвонлари юборганлар. Ўз навбатида улар Ҳайбар довонидан олиб ўтиладиган товарларни ҳам қўлларидан тутиб туришган. Уларнинг кўпчилиги тижорат юзасидан Москвага, ҳатто Лондон ва Парижгача боришган<sup>201</sup>. Бухоролик дўкондорлар кўшни шаҳарларда ҳам фаолият кўрсатишган. Масалан, 1880 йилларда савдогар Абдуҳамидхўжа Абдурашидхўжаевнинг Тошкент шаҳрида хусусий дўкони бўлган<sup>202</sup>.

Қуйи Зарафшон воҳасида савдогарлар ва харидорлар манфаатларидан келиб чиқиб белгиланган маълум кунларда жойларда бозорлар бўлиб ўтган. Мавжуд маълумотларнинг гувоҳлик беришича, якшанба куни Вобкент, Вонғози, Ҳазора, Фарзикентда, душанба куни Хўжа Ориф, Қумушкент, Пешку, Бўстон, Фишти, Карманада, сешанба куни Пирмаст, Лаклак, Азизобод, Қалқонотада, чоршанба куни Фиждувон, Янгибозор, Ромитан, Янгиқўрғонда, пайшанба куни Ғаждумак, Вобкент, Шўрча Тошрабатда, шанба куни эса Зондони ва Хончарбоғда бозор бўлган<sup>203</sup>. Фиждувон бозори Бухоро шаҳри бозорларидан сўнг воҳадаги энг йирик савдо-сотик маркази саналган. Бу ерда жуда

<sup>200</sup>Клем В. Современной состояние торговли в Бухарском ханстве. // Сборник географических типографических и статических материалов по Азии. – Вып.33. – СПб., 1886. – С 1-6.

<sup>201</sup>Туркестанский сборник. Том. 541. – С. 101

<sup>202</sup>ЎзР МДА. 1-фонд. 11-руйхат. 378-нш. 1-варак

<sup>203</sup>Современный кишлак Средней Азии (Социально-экономический очерк). Вып. IV. Вобкентская волость Зерафшанской области Узбекской ССР – Ташкент, 1926. – С. 179.

катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик-мануфактура маҳсулотлари ва чорва моллари билан савдо қилинган.

XX аср бошларида Ђиждувон бозорида бир кунда 4.000 ботмонгача пахта сотилган<sup>204</sup>. Бозорда Э. Цендель, Зингер ва Нобеллар савдо уйлари каби хорижий фирмаларнинг бўлимлари фаолият юритган. Кармана бозори ҳам катта бозорлар сирасига кирган. Калла<sup>205</sup> деб номланувчи аҳоли масканида бўлиб ўтадиган катта бозорга тоғли ва тоғолди ҳудудларидан ҳам кўплаб савдогарлар келишган. Хўжа Ориф, Лаклак, Бўстон, Гишти, Султонобод ва Янгикўрғон бозорлари ўртача бозорлар сирасига кирган. Кумушкент, Пирмаст, Янгибозор, Ромитан, Шўрча, Зандони, Вағонзи, Ҳазора, Азизобод, Тошрабат, Қалқонота, Хончарбоғ ва Фарзикент бозорларига эса майда бозорлар сифатида қаралган<sup>206</sup>.

Воҳада анча қадимий тарихга эга бўлган Вобкент бозорида ҳам савдо-сотик ниҳоятда қизғин кечган. Жойлардаги бозорларнинг ҳар хил кунларда фаолият юритиши савдо аҳли, тадбиркорлар учун айни муддао эди. Зеро, уларнинг кўпчилиги ҳафта давомида бир нечта бозорларда савдо қилишга ҳаракат қилишган.

Биз юқорида воҳа бозорларининг иқтисодий аҳамиятига кенгроқ эътибор қаратдик. Бироқ Бухоро шаҳрида шундай бозор ҳам бор эдики, унинг маънавий кадр-қимматини ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайдиган машҳур китоб бозоридир. XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Бухорода қадимий қўлёзма асарлар савдосига бўлган талаб янада кучайди. «XIX асрнинг 80–90 йилларида, – деб ёзган эди қадимшунос ва ўлкашунос олим В.Л.Вяткин, – Бухорода Ўрта Осиёдаги энг йирик, бой ва муҳим китоб бозори бўлган. Бу ерда мусулмон адабиётлари – китоб, қўлёзма манбалар араб, форс ва туркий тилларда бўлиб, улар орасида қимматбаҳо ва ноёб китоблар кўп. Самарқанд, Қўқон, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлардаги китоб бозорлари Бухороникидай бой эмас. Бу қадимий шаҳарнинг бозорлари ва

<sup>204</sup>Современный кишлак Средней Азии (Социально-экономический очерк). Вып.IV. Вобкентская волость Зерафшанской области Узбекской ССР. – Ташкент, 1926. – С.181

<sup>205</sup>Ҳозирги Навоий вилоятининг Хатирчи туманига қарашли Зарафшон аҳоли пункти ҳудудига туғри келади.

<sup>206</sup>Современный кишлак Средней Азии (Социально-экономический очерк). Вып.IV. Вобкентская волость Зерафшанской области Узбекской ССР. – Ташкент, 1926. – С.178

китоб дўконларидан ҳамда китобфурушлар қўлидан хоҳлаган китобни топишингиз мумкин. Бозор расталарида китоб ва қўлэзма асарлар уюлиб ётибди»<sup>207</sup>.

Бухоро шаҳридаги «Абдуллахон тими» пассажида жойлашган китоб бозорида 25–30 киши савдо қилган. Китоб ва қўлэзма манбалар маҳаллий, рус ва бошқа мамлакатлар қоғозларига турли рангларда ёзилган. Китобфурушларнинг ҳар бирида 20–100 тадан (ўрта ҳисобда 50–60 тадан) қўлэзма китоблар мавжуд бўлган<sup>208</sup>. Китобфурушлар қўлэзмаларни масжид-мадрасалар ва бадавлат кишиларга сотганлар. Хусусан, Ғузур беги янги қурилган мадраса кутубхонаси учун Бухоро китоб бозоридан умумий қиймати 75.000 тангадан иборат ҳар хил китоблар сотиб олган<sup>209</sup>.

Бухоро шаҳри дарвозалари яқинида ҳам бозорлар мавжуд бўлган. Хусусан, Самарқанд дарвозаси яқинидаги гавжум бозорда асосан нон ва гўшт маҳсулотлари, саноат усулида тўқилган матолар ва бўёқлар ҳамда ҳунармандчилик буюмлари билан улгуржи савдо қилинган<sup>210</sup>.

Куйи Зарафшонга Самарқанддан асосан узум, нўхат, гуруч, Қаршидан бугдой, тамаки, ўрик, узум, Қамашидан турли гиламлар, Тожикистоннинг тоғли ҳудудларидан ёнғоқ, ҳар хил зираворлар ва кўплаб миқдорда қўйлар олиб келинган. Боботоғдан эса олий навли писталар келтирилган. Ушбу тансиқ маҳсулот Бухоро савдогарлари томонидан асосан кузда Зарафшон воҳасининг йирик шаҳарларида сотилган<sup>211</sup>.

Куйи Зарафшонга хорижий эллардан ҳам турли маҳсулотлар келтирилган. Хусусан, афғон савдогарлари чой савдоси бўйича етакчи бўлишган. Ҳиндистондан ҳинд ва инглиз матолари, қимматбаҳо тошлар, тилла буюмлар, Эрондан ранг-баранг бўёқлар ва мурч, Хитойдан чой, чинни идишлар ҳамда қумуш олиб келинган. Россиядан эса металл, фабрика газламалари, шиша идишлар, шакар ва ёғоч маҳсулотлари келтирилган.

<sup>207</sup>Туркестанское ведомости. 1897. -№61.

<sup>208</sup>Туркестанское ведомости. 1897. -№62.

<sup>209</sup>Валидов А. О собраниях рукописей в Бухарском ханства. – СПб., 1916. – С 3

<sup>210</sup>Сухарсва О.А. Бухара XIX–начало XX в. (Позднефеодалный город и его население). – М., 1966. – С 48

<sup>211</sup>Туркестанский ведомости. 1910. -№230; Очилдиев Ф. XIX аср охири–XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида) Тарих. фан. номз. дисс... – Тошкент, 2006. – Б. 115.

Ўз навбатида, воҳада тайёрланган катта ҳажмдаги ҳунар-мандчилик маҳсулотлари ҳам мунтазам равишда четга чиқарилган. П.И.Небольсиннинг таъкидлашича, «Россиянинг ҳамма бурчагига: Қозондан – Оренбурггача Бухоро матоларидан келтиришади». Бухоро, Вобкент ва Ғиждувонда тайёрланган газламалар маҳаллий экспортнинг асосини ташкил қилган<sup>212</sup>.

Воҳада мумай даромад манбаи бўлмиш қорақўл тери савдоси ҳам тўлиғича бухоролик савдогарлар қўлида бўлган. Воҳа бозорларига қорақўл терилар Қарши, Чоржуй, Керки, Бурдалик каби чорвачилик туманлари ва Хоразм ҳамда қозоқ чўлларидан олиб келинган. Ушбу маҳсулот тури Бухородан Россия, Кавказ, Эрон ва Европа бозорларига, ҳатто олис Америкага етказиб берилган.

Олий навли терилар асосан Қорақўл туманида етиштирилган. Тери олиш мавсумида Туркман чўлларида тайёрланган қорақўл терининг деярли 70 фоизи воҳа бозорларига келтирилган. Қолаверса, Хоразм, Нурота ва Самарканд ҳудудларида етиштирилган қорақўл терилар ҳам шу ерда сотилган. Ҳар мавсумда Бухоро бозорларига Афғонистондан 150–200 минг донагача қорақўл терилар олиб келинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд<sup>213</sup>. Дарҳақиқат, бухоролик савдогарлар тадбиркорлик ва омилкорлик бобида бошқалардан анча устун туришган. Йирик ҳажмдаги улгуржи савдо билан шуғулланган тужжорлар ҳам асосан Бухоро шаҳридан етишиб чиқишган. Убайдуллаҳўжа, Насриддинбой, Яҳёбой ва Абдурауф қарвонбошилар бу борада кўзга кўринган шахслар ҳисобланган<sup>214</sup>.

Қорақўл тери савдоси билан шуғулланганлар орасида Бухоро араблари салмоқли ўрин эгаллашган. Шаҳарнинг Арабон маҳалласидан (Саллахона дарвозаси яқинида) чиққан араб миллатига мансуб ҳожи Жўрабек исмли йирик савдогар хорижда ҳам танилган. Хусусан, у Россия ва бошқа чет мамлакатларда Арабон фамилиясида савдо-сотик ишларини юритган.

Эътиборли жиҳати, ҳатто Бухоро амири ҳам қорақўл тери савдоси билан шуғулланган. Айниқса, амир Абдулахадхон бу

<sup>212</sup>Небольсин П.И. Очерки торговли России со Средней Азией. – М., 1865. – С. 211

<sup>213</sup>Сухарева О.А. Бухара XIX – начала XX в. – М., 1966. – С. 241.

<sup>214</sup>Юкоридаги манба. – С. 242.

савдога катта эътибор билан қараган. Амирнинг буйруғига биноан ҳар йили Қарши, Чоржуй ва Керки ҳудудларида йиғиладиган солиқ маблағлари ҳисобига 200 минг донагача қоракўл тери сотиб олинган. Закотчилар ушбу маҳсулот давлат ғазнасига бориб тушишини рукач қилиб, чорвадорлардан бозордагига нисбатан 10 фоиз арзон баҳода сотиб олишган. Бухорога келтирилган терилар сараланиб, тўғридан-тўғри хорижга экспорт қилинган. Бундан ташқари, амир қоракўл тери савдоси билан шуғулланувчи савдогарларни ҳам ўз сармояси билан қўллаб-қувватлаган. Жумладан, Ҳожи Жўрабек Арабов ва Латиф Хўжалар ҳукмдор билан фойда-шерикчилик асосида иш олиб боришган.

Қоракўл тери савдоси мавсумий характерга эга бўлиб, бу борадаги савдо ҳажми жуда катта маблағни ташкил қилган. Воҳадаги йирик тадбиркорлар мавсум давомида қоракўл тери савдоси учун 15–20 лак<sup>215</sup> тангадан 300 минг рублгача маблағ тикишар эди. Бундай сармояга эга бўлмаган савдогарлар эса саррофлар хизматидан фойдаланишга мажбур бўлишган. Баъзан улар орасида касодга учраш ҳоллари ҳам юз бериб турган. Қизиғи шундаки, амир Абдулаҳадхон инқирозга учраган бундай савдогарларга шахсан ғамхўрлик қилган ва уларга ўзларини қайта тиклаб олишлари учун маблағ бериб турган. Мисол учун, йирик тадбиркор савдогар Латифхўжа 14 лак танга (14 минг танга) қарзини тўлашга имкон тополмай қолганида, Абдулаҳадхон унга хазинадан маблағ ажратиш ҳақида буйруқ берган<sup>216</sup>.

Қуйи Зарафшон воҳасида нафақат савдогарлар, балки чорвадорлар ҳам қоракўл тери савдоси билан шуғулланишган. Жумладан, Чориқулбой, Муродбой (уни «Кофир» деб ҳам аташган) каби йирик чорвадорлар ҳар йили Бухоро бозорларида 20–30 минг донадан қоракўл тери сотишган. Шунингдек, Ҳаққулбой, Пўлатбой каби бадавлат чорвадорларнинг ҳар бири йилига 15 минг донагача, Юсуфбой исмли бошқа бир шахс эса 8–9 минг дона қоракўл терини шаҳар бозорларига етказиб берган<sup>217</sup>.

XIX аср охирларида Бухоро қоракўл териси асосан Россияга катта ҳажмда экспорт қилина бошлади. А.И.Ремез келтирган

<sup>215</sup> Лак – 10 минг танга ҳисобланади.

<sup>216</sup> Сухарева А.О. Бухара XIX–начала XX в. – М., 1966. – С. 243

<sup>217</sup> Южоридаги манба. – С. 245

маълумотларга қараганда, 1880–1881 йилларда Бухородан Россияга 4 минг пуд қоракўл тери олиб кетилган. Сирасини айтганда, қоракўл тери савдоси маҳаллий тадбиркорларга катта фойда келтириб, уларнинг тобора бойиб боришига хизмат қилган. Жумладан, Арабовлар оиласи ва Убайдулла Қосимхўжаев ҳар йили ўртача 300 минг донадан, унинг укаси Латиф Хўжаев эса 10 минг дона қоракўл терини Европа бозорларига чиқаришган<sup>218</sup>.

Абдунабибой ва Мулла Абдуваҳоб Пашимлар воҳада пахта савдоси билан шуғулланувчи йирик савдогарлар тоифасига мансуб эди. Абдунабибой ҳар йили 60 вагонгача. Мулла Абдуваҳоб Пашим эса 30 вагонгача пахтани четга жўнатишган<sup>219</sup>. Қўл остида олача мато тўқувчи кўплаб ҳунармандларни бирлаштирган тадбиркор Қозоқжони олача ҳам пахта савдоси билан шуғулланган<sup>220</sup>. Бундан ташқари, савдогар бой Домулла Шариф Кичири ҳам йилига 15 вагонгача пахта толасини Москвага жўнатиб турган<sup>221</sup>.

Аксарият савдогарлар ушбу қимматбаҳо хом ашёни воҳанинг пахта бозорларидан харид қилишган. Қуйидаги жадвал ҳам шундан далолат беради:

### 3.11-Жадвал<sup>222</sup>

1897 йил 1 сентябрдан 1898 йил 1 январгача Қуйи Зарафшон воҳаси пахта бозорларида сотилган пахта хом ашёси кўрсаткичлари			
Бозорлар номи	Сотилган пахта (пуд)	1 пуд пахтанинг баҳоси	Танга бўйича баҳоси
Бухоро	8370	30	—
Қоракўл	36,000	—	—
Жондор	21,600	—	—
Пешку	13500	—	—
Янгибозор	21600	—	—
Ромитон	16200	—	—

<sup>218</sup>Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары – С. 49.

<sup>219</sup>Костельская З. Д. Основные предпосылки восстания 1916 года в Узбекистане. – М.: Наука, 1972. – С. 31.

<sup>220</sup>Сухарева А. О. Бухара XIX – начала XX в. – М., 1966. – С. 247

<sup>221</sup>Сухарева О. А. Поднефеодальный город Бухара... – С. 86

<sup>222</sup>ЎЗР МДА. 3-фонд. 1-рўйхат. 140-инп, 73-варақ.

Лаклак	17100	—	—
Галаосиё	6300	—	—
Кери	16200	—	—
Янги Бухоро	7200	—	—
Яккатут	14400	—	—
ЖАМИ:	180,570	30	5417,100

Булардан ташқари, Кармана шаҳрида, Азизобод ва Бўстон қишлоқларида, Ғиждувон ва Ғиштида ҳам ана шундай бозорлар мавжуд эди<sup>223</sup>. Бухоролик яна бир йирик савдогар Жўрабек Арабов ҳам пахта савдоси билан шуғулланган. У Фарғона водийсидан ҳар йили ўртача 4 вагон пахта толасини олиб келиб, хорижга чиқарган. Қолаверса, Бухоро яҳудийлари ҳам мумай даромад манбаи бўлмиш ушбу маҳсулот савдосидан четда қолишмаган. Масалан, ушбу миллат вакили бўлмиш Исроил Мататов ҳар галги мавсумда асосан Кармана, Ғиждувон, Вобкент ҳудудларидан 16 вагонгача пахта харид қилиб, четга чиқарган<sup>224</sup>. Шунингдек, яҳудийлар оқсоқолининг ўғли Хайқаландар 30–35 вагонгача, Маҳалим Мавашев 30 вагонгача, яҳудий-муслмон Мулла Абдунабий Чала эса 16 вагонгача ана шундай қимматбаҳо саноат хом ашёсини хорижга экспорт қилган<sup>225</sup>. Савдогар Домулла Шариф Кичири ҳар йили амирлик тасарруфидаги вилоятлардан 60 вагонгача пахта толасини сотиб олган бўлса, унинг атиги учдан бир қисминигина Бухоронинг ўзида пуллаган<sup>226</sup>.

Ўрганилаётган даврда воҳа иқтисодиётига ҳам аста-секин кириб кела бошлаган хомашёни қайта ишлаш ускуналарининг афзаллиги яққол кўзга ташланиб қолган эди. Шу боис пахта савдоси билан шуғулланувчилар кўпгина бой савдогарлар бирикетин хусусий пахта тозалаш заводларини ишга тушира бошлашди. Масалан, ака-ука Абдукарим ва Аминжонлар ўзларининг ана шундай корхоналарига эга эдилар. Улар асосан Марв ҳудудидан пахтани сотиб олиб, заводда қайта ишлаш билан шуғулланишган.

<sup>223</sup>ЎзР МДА. 3-фонд. 1-руйхат. 140- иш. 111-варақ

<sup>224</sup>Сухарева О.А. Бухара XIX–начала XX в. – М., 1966. – С. 248

<sup>225</sup>Юкоридаги манба.

<sup>226</sup>Юкоридаги манба – С. 249



Ака-ука тадбиркорлар бир мавсумда ўртача 20 вагон пахтани ўзга мамлакатларга сотишган<sup>227</sup>.

Қуйи Зарафшон воҳаси ўзининг ипакчилик маҳсулотлари билан ҳам Ўрта Осиёда донг таратган эди. Ушбу ноёб маҳсулот асосан Россия ва Европа мамлакатларига чиқарилган. Ипак савдоси ҳам асосан пахта ва қорақўл тери олди-сотдиси билан шуғулланувчи йирик савдогарлар, тадбиркорлар ихтиёрида эди. Бухоролик тижоратчи Абдунаби Фарғона водийсида пахта билан бирга 10 вагон ипак толаси, унинг укаси Ҳамиджон эса 5 вагон ипак толасини сотиб олишган. Яна бир савдогар Мулла Абдуваҳоб Пашим Фарғона, Хўжанд ва Бухородан сотиб олинган 10 вагонга яқин ипак толасини Россияга жўнатган<sup>228</sup>. Йирик тадбиркорлар сирасига кирувчи Мирзо Муҳиддин Мансуров 50 вагонгача, Ҳикмат Кинос, Мир Камол каби саррофлар 10 вагонгача ипакни Бухоро туманларидан, 40 вагонгача ипакни Фарғона водийсидан сотиб олишган.

XIX аср охири–XX аср бошларида Бухоро ипаги нафақат Россияда, балки Франция<sup>229</sup> ва Италияда ҳам сотилган.

Воҳада ипак савдоси мавсумий характерга эга бўлиб, у асосан май ойининг ўрталаридан бошланиб, бир ой давом этган. Мазкур савдода Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида учрамайдиган ўзига хос қоидага амал қилинган. Қоидага кўра, ипакни дастлаб тўқувчи хунармандлар харид қилишган. Ана шундан кейингина йирик савдогарларга ипак савдоси билан шуғулланишга рухсат берилган. Амир Музаффархон даврида Муҳаммад кушбеги томонидан жорий қилинган мазкур тартибдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий тўқувчи хунармандларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш эди. Ушбу анъана XX аср бошларига қадар сақланиб қолди.

Бухородаги «Тоқи заргарон» савдо расталарида туркман ва Қарши гиламлари билан қизгин савдо қилинган. «Саройқолин» карвонсаройини асосан гиламфурушлик билан шуғулланувчи тадбиркорлар банд этишган. Мулло Муҳаммаджон ва Мулло

<sup>227</sup>Юкоридаги манба.

<sup>228</sup>Сухарева О.А. Бухара XIX – начала XX в. – М., 1966. – С.253

<sup>229</sup>Ёров А.Ш. Бухаркий эмират на мировом рынке (вторая половина XIX – начало XX столетия). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Душанбе, 2005. – С.22

Полвонқул йирик гиламчи савдогарлар бўлишган. Гиждувон бозори ҳам гилам савдоси бўйича етакчи ўринда турган<sup>230</sup>.

Воҳада юкори даражадаги мансабдор шахслар ҳам савдо ишлари билан шуғулланишган. Мисол учун, Абдужалил тўқсоба Шарқий Бухородан катта миқдорда чорва молларини олиб келиб, ўз кушхонасида сўйдириб соттирган.

Маълумки чой савдоси сердаромад соҳа ҳисобланган. Ўрганилаётган даврда куйи Зарафшонда Холбой ва Омонхўжа исмли тадбиркорлар маҳаллий чойфурушларнинг етакчилари бўлишган<sup>231</sup>. «Вагончи» деб ном олган бир гуруҳ савдогарлар асосан қуруқ мевалар савдоси билан шуғулланишган. Карманалик Мирза вагон исмли тадбиркор шундайлардан бўлган. «Вагончилар» бутун воҳа бўйлаб юриб, қуруқ меваларни харид қилишган. Кейин тўплаган маҳсулотларини вагонларга юклаб, Россияга жўнатганлар. Шу сабабли ҳам одамлар уларни «вагончи» деб аташган.

XIX аср охирларидан эътиборан Россия империяси аста-секинлик билан Бухоро амирлигининг ички бозорларини тўла эгаллаб, уларни ўз моллари билан тўлдиришга киришди. Рус буржуазияси Бухоро бозорларидан ўзининг доимий рақиблари: европалик, афғонистонлик ва ҳиндистонлик савдогарларни, уларнинг товарларини турли хил йўллар билан сиқиб чиқара бошлади. 1881 йилда Туркистонга ҳинд чойи ва ҳинд бўёғидан бошқа хорижий маҳсулотларни олиб келиш расман таъқиқланади (чунки бундай маҳсулотлар Россияда ишлаб чиқарилмаган). Табиийки, бундай чекловлар Россиядан келтириладиган маҳсулотлар ҳажмининг ўсишига олиб келди.

XIX асрнинг 80-йиллари охирида рус ва чет эл сармоёси кириб келиши муносабати билан куйи Зарафшон воҳасида ҳам капиталистик муносабатлар шакллана бошлади. Амирлик ҳудудидан темир йўл ўтказилиши (1887 й.) Россия билан савдототик алоқаларида туб бурилиш ясади. Россия билан ўзаро савдо айланмаси эса асосан Бухородан қимматбаҳо товарларни олиб чиқиб кетиш ҳисобига ўсиб борди. Рус товарлари билан савдо-сотик қилишда бухоролик савдогарлар етакчи бўлишган.

<sup>230</sup>Сухарева О.А. Бухара XIX–начала XX в. – М., 1966. – С.252

<sup>231</sup>Рахмонов А. Авлодлар манзили. – Кармана, 1996. – Б.17.

Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти В.Н. Чариков 1887 йилда мамнуният билан «Бухорони рус бозори деб атаса бўлади, чунки у ерга ўзга мамлакатлар маҳсулоти деярли киритилмаяпти»<sup>232</sup>, деб ёзган эди.

Россия империясининг яккахукмронлик сиёсати баъзи ҳукмрон давлатларни бефарқ қолдирмади. 1890–1895 йиллар давомида Англия яна Бухоро сиёсий ва иқтисодий ҳаётига таъсир ўтказишга ҳаракат қила бошлади. Инглизлар бу борада бирмунча ютуқларга ҳам эришди<sup>233</sup>. Рус ҳукумати ушбу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида амирлик ҳукуматининг розилигисиз Бухорони ягона божхона тизимига киритди. Шундай қилиб, 1895 йил 1 январидан эътиборан Бухоро Россиянинг ягона божхона ҳудуди ҳисобига киритилди<sup>234</sup>. Бу тадбир ўз навбатида Бухоро бозорларида рус саноат товарларининг тўлиқ равишда монопол мавқега эга бўлишига олиб келди.

XIX асрнинг 90-йилларидан қуйи Зарафшон воҳасига рус капиталининг кириб келиши жараёни янада кучайди. Хусусан, бу ерда рус сармояси ҳисобига ташкил қилинган турли хил бирлашмалар пайдо бўла бошлади. Янги очилган банкларнинг амирлик иқтисодиётидаги аҳамияти ортди. 1891 йилда Бухорода «Москва-Рязан» банкининг бўлими очилди<sup>235</sup>. Шу йили шаҳарда «Москва халқаро савдо банки»нинг бўлими ҳам фаолиятини бошлади. 1894 йилда эса 90 млн. рубл жамғармага эга бўлган «Давлат банки» Янги Бухорода (Когонда) ўз бўлимини очди. Мазкур банкнинг айланма маблағи йилдан-йилга ошиб борди. Агар 1898 йилда банкнинг айланма маблағи 89.498 млн. рублни ташкил қилган бўлса, 1899 йили бу рақам 97.666 млн. рублга<sup>236</sup>, 1902 йилда 111.4 млн. рублга, 1903 йилда 123.5 рублга етди<sup>237</sup>.

Бухорода ўз бўлимларини очган Москва ва Петербург тижорат банклари, Москва ҳисоб банки ҳамда Москва бирлашган банки катта капиталга эга бўлган. Бу маблағларнинг асосий қисми

<sup>232</sup>ЎзР МДА. 1-фонд. 11-рўйхат, 580-нш, 25-варақ

<sup>233</sup>Грулев М. Соперничество России и Англии в Средней Азии. – СПб., 1909. – С. 200.

<sup>234</sup>Ҳолиқова Р. Россия-Бухора: тарих чорраҳасида. – Тошкент, 2005. – Б. 201.

<sup>235</sup>Ҳакимова К.З., Краевд Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. (конец XIX – начало XX в.). – Ташкент:Фан, 1980. – С. 82.

<sup>236</sup>ЎзР МДА. И-295-фонд, 1-рўйхат, 24-нш, 1-варақ.

<sup>237</sup>ЎзР МДА. И-299-фонд, 1-рўйхат, 28-нш, 1-варақ.

амирлик ҳудудда савдони ривожлантиришга йўналтирилган. Бундан ташқари, Бухорода «Рус-Осиё», «Азов-Дон», «Москва кредит», «Рус ташқи савдо» ва «Сибир савдо-сотик» банки, «Рус-Бухоро» банки каби хусусий банклар бўлимлари ташкил этилди.

XX аср бошларида Бухородаги банк бўлимлари пахта савдоси учун турли фирмаларга 40 млн. рубль маблағ ажратган. Бухоро амири ҳам ўзининг 1 млн. рубль маблағини шу мақсадга йўналтирган<sup>238</sup>. Рус-Осиё банки ўлкада пахта бозорини эгаллашга интилган ҳар қандай бирлашмаларни маблағ билан таъминлаб турган. Хусусан, «И.Г.Стахов ва Ко» ширкати Рус-Осиё банкининг кредити эвазига Зарафшон воҳасида ўз фаолиятини муттасил кенгайтириб борди<sup>239</sup>. Рус-Осиё банкининг Бухоро бўлими ўсимлик ва пахта ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланган бирлашмаларга кредит бериш билан шуғулланган. Банкнинг ушбу мақсадда ажратган қарзлари миқдори 1913 йилда 534000 рубл, 1917 йилда эса 2,650000 рублни ташкил этган<sup>240</sup>.

Азов-Дон банкининг Бухоро бўлими асосан пахта операциялари билан шуғулланган. Банк умумий маблағининг 93,6 фоизи ушбу мақсадга йўналтирилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Банк бўлими пахта сотиб олувчи фирмаларга кўплаб қарзлар берган. Жумладан, 1912 йилда «Ака-ука Ҳайдаровлар» фирмасига 1 млн. рубл, Т.Х.Мирхонхўжаевга 750 минг рубл, «Ака-ука Мирзаевлар»га 500 минг рубл кредит ажратган<sup>241</sup>.

Сибир савдо банкининг бўлимлари Қўқонда ва Бухорода жойлашган эди. Мазкур банкнинг Бухоро даллолчилик кўмитаси таркибида Гулжонқобул Амир Муҳамедов, Асфияхўжа Бурхонхўжаев, Х. Исахаров, Д.Мирзаев, А.Юнусов каби маҳаллий бойлар пахта сотиш билан шуғулланган.

Қуйи Зарафшон воҳасидаги руслар томонидан асос солинган шаҳарларда ҳам тадбиркорлик ва савдо-сотик ишлари жадал ривожлана бошлади. 1888 йил 23 июнда Бухоро амирлиги ва

<sup>238</sup>Рябинский А. Царская Россия и Бухара в эпоху империализма. // Историк – марксист. 1941. – №4. – С.5.

<sup>239</sup>Власова Э.Н., Деева Е.А., Кравец Л.Н., Файзиева З. Формирование рабочего класса в дореволюционном Узбекистане. – Ташкент, 1979. – С 128,129

<sup>240</sup>Авазова Ш.Ҳ. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда банк ва фирмаларнинг ривожланиши. Тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 1997. – Б. 90.

<sup>241</sup>Ўша ерда. – Б. 90.

Россия империяси ҳукуматлари ўртасида Когон қишлоғи яқинида Янги Бухоро шаҳрини барпо этиш юзасидан битим имзоланди. Империя маъмурлари бу жойни бежиз танламаган. Биринчидан, Когон қишлоғи яқинидан Ўрта Осиё темир йўли ўтган бўлса, иккинчидан, бевосита шу ердан туриб амирликка зимдан сиёсий-иктисодий таъсир утказиш режалаштирилган.

Хуллас, 1888 йилда Бухоро шаҳридан 12 чақирим масофада Когон қишлоғида Янги Бухоро шаҳри бунёд этилди. Амирлик пойтахти бўлмиш Бухоро шаҳрига яқин жойлашганлиги ҳам бу ерда тадбиркорлик ва савдо-сотиқнинг жадал ривожланишига сабаб бўлди. 1890 йилдаёқ Янги Бухоро шаҳрида бир нечта транспорт фирмаларининг ваколатхоналари, кўплаб дўконлар, савдо расталари, почта ва телеграф мавжуд эди. 1892 йилда шаҳарнинг йиллик даромади 2000 рублни ташкил этган. 1899 йилга келиб эса ушбу рақам олти бараварга ошди. XIX аср охирида Янги Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган 5 та пахтани қайта ишлаш заводларида ҳар йили қарийб 1 млн. пуд пахта хом ашёси қайта ишланиб, темир йўл орқали асосан Россияга жўнатилган. Бухоролик савдогар ва ҳунармандлар ҳам Янги Бухоро шаҳрида эркин фаолият кўрсатишган. Айниқса, Бухоролик ҳунармандлар тайёрлаган ипак матолар, заргарлик буюмлари, гиламлар бу ерда катта миқдорда сотилган<sup>242</sup>.

1892 йилда 27 нафар маҳаллий миллат вакиллари ҳам шаҳардаги қурилиш ишларига жалб қилиниб, уларга кунига ўртача 60-80 копеекдан ҳақ тўланган<sup>243</sup>. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, бухоролик йирик тадбиркор ва савдогарлар, бойлар ҳам бу ерда ўзлари учун уй-жой қурдира бошлаганлар. Мирзо Исо Муҳамедов, Муҳаммад Юнусов, Раим Бобожонов, Паҳлавонбоев, Муқимбоев, Сулаймонбек Ҳазратқулов ва бошқа яна бир қатор таниқли маҳаллий савдогарлар шулар жумласидандир.

XX аср бошларига келиб, Янги Бухоро шаҳри савдо алоқаларининг ривожланиши кўрсаткичи бўйича амирликда биринчи ўринга чиқиб олди. Ўз навбатида, Янги Бухоро амирликнинг Россия шаҳарлари Ҳиндистон, Афғонистон ва Эрон каби мамлакатлар билан олиб борган ўзаро савдо алоқаларида

<sup>242</sup>Гейер И.И. Бухаркое ханства. Путеводитель по Туркестану. – Ташкент: Изд. 1. Типо-литография В.И.Ильина. 1905. – С.115

<sup>243</sup>ЎЗР МДА. 3-фонд. 1-езув. 138-иш, 19-варак.

ҳам етакчи рол ўйнаган. Амирлик ҳукумати 20 га яқин Европа фирмалари билан тузилган шартномаларга асосан ҳар йили умумий ҳажми салкам 10 млн. рублни ташкил этувчи экспорт-импорт ишларини асосан Янги Бухоро шаҳри орқали амалга оширган<sup>244</sup>.

А.Губаревич-Радобильскийнинг тадқиқотларида<sup>245</sup> Янги Бухоро шаҳрида 3 та завод фаолият кўрсатганлигини таъкидланган. Бирок, бошқа манбаларда 1903 йилда Янги Бухоро шаҳрида «Познанский и Ко» акциядорлик жамияти, «Ўрта Осиё-Эрон савдо-саноат ширкати», «Флакман Б» савдо уйи, тадбиркор Бахтадзеннинг вино заводи, Дюршмидтнинг ичак тозалаш заводи, тадбиркор Литвиннинг тамаки фабрикаси, Епифановнинг гугурт фабрикаси ва менерал сув ишлаб чиқарувчи заводлар<sup>246</sup> бўлганлиги кўрсатилган.

Р.С.Конопконнинг асарида Янги Бухорода фаолият кўрсатган завод-фабрикалар, савдо-саноат корхоналарининг сони бирмунча аниқ келтирилган. Хусусан, у 1910 йилда Янги Бухорода 8 та пахта тозалаш заводи, 3 та транспорт идораси, 3 та спиртли ичимликлар ва озиқ-овқат дўкони, 5 та газлама дўкони, 3 та металл буюмлар дўкони, 1 та тикув машиналари дўкони, 2 та керосин дўкони, 1 та тамаки дўкони, 5 та мануфактура маҳсулотлари дўкони, 3 та тайёр кийимлар дўкони, шунингдек, 4 та савдо-саноат идоралари, 4 та меҳмонхона ва бошқа маиший хизмат уйлари бўлганлигини таъкидлайди.

Янги Бухоро шаҳри аҳолисининг машғулоти асосан савдо ва тадбиркорликдан иборат эди. 1917 йилларга келиб, Россиядан шаҳарга қарийб 15,5 млн. рубллик мануфактура маҳсулотлари, 9140 минг рубллик озиқ-овқат маҳсулотлари, 2273 минг рубллик металл, шиша ва сополдан ишланган буюмлар олиб келинган<sup>247</sup>. Умуман, Янги Бухоро шаҳрининг вужудга келиши бутун қуйи Зарафшон воҳасида савдо ва тадбиркорликнинг жонланиши капиталистик муносабатларнинг ривожланишида улкан аҳамият касб этди.

---

<sup>244</sup>Гейер И.И. Бухарское ханства. Путеводитель по Туркестану. – Ташкент: Изд. 1. Типо-литография В.И.Ильина. 1905. – С.122

<sup>245</sup>Губаревич – Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. опыт сравнительного исследования двух систем протектората. – СПб., 1905. – С.74.

<sup>246</sup>Среднеазиатская железная дорога (Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороге). – СПб., 1903. – С.41

<sup>247</sup>Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары ... – С29

Савдо ва тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида воҳада бирин-кетин савдо-саноат корхоналари ҳам вужудга кела бошлади. Баъзи адабиётларда, “XX аср бошларида Бухоро амирлигида 20 та<sup>248</sup> завод бор эди”, деган чалқаш маълумотлар келтирилган. Аслида эса бу даврда амирлик ҳудудида 35 та пахта тозалаш, 3 та ёғ-мой, 3 та ипак тозалаш, 1 тадан пресслаш ва жун тозалаш заводлари фаолият кўрсатган. Табиийки, бу кохоналарнинг аксарият қисми қуйи Зарафшон воҳасида жойлашган эди Қуйидаги рақамлар ҳам шундан далолат беради:

1. Янги Бухоро шаҳрида 12 та пахта тозалаш заводи ва 1 та ёғ заводи фаолият кўрсатган<sup>249</sup>.

2. Қоракўлда 1 та пахта тозалаш заводи жойлашган<sup>250</sup>.

3. Қизилтепа темир йўл бекатида 2 та пахта тозалаш заводи бўлиб, уларнинг бири маҳаллий тадбиркор Мирзо Муҳиддин Мансуровга, яна бири эса поляк ҳалқига мансуб Шапировнинг хусусий савдо жамиятига тегишли эди<sup>251</sup>.

4. Бухоро шаҳрида тадбиркор бой Мустафо Ҳожига тегишли пахта тозалаш заводи ҳам фаолият кўрсатган.

5. Кармана шаҳрида «Цигельбаум» ва «Двоскина» савдо уйи жамиятларига тегишли 3 та пахта тозалаш заводлари фаолияти тобора кенгайиб борган.

6. Зиёвуддинда Бухоро амирига қарашли 2 та пахта тозалаш заводи бўлган.

7. Зирабулоқда ҳам Бухоро амирига ва тадбиркор Муниҳа Фузайловга тегишли (унинг Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида ҳам хусусий пахта тозалаш заводлари бўлган) 2 та пахта тозалаш заводи фаолият кўрсатган<sup>252</sup>.

8. Ғиждувонда тадбиркорлар Жамолиддинов ва Енгалчевга қарашли пахта тозалаш заводи ишлаб турган<sup>253</sup>. Булардан ташқари,

<sup>248</sup>История УзССР. 11, кн 2. – Ташкент. 1956. – С. 236; Гулишамбаров С. Экономический обзор Туркестанского края, обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой. Ч 4, -Ашхабод, 1913. – С. 219

<sup>249</sup>ЎзР МДА. 1-фонд. 12-руйҳат. 2079-иш. 1-7 варақлар: 3-фонд. 1-руйҳат. 335-иш, 18-варақ.

<sup>250</sup>ЎзР МДА. 1-фонд. 12-руйҳат. 919-иш, 51-варақ

<sup>251</sup>ЎзР МДА. 1-фонд. 12-руйҳат. 919-иш, 51-варақ

<sup>252</sup>ЎзР МДА. 3-фонд. 1-руйҳат. 300-иш, 127- варақ.

<sup>253</sup>Ўз Р МДА. 3-фонд. 126-фонд. 1-руйҳат, 1545-иш , 1-варақ: 1-фонд, 12-руйҳат, 2079-иш, 1-7 варақлар.

Қорақўл темир йўл бекати яқинида 10 та унча катта бўлмаган гишт заводлари, Карманада эса рус тadbиркорларига тегишли бир нечта ишқор заводлари мавжуд эди. XX аср бошларида Янги Бухорода типография ва электр станциялари қурилди. Электростанция эски Бухорони ҳам электр токи билан таъминлаб турган<sup>254</sup>.

Воҳада янги типдаги терини қайта ишлаш корхоналари ҳам вужудга келди. Бухорода Л.Зальм, Кальмаико ва Поляк каби хусусий тadbиркорларга қарашли ана шундай заводлар фаолият юритган. Зиёвуддин темир йўл бекати яқинида ҳам тери заводи мавжуд бўлган<sup>255</sup>. Мазкур заводларда меҳнат қилувчи кишилар сони озчиликни ташкил қилса-да, лекин улар ниҳоятда пишиқ бўлган кўнчилик маҳсулотларини тайёрлашган. Л.Зальмга қарашли фирманинг Бухоро шаҳридаги тармоғида қайта ишланган тери маҳсулотлари асосан хорижга экспорт қилинган.

1893 йилда Яккатут йўл бекатида, Янги Бухоро ва Қизилтепада вино заводлари ишга туширилган. Тadbиркор савдогар Бехтадзенинг вино заводида йилига 100 челақча вино ишлаб чиқарилган. 1897 йилга келиб тadbиркорлар Григорио Касобов, Эристо Бахтадзе, Жанушев куйи Зарафшон воҳаси худудида вино ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқини қўлга киритган<sup>256</sup>. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, XX аср бошларида Янги Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Юлий Мотыл (Мотиал) деган шахс амирдан Бухоро шаҳрида кинематография томошагоҳини очиш учун руҳсат сўрайди<sup>257</sup>. 1911 йил 25 мартда амир бу таклифга розилик билдиради<sup>258</sup>. Шу тариқа воҳада илк кинотеатрни ишга туширган Юрий Мотыл ушбу фаолият тури орқасидан мумайгина фойда ола бошлайди.

Ўрганилаётган даврда куйи Зарафшон воҳасида бозор муносабатларнинг вужудга келиши ижтимоий табақаланиш жараёнини ҳам тезлаштирди. Аҳоли бир томондан савдогар-судхўрлар, йирик ер эгалари ва саноат мулкдорларига, иккинчи томондан ўртаҳол ва камбағал деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар ҳамда саноат ишчилари тоифаларига бўлинди. Воҳадаги бундай

<sup>254</sup>Ўз Р МДА. 3-фонд. 3-фонд. 1-руйхат. 1063-нш, 1-варак.

<sup>255</sup>Ўз Р МДА. И-126-фонд. 2-руйхат. 703-нш, 2 -варак.

<sup>256</sup>Ўз Р МДА. И-3-фонд. 1-руйхат. 141-нш. 90-варак.

<sup>257</sup>Ўз Р МДА. И-3-фонд. 1-руйхат. 393-нш, 34-варак.

<sup>258</sup>Ўз Р МДА. И-3-фонд. 1-руйхат. 393-нш, 74-варак.



табақаланиш меҳнатқаш омма турмушининг оғирлашувига, уларни икки томонлама эксплуатация қилишнинг кучайишига олиб келди.

XX аср бошларида заводларда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борди. 1901 йилда Қорақўл, Қизилтепа, Кармана ва Зирабулоқ пахта тозалаш заводларидан 500000 пуд пахта четга жўнатилган<sup>259</sup>. Қорақўлдан 1,5 млн. дона қорақўл тери, 6000000 рубллик турли маҳсулотлар темир йўл орқали Россияга олиб кетилган<sup>260</sup>. Шундай қилиб, XIX аср охири—XX аср бошларида Россия империясининг ўлкада юритган мустамлакачилик сиёсати, рус савдо-саноат капиталининг воҳага кириб келиши, саноат ишлаб чиқариши ва товар-пул муносабатларидаги ўзгаришлар ерларнинг мулкдорлар қўлида тўпланиши ва аҳоли ўртасида ижтимоий табақаланишнинг тезлашишига олиб келди.

Ўрганилаётган даврда қуйи Зарафшон воҳасида савдо-сотик анча жонланганлиги сезилса-да, аммо унинг Россия иқтисодиёти билан боғланиб қолиши тамойили кучайиб борди. Бу даврда миллий буржуазиянинг рус буржуазияси билан ҳамкорлиги кенгайди. Маҳаллий заводчи, тадбиркор ва савдогарлар маҳаллий ишчиларни эзишда рус буржуазиясидан ҳам ўтиб тушдилар. Улар маҳаллий меҳнатқашлар заҳматли меҳнати орқали бойиш билан чекланиб қолмасдан, деҳқонлар билан рус савдо-саноат буржуазияси ўртасида воситачилик қилиш туфайли ҳам катта фойда кўрдилар.

Савдо-сотикнинг ривожланиши, тадбиркорликнинг жонланиши ва уларнинг бевосита таъсири остида XIX аср охири—XX аср бошларида Зарафшон воҳасидаги ишлаб чиқариш муносабатларида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Рус капиталининг воҳага кириб келиши ўз навбатида капиталистик муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига катта туртки берган бўлсада, бироқ бу жараён миллий буржуазиянинг рус буржуазиясига қарамлигини кучайтирди. Оқибатда хориж билан савдо алоқаларида тайёр маҳсулотлар чиқаришдан хом ашё чиқаришнинг ҳиссаси ошиб кетди. Хориждан олиб келинадиган хом ашё ва тайёр маҳсулотлари савдоси бу даврга келиб асосан рус буржуазияси қўлида тўпланиб борди.

<sup>259</sup>Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. Опыт сравнительного исследования двух систем протектората. — СПб., 1905. — С.96

<sup>260</sup>Юкоридаги манба. — С. 96.

### III БОБ. XIX АСР ОХИРИ–XX АСР БОШЛАРИДА ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРЛИГИ ТАРКИБИДАГИ ҚИСМИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА САВДО-СОТИҚ

#### 3.1. Ички ва ташқи савдо алоқаларининг ривожланиши жараёнлар

1868 йил 23 июнда Россия империяси ва Бухоро амирлиги ҳукуматлари ўртасидаги тузилган шартнома асосида Зарафшон воҳаси икки қисмга бўлинди. Шу тариқа Бухоро амирлиги ўзининг Зарафшон воҳасидаги улкан иқтисодий-сиёсий мавқега эга бўлган катта қисмидан ажралишга мажбур бўлди. Кўп ўтмай, Бухоро амирлигидан ажратиб олинган ҳудудда Зарафшон округи ташкил қилинди<sup>261</sup>. «Зарафшон округини бошқаришнинг вақтли қоидалари» ишлаб чиқилиб, Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланди.

Бу қоидаларга кўра, Зарафшон округи маъмурий жиҳатдан Самарқанд ва Каттақўрғон бўлимларига бўлинди. Бироқ Россия ҳукумати томонидан 1886 йил 12 июнда тасдиқланган «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»га биноан Зарафшон округи тугатилиб, Самарқанд вилояти ташкил этилди<sup>262</sup>. Ўз навбатида, Самарқанд вилояти Хўжанд, Жиззах, Каттақўрғон ва Самарқанд каби уездларга ажратилди<sup>263</sup>.

XIX аср ўрталарида Самарқанд бозорларида ҳам худди Бухоро ва Қарши бозорларидаги сингари савдо молларининг нархини муомаладаги танга қиймати билан белгиланган<sup>264</sup>. Самарқанд бозори воҳадаги энг йирик олди-сотди маркази ҳисобланган бўлса<sup>265</sup>, пахта савдоси бўйича Каттақўрғон бозорига тенг келадигани йўқ эди. 1868 йилда бу ерда 12595 ботмон пахта сотилганлиги<sup>266</sup> ҳам фикримизни исботлайди. Бу даврда

<sup>261</sup>ЎЗР МДА. И-1 фонд. 16-руйхат. 2264-иш, 7-варак.

<sup>262</sup>ЎЗР МДА. И-1 фонд. 20-руйхат. 513-иш. 7-варак.

<sup>263</sup>ЎЗР МДА. И-1 фонд. 11-руйхат. 16-иш, 6-варак.

<sup>264</sup>Ханыков И. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843, – С. 109

<sup>265</sup>ЎЗР МДА. 5-фонд. 1-руйхат. 12-иш, 124-варак.

<sup>266</sup>1 Батмон 8 пуд ҳисобланиб, 128 кг ташкил қилган

Самарқандда йирик савдо дўконлари пайдо бўлиб, шаҳарда жами 2414 та савдо дўкони мавжуд эди. Дўконларда улгуржи ва чакан савдолар амалга оширилган. Бундан ташқари, Самарқанддаги 50 дан ортиқ дўконларда Россиядан келтирилган маҳсулотлар билан савдо қилинган. 394 та дўкон эса мавсумий тарзда фаолият юритган<sup>267</sup>.

1868 йилда Самарқандда 35 та карвонсарой мавжуд эди. Улардан 9 таси ҳинд савдогарларига тегишли бўлган<sup>268</sup>. Хусусан, йирик тадбиркор Мулла Орифбойга тегишли «Жун сарой» карвонсаройи асосан жун савдосига ихтисослашган. Карвонсаройдаги мавжуд 15 та дўконнинг ҳар бирига 8 ботмонгача жун жойлаштирилган<sup>269</sup>. «Гўри Амир» масжидига тегишли вақф ерларда жойлашган 50 та дўконда эса жундан тўқилган маҳсулотлар, гиламлар билан савдо қилинган. Карвонсаройларда жами 712 та савдо дўконлари фаолият олиб борган<sup>270</sup>.

Самарқанд бозорларида воҳа ҳунармандлари тайёрлаган маҳсулотлар савдоси ҳам қизгин кечган. Самарқандлик тижоратчилар кўшни худудлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳам фаол савдо алоқаларини яхши йўлга қўйишган. Масалан, турли ранглардаги мовут халатлар Афғонистон, Эрон ва Кашмирдан келтирилган бўлса, ҳинд шолча ва гиламлари асосан Қарши ва Бухородан, қисман Ҳиндистоннинг ўзидан олиб келинган<sup>271</sup>. XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Самарқанднинг Россия билан савдо алоқалари кенгайган. «Голос» газетасининг ёзишича: «Ҳар йили Самарқандга Екатеринбург, Троицк, Петропавловск, Окмулла, Туркистон ва Тошкент<sup>272</sup> орқали 7500 туя ва 3000 дан зиёд аравада 150000 пуд маҳсулот келтирилган<sup>273</sup>».

Кейинги даврларда ҳам Зарафшон воҳасида савдо-сотик ички ва ташқи савдо икки йўналишида ривожланиб борди. Воҳадаги ички савдо асосан бозор савдо-сотигидан иборат эди. Бу иш билан

<sup>267</sup>ЎЗР МДА. 5-фонд, 1-руйхат, 12-иш, 124-варақ

<sup>268</sup>Самарқанд. // Военный сборник. № 12. – СПб., 1870. – С.390.

<sup>269</sup>ЎЗР МДА. 5-фонд, 1-руйхат, 12-иш, 107-варақ

<sup>270</sup>ЎЗР МДА. 5-фонд, 1-руйхат, 12-иш, 114-варақ

<sup>271</sup>ЎЗР МДА. 5-фонд, 1-руйхат, 12-иш, 115-варақ.

<sup>272</sup>ЎЗР МДА. 5-фонд, 1-руйхат, 12-иш, 115-варақ.

<sup>273</sup>Голос. 1876, – №179; Туркестанский сборник. Т.151. – С 111

муайян сармояга эга бўлган шахслар шуғулланган<sup>274</sup>. 1872 йилга келиб Зарафшон округи бўйича 33 та мунтазам ишловчи бозор ва мунтазам савдо билан шуғулланувчи 3166 нафар савдогар фаолият кўрсатган. Бундан ташқари, 9500 киши бозорларда вақтинчалик савдо билан шуғулланишган<sup>275</sup>. Самарқандлик савдогарларнинг учдан икки қисми бир нечтадан дўкон ва расталарга эгалик қилишган. Турли-туман маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўконларда тижоратчиларга қариндош-уруғлари ёрдамлашган<sup>276</sup>. Йирик савдогар бойлар асосан шаҳар карвонсаройларда фаолият олиб боришган. Самарқанд марказий бозорида Зарафшон округи ҳудудидаги бошқа бозорлардаги маҳсулотларга нарх белгиланган<sup>277</sup>.

Савдо-сотикнинг тараккий этиши билан савдогарлар ўртасида ҳам табақаланиш бошланиб, улар орасида йирик сармояга эга бўлган шахслар ажралиб турган. С.П.Мансырев ҳисоби бўйича Самарқанд уездида бундай савдогарлар 1896 йилда 183 нафарни, 1897 йилда 93 нафарни ва 1898 йилда эса 232 нафарни ташкил қилган. Уларнинг бешдан бир қисми эса молни бозорлардаги маҳаллий улғуржи савдогарлардан Самарқанд шаҳридагига нисбатан 10–15 фоиз кам чегирмага асосланган кредитга олишган. Кредит ҳажми ойлик айланма жамғарманинг 1–2,5 фоизига тенг бўлган. Ундан келадиган фойда эса 2–2,5 минг рублни ёки тадбиркорнинг йиллик ўртача даромадининг 12–25 фоизини ташкил қилган<sup>278</sup>.

Бу даврда атторлар бозор савдосида ўзига хос мавқега эга эдилар. Самарқанд уездида 1897 йилда 193 нафар, 1898 йилда 205 нафар атторлар фаолият кўрсатишган. Уларнинг ўртача савдо маблағи 600–900 рублдан иборат бўлиб, ҳар бири йиллик айланма маблағининг 20–25 фоизи миқдорида фойда олишган<sup>279</sup>. Бошқа бир тоифадаги савдогарлар чакана тижорат билан шуғулланишган.

<sup>274</sup>Туркестанские ведомости. 1871, – №5.

<sup>275</sup>Гребенкин А. Таджики. // Русский Туркестан, вып. I. под ред. Н.Маева. – М., 1872, – С. 26

<sup>276</sup>Юқоридаги манба. – С. 28,30

<sup>277</sup>Юқоридаги манба. – С. 30

<sup>278</sup>Мансырев С.П. Базарная торговля в Самаркандском уезде. // Справочная книжка Самаркандской области на 1898 год, вып. VI. – Самарқанд, 1899. – С. 125,126.

<sup>279</sup>Юқоридаги манба. – С. 127-128

Асосан маҳаллий газламаларни сотиш билан шуғулланган бундай савдогарлар йилига ўртача 400–500 рубл маблағ топишган бўлса, унинг 15 фоизини соф фойда ташкил қилган. 1897 йилда бундай савдогарлар сони 132 нафар бўлган бўлса. 1898 йилда 148 нафарга етган<sup>280</sup>.

Асосан гавжум чорраҳаларда, йўл бўйларида фаолият кўрсатган баққоллик дўконларида қуруқ мевалар, қишлоқ хўжалиги ва ун маҳсулотлари савдоси қилинган. 1897 йилда Самарқанд уезди бўйича 104 нафар, 1898 йилда 92 нафар баққоллар фаолият кўрсатган. Уларнинг ҳар бири 600–700 рубллик жамғармасидан 20 фоизгача фойда олишган<sup>281</sup>.

Маҳсулот сотиш ҳажмининг кўпайиши, савдонинг жонланиши ўз навбатида тадбиркорлик ва савдо билан шуғулланувчилар сонининг ошишига олиб келди. Ушбу жараён 1888–1898 йиллар оралигида айниқса, яққол кўзга ташланди. Агар 1888 йилда Самарқанд вилояти бўйича 8687 кишининг савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлганлиги ҳам фикримиз далилидир. Бундай савдогарларнинг 103 нафарига I ва II даражали, 56 нафарига эса кўчма савдо қилиш учун рухсат берилган. 1898 йилда эса 18357 кишига савдо билан шуғулланиш учун ҳужжат берилган. Уларнинг 450 нафари I ва II даражали савдогарлар, 143 нафари эса ички кўчма савдо билан шуғулланувчилар, қолганлари эса майда савдо-сотик билан шуғулланувчилардан иборат эди<sup>282</sup>.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, бу даврда ички савдода юз берган тараққиёт сабабли майда савдо-сотик билан банд бўлган кишилар сони муттасил ўсиб борган. Яъни, камтарона маблағга эга бўлган кишилар ҳам эркин тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганлар. Қуйи Зарафшон воҳасида эса бундай жараённи кузатиш қийин эди. Мустамлакачилик зулми остида бўлишига қарамасдан, воҳанинг ушбу қисми аҳолиси ҳаётига бозор муносабатлари тобора чуқурроқ кириб кела бошлади.

<sup>280</sup>Юқоридаги манба.

<sup>281</sup>Обзор Самаркандской области за 1889 год. – Самарканд. 1891. – С. 13; Обзор Самаркандской области за 1898 год. – Самарканд. 1899. – С. 15

<sup>282</sup>Юқоридаги манба.

Самарқанд уездида савдо айланмаси нисбатан яхши тараққий этди. Жумладан, 1888 йилда уезд бўйича савдо учун 4206 та ҳужжат берилган бўлса (вилоят бўйича уезднинг улуши 47,2 фоизни ташкил қилган), орадан 10 йил ўтгач, яъни 1898 йилда тадбиркор савдогарларга 6918 та (вилоят бўйича уезднинг улуши 51,8 фоиз) ана шундай ҳужжат берилган<sup>283</sup>.

Самарқанд уездида савдо-сотик ишларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1. Самарқанднинг Янги шаҳар қисмидаги мавжуд (темир йўл ҳудудидан ташқари) 233 та савдо-саноат корхоналари. 1897 йилда уларнинг савдо айланмаси 2238400 рублдан иборат бўлган, шундан 196740 рублини соф фойда ташкил қилган<sup>284</sup>; 2. Самарқанд шаҳри савдо-сотик ишлари асосан Эски шаҳар қисмида амалга оширилган. Бу ерда қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва мануфактура маҳсулотлари, чой ҳамда бошқа турдаги моллар савдоси қизғин кечган. 1897 йилда эски шаҳардаги савдо айланмаси 134613350 рублни, соф фойда эса шундан 1215295 рублни ташкил этган<sup>285</sup>; 3. Самарқанд уездида жойлашган Ургут, Даул ва Даҳбет бозорлари ҳам ҳунармандчилик маҳсулотларига бой бўлган. Хусусан, Ургутда бир неча юзлаб савдогарлар фаолият юритганлар. Бу ердаги 1 млн. рубллик умумий савдо айланмасининг тенг ярми нон савдосига тўғри келган. Ҳар йили 100 минг пуд қуритилган узум (майиз) Россиянинг Европа қисмига жўнатилган<sup>286</sup>.

Бу даврда четдан келтирилган мануфактура маҳсулотлари маҳаллий бозорлардаги умумий савдо айланмасининг 64,5 фоизни ташкил этган. Бир сўз билан айтганда, 1897 йилда Самарқанд шаҳридаги 15699750 рубллик умумий савдо айланмасининг 1412035 рублини соф фойда ташкил этган<sup>287</sup>.

Самарқанд уездида Ургутдан сўнг Даҳбет бозори ўзининг савдо нуқталари ва қарвонсаройлари билан машҳур бўлган. Даҳбетдаги битта бозорнинг умумий савдо айланмаси 1 млн. рублни ташкил

<sup>283</sup>Обзор Самаркандской области за 1889 год. – Самарканд, 1891. – С. 13; Обзор Самаркандской области за 1898 год – Самарканд, 1899. – С. 15

<sup>284</sup>Обзор Самаркандской области за 1897. – Самарканд, 1898. – С. 28

<sup>285</sup>Юқоридаги манба. – С. 30

<sup>286</sup>Бржезицкий Г.А. Самаркандский уезд. – Ташкент, 1909. – С. 138

<sup>287</sup>Обзор Самаркандской области за 1897. – Самарканд, 1898. – С. 30

этган<sup>288</sup>. Бу ерда ҳафтанинг чоршанба (Оқтепа бозори) ва шанба (Жом бозори) кунлари бозор бўлган. Ўша кунлари турли хил моллар юкланган мингга яқин аравалар, 3 мингдан 5 минггача отлар бозорга келган. Бундан ташқари, узок-яқиндаги шаҳар ва қишлоқлардан ўртача минг бошдан туя ва қора мол, қарийб тўрт минг бош майда моллар сотиш учун ана шу бозорларга келтирилган<sup>289</sup>.

Жомбой бозори асосан деҳқончилик билан шугулланувчи аҳолига хизмат қилиб, у Даҳбетдаги Чуқур бозор (Самарқанд ҳудудида), Сарича, Бойғатепа, Жума, Чуянтепа ва Оқтепа бозорлари билан доимий алоқада бўлган. Бу ҳудуддаги умумий савдо айланмаси 2,5 млн. рублни ташкил этиб, шундан 900 минг рубли Жомбой бозори, 1,5 млн. рубли Оқтепа бозорига тўғри келган<sup>290</sup>.

Самарқанд уездидаги қишлоқ бозорлари ҳиссаси воҳадаги умумий савдо айланмасининг 21,3 фоизни ташкил қилган<sup>291</sup>. Воҳадаги йирик савдо маркази бўлмиш Самарқанд шаҳрида хорижий ва маҳаллий маҳсулотлар савдоси кенг йўлга қўйилган. Шаҳарда карвонсаройлар сонининг ортиши, савдо уйлари, хунармандчилик корхоналари ва завод-фабрикаларнинг вужудга келиши савдо-сотик ва тадбиркорликнинг янада жонланишига хизмат қилди.

Самарқанд уездидаги умумий савдо айланмасида озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси етакчи ўринда тургани. 1897 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг умумий ҳажми 1247700 рублга етган. Иккинчи ўринда турувчи заводлар ва тегирмон маҳсулотларининг умумий савдо айланмаси 511000 рублга тўғри келган<sup>292</sup>. Бу борада учинчи поғонани забт этган мануфактура маҳсулотлари ялпи савдоси 470800 рубл ташкил этган. Майда савдо-сотик ҳажми 603600 рублдан иборат бўлган. Уезд бўйича савдо-саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2833100 рублдан иборат бўлган. 1897 йилда бу ердаги умумий савдо айланмаси 18.532.850 рублга этиб, шундан соф фойда 1.754.790 рублни ташкил қиларди<sup>293</sup>.

<sup>288</sup>Бржезицкий Г.А. Самаркандский уезд. – Ташкент. 1909. – С. 138

<sup>289</sup>Юқоридаги манба. – С. 140.

<sup>290</sup>Юқоридаги манба. – С. 141.

<sup>291</sup>Юқоридаги манба. – С. 141.

<sup>292</sup>Обзор Самаркандской области. за 1897 г. – Самарканд. 1898. – С. 31,36

<sup>293</sup>Юқоридаги манба.

Зарафшон воҳасининг мустамлака қисмида қуйи Зарафшон қисмига нисбатан савдо ва тадбиркорликнинг ривожланишига савдодан олинадиган закот солиғининг бекор қилиниши, Россия империясида 1875 йил 1 январда қабул қилинган «Хунармандчилик ва савдодан олинадиган тўловлар» тўғрисидаги қонунига асосан ҳужжатсиз савдо дўконлари ёпилиши ҳам сабаб бўлган<sup>294</sup>. Воҳа иктисодий ҳаётида янгилик бўлган ушбу тартиб-қоидалар ички ва ташқи савдо ҳамда тадбиркорликка ўз таъсирини ўтказди. Бу ҳолни ўша даврдаги чор маъмурлари билдирган фикр-мулоҳазалардан ҳам билса бўлади. Жумладан, Туркистон генерал-губернаторлигининг 1874 йил 19 октябрдаги баённомасида маҳаллий завод-фабрикалар маҳсулотлари ерли аҳоли эҳтиёжларини қондира олиши тан олинади. Ўз навбатида, савдо-сотик билан шуғулланувчи аҳолига имтиёзлар бериб, уларни солиқлардан озод қилиш масаласига алоҳида ургу берилди<sup>295</sup>. Албатта, Россия ҳукумати солиқлардан келадиган мумайгина фойдани йўқотишни истамасди. Шунинг учун ҳам Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман бу масалага жиддий эътироз билан қараган.

Г.А.Арандаренко маълумотига кўра, 1875 йилда Самарқанд уездига қарашли Ургут туманида 22 нафар бой савдогарлар истиқомат қилишган бўлса, 1890 йиллар охирларига келиб уларнинг сони 12 нафарга тушиб қолади. Шу билан бирга, бозорларда фаолият кўрсатувчи савдогарлар сони ҳам 50 фоизга камайган. Аммо ўша 12 нафар савдогарнинг бозорлардаги улгуржи савдо айланмаси аввалги 22 нафар бойларнинг савдо айланмасидан кўпроқ бўлган<sup>296</sup>.

Дарҳақиқат, савдо тараққиёти ушбу соҳа вакиллари ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришларга сабаб бўлди. Йирик маблагга эга бўлган савдогарлар қатлами пайдо бўла бошлади. Улар асосан улгуржи савдо билан шуғулланиш баробарида, ўз сармояларини фоиз ҳисобига кредитга бериш орқали ҳам яхшигина даромад топганлар. Россия ҳукуматининг савдо ҳақидаги янги қонун-қоидалари бундай тоифадаги тадбиркор савдогарлар учун

<sup>294</sup>ЎзР МДА. 1-фонд. 16-руйхат. 94-иш, 38-варақ.

<sup>295</sup>ЎзР МДА. 1-фонд. 16-руйхат. 815-иш, 12-варақ.

<sup>296</sup>Арандаренко Г.А. Досуги в Туркестане, 1874–1882. – СПб., 1889. – С. 37,38,51.



жуда қўл келганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Ушбу жараён майда тадбиркорларга жиддий зарба бериб, уларнинг касодга учрашишига сабаб бўлди<sup>297</sup>. Қуйидаги рақамлар ҳам шундан далолат беради. Агар Самарқанд вилояти бўйича 1888 йилда савдо учун 8687 та, 1896 йилда 13357 та ҳужжат берилган бўлса, 1906 йилга келиб ушбу рақам 11707 тага тушиб қолди. Демак, 1896 йилдагига нисбатан 1906 йилда савдо учун берилган ҳужжатлар сони 1650 га камайган. Бироқ 1888 йилги савдо айланмаси 9.771.372 рублни ташкил қилган бўлса, 1906 йилда эса бу рақам 63.000.000 млн. рублга етган<sup>298</sup>. Яъни, орадан ўтган 20 йилга яқин вақт ичидаги Самарқанд вилоятида савдо айланмаси қарийб 6,5 бараварга ошган. Лекин шунга қарамасдан, 1906 йилга келиб воҳадаги савдо айланмасининг салмоқли қисми майда савдогарлар ҳиссасига тўғри келди. Масалан, 1906 йилда савдо учун берилган 11707 ҳужжатдан 3615 таси III даражали савдогарлар учун, 6628 таси IV даражали эди<sup>299</sup>. Майда савдо учун жами 10243 та ҳужжат берилган<sup>300</sup>.

Самарқанд шаҳри ва воҳанинг бошқа ҳудудларида чой савдоси анчайин ривожланди. Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманнинг 1868 йилда чой савдоси билан шугулланувчи рус савдогарларидан олинадиган солиқни бекор қилиши бу борада катта аҳамият касб этди<sup>301</sup>. Лекин қўшни давлатлардан келтириладиган чой маҳсулотларидан олинадиган солиқ миқдори икки баровар оширилди. 1869 йил охирларида Самарқандда 50 та<sup>302</sup>, Каттақўрғонда 13 та<sup>303</sup> чой ҳамда Россиядан келтирилган маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўконлар очилди. Ўша даврда чой савдоси Туркистоннинг ички ва ташқи савдосида муҳим рол ўйнаган. XIX асрнинг 80 йилларигача чой савдосида Бухоро етакчи ўринни эгаллаган. Ҳар йили бу ерга Қобул орқали Ҳиндистоннинг

<sup>297</sup>Юқоридаги манба. – С. 66,67.

<sup>298</sup>Обзор Самаркандской области за 1906 год. – Самарканд, 1907. Приложение №9

<sup>299</sup>Обзор Самаркандской области за 1906 год. – Самарканд, 1907. Приложение №9

<sup>300</sup>Юқоридаги манба.

<sup>301</sup>Саидкулов Т.С. Самарқанд во второй половине XIX начала XX века из социально-экономический и политической истории средней части Зеравшанской долины. – Самарканд, 1970. – С 153

<sup>302</sup>ЎЗР МДА. 5-фонд, 1-руйхат, 12-иш, 124-варақ.

<sup>303</sup>ЎЗР МДА. 5-фонд, 1-руйхат, 11-иш, 105-варақ.

турли шаҳарлари, Бомбей ва Пешовардан 100 минг пуд чой келтирилган. Чой савдосида асосан пешоворлик савдогарларнинг ҳиссаси катта бўлган<sup>304</sup>.

Бу даврда маҳаллий савдогарлар мануфактура ва чой савдосида фаол иштирок этишди. Лекин уларнинг тижорати майда характер касб этган. Воҳадаги улгуржи чой савдоси «Вогау», «Попова», «Бауэр», «Кузнецова», «Гоншина» «Гусева», «Данилова», «Шаровский», «Цендел и К» сингари йирик фирмалар, Филатов, ака-ука Каменский каби рус ҳамда Пинхасов, Муллақандов, Қалантаров ва бошқа маҳаллий савдогарлар қўлида эди.

Самарқанд шаҳри қулай географик жойлашуви, темир йўлларнинг мавжудлиги туфайли нафақат воҳада, балки бутун Туркистонда чой савдоси бўйича етакчи ўринни эгаллади. 1899 йилда Туркистон шаҳарларида сотилган жами 7816119 пуд чойнинг 35,4 фоизи Самарқанд ҳиссасига тўғри келган. Умуман, Самарқанд шаҳри улгуржи чой савдоси бўйича Россия империясида Тюмень шаҳридан (3263423 пуд) кейинги ўринда турган<sup>305</sup>.

1895 йилдан эътиборан Бухоро амирлиги Россиянинг ягона божхона ҳудудига киритилиши чой транзитида ҳам муайян ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, бу тадбир натижасида рус тадбиркорлари улгуржи чой савдосидан каттагина фойда ола бошладилар. Самарқандда чой савдосининг тараққий этиши ўз набатида ушбу маҳсулот билан боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқларининг ҳам ривожланишига олиб келди. Масалан, ўша даврда Самарқандда турли ҳажмдаги чой қутиларини ишлаб чиқарувчи артел ҳамда ҳар хил литография муҳрлари тайёрловчи босмахона фаолият бошлади. Бундай корхоналарнинг йиллик даромади 7200 рублга етди<sup>306</sup>. К.Пален маълумотларига кўра, 1908 йилда Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатган 16 та чой қадоклаш фабрикалари бозорга қарийб 9 млн. рубллик маҳсулот етказиб берган. Мазкур фабрикаларда эса 731 киши иш билан банд бўлган<sup>307</sup>.

<sup>304</sup>Пален К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч.I. отдел I. – СПб., 1911. – С.368.

<sup>305</sup>Справочник Самаркандской области на 1901. вып., III. – Самарканд, 1901. – С. 54

<sup>306</sup>Юқоридаги манба.

<sup>307</sup>Юқоридаги манба.

Товар ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши сабабли Самарқанд вилояти бозорларининг Россия бозорлари билан интеграцияси кучайди. Натижада воҳа савдосида янги тармоқлар юзага кела бошлади. Зарафшон воҳасида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик маҳсулотларини Россияга экспорт қилиш ҳажми ва салмоғи ортиб борди.

Умуман, XIX аср охири—XX аср бошларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосининг авж олиши деҳқонларни бозор талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот етиштиришга ундади. Шу боис бу даврда савдогар-деҳқон<sup>308</sup> тушунчаси пайдо бўлди. В. Радлов ўз тадқиқотида<sup>309</sup> маҳаллий бозорлар ҳақида шундай ёзади: «Бозор бўладиган куни ёшу қари бозорда тўпланишади. Имкони топган барча кишилар бозорга боришади. Баъзилар ҳеч нарса харид қилмаса-да, бу одатни қанда қилишмайди<sup>310</sup>. В.Радлов маълумотларида Октепа ва Даҳбет бозорлари воҳадаги энг йирик қишлоқ бозорлари бўлганлиги, ана шундай қишлоқ бозорлари сирасига кирувчи Мингбозор ва Митанда душанба куни, Пайшанбада чоршанба ва пайшанба кунлари, Жумабозор ва Зирабулоқда жума куни, Ёрғон ва Чимбойда яқшанба куни, Иштихонда пайшанба куни, Каттақўрғонда эса чоршанба ва шанба кунлари савдо бўлганлиги кўрсатилган<sup>311</sup>.

Каттақўрғон бозори шаҳар марказидан шимол тарафдаги дарвозагача чўзилган катта кўчада жойлашган. Бозорда иккита карвонсарой ишлаб турган<sup>312</sup>. Каттақўрғон бозорида чорва савдоси ҳам қизгин кечиб, бу ерга асосан Қарши, Шаҳрисабз ва Ўратепадан қорамол, қўй-эчкилар олиб келинган. Бозорда 1 пут қўй гўшти 6 копеекдан, 1 пут қорамол гўшти ўртача 3—4 копеекдан сотилган. Қиш мавсумида эса қўй гўштининг нархи 8—9 копеекгача кўтарилган. Бу ерда пахтанинг 3 хил сорти мавжуд бўлиб, улардан энг яқшисининг 1 ботмони 8 рубл, ўртача навлисининг 1 ботмони 6 рубл 40 копеек, паст сортлисининг 1 ботмони 4

<sup>308</sup>Этнографические очерки узбекского сельского населения. — М., 1969. — С. 74.

<sup>309</sup>Радлов В. Средняя Зеравшанская долина. — СПб., 1880.

<sup>310</sup>Радлов В. Средняя Зеравшанская долина. — СПб., 1880. — С. 18.

<sup>311</sup>Юқоридаги малба. — С. 19.

<sup>312</sup>Юқоридаги малба. — С. 41.

рубл 40 копеекдан сотилган<sup>313</sup>. 5 пут оғирликдаги ош тузининг нархи 8 копеек, совуннинг баҳоси 15 копеек бўлган. Қаршидан келтирилган бургундис (қизил бўёк) маҳсулотининг ярим фунти 5 рубл 60 копеек, Бухородан келтирилган руян (сарик бўёк)нинг 1 пуди 12 копеек. Ўратепадан олиб келинган тамаки бўёгининг ярим пуди 2 рубл 40 копеекдан сотилган. Шунингдек, 1 пут беда уруғи 2 копеек, 1 ботмон бугдой 3 рубл 60 копеек, 1 ботмон ун 4 рубл 40 копеек, 1 ботмон арпа 2 рубл 40 копеек баҳоланган. Қолаверса, бу ерда 1 ботмон оқланмаган шоли 4 рубл 80 копеек, тозаланган гуруч 12 рубл 80 копеек, майда гуруч эса 4 рубл 40 копеек турган.

Каттақўрғон бозорига матолар асосан Қўқон, Бухоро, Қобул ва Машҳад шаҳарларидан келтирилган. Оддий Қўқон сурп матосининг 12 аршини 5 рубл, даруя деб аталувчи ярим ипак газламанинг 3,5 аршини 4 рубл, шойининг 8 аршини 5–6 рублдан сотилган. Бухоро шойисининг 18 аршини 15–18 рублга, подшойи номли ярим ипак матосининг 18 аршини 7–8 рублга, босма читнинг 100 донаси ҳар бири 22 аршини 110–120 рублга келтирилган, нил бўёгининг 1 пуди 56–60 рубл, дока матосининг 24 аршини 5–6 рубл, камхат деб номланган ипак матонинг 7 аршини 100 рубл нархда сотилган. Шунингдек, Қобулдан Англияда ишлаб чиқарилган турли хил матолар ҳам олиб келинган<sup>314</sup>.

Савдогарлар Бухоро амирлигининг қуйи Зарафшон воҳасидаги ҳудудидан Каттақўрғонга чой, турли газламалар, оёқ кийимлар, туз ва диний адабиётлар олиб келишган. Қайтишда эса ўзлари билан гуруч, бугдой, қоракўл ва жун сингари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб кетишган<sup>315</sup>.

Россия империясининг воҳада мустамлакачиликка асосланган янгича бошқарув усулини жорий этиши ва бир қатор иқтисодий ислохотларни амалга ошириши дехқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка ихтисослашган тармоқларда жиддий ўзгаришларга олиб келди. Натижада бу ерда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланиши учун зарур шароит яратилди.

<sup>313</sup>Юкоридаги манба. – С 46-47.

<sup>314</sup>Радлов В. Средняя Зеравшанская долина. – СПб., 1880. – С. 49

<sup>315</sup>Современный кишлак Средней Азии (Социально-экономический очерк). вып. IX. – Ташкент. 1927. – С. 112

XIX асрнинг 80 йилларида «Катта Ярослав мануфактураси» Самарқандда тўқимачилик фабрикаси қуриш учун ер сотиб олди. Лекин империя ҳукумати турли баҳоналар билан фабрика қурилишини тўхтатиб қўйган. Бирок воҳада пахта заводлари қурилишига эътибор кучайди. Зеро, воҳадан темир йўл ўтказилиши бу ерда саноат корхоналарини қуриш имкониятини кенгайтирди. 1886 йили княз Тинхачев Каттақўрғон уездининг пахтачиликка ихтисослашган Митан қишлоғида илк пахта заводини барпо этди<sup>316</sup>. 1889 йилда эса Каттақўрғон шаҳрининг темир йўл вокзали худудида россиялик инженер Л.О.Югович томонидан пахта тозалаш заводи қурилди<sup>317</sup>. Ҳар иккала завод фаолияти йилдан-йилга такомиллаштириб борилди. Албатта, бу ҳол каттагина миқдордаги сарф-харажатларни талаб этар эди. Бундай чиқимларни кўтара олмаган тадбиркор княз Тинхачев ўз заводини бухоролик савдогар Мирҳикмат Мирсолиҳовга сотиб юборишга мажбур бўлди. Янги хўжайин заводни қайта жиҳозлаб, қўшимча буғ двигатели ўрнатган, у яна даромад келтира бошлади<sup>318</sup>.

Фойда борасида тадбиркор Филатовнинг ишлари анча юришиб кетган. Зеро, унинг вино завоидида 1881 йилда 1200 челақ, 1890 йилда 16000 челақ, 1900 йилда эса 20000 челақ ҳажмда вино ишлаб чиқарилган<sup>319</sup>. Қолаверса, 1900 йилга келиб воҳада Филатовга тегишли 2 та вино заводи, 1 та коньяк заводи ва 1 та спирт тозалаш заводини фаолият кўрсатган<sup>320</sup>.

1879 йилда техник-амалиётчи поручик Лямин 26000 рубл маблағ сарфлаб, “Тошкент-Самарқанд” йўли яқинидаги Сиёбсой ариғида сув тегирмонини бунёд этган<sup>321</sup>. 1880 йилдан эътиборан мазкур тегирмонда кунига 1000 пудгача сифатли ун ишлаб чиқарилган<sup>322</sup>. Қиёслаш учун шуни айтиш мумкинки, Лямин тегирмонида 7,5 пуд буғдойни тортиш 50 копеек турган бўлса, маҳаллий тегирмонларда

<sup>316</sup>Ўз Р МДА. И-36-фонд. 1-руйхат. 2956-иш. 169-184-варақ

<sup>317</sup>Ўз Р МДА. И-22-фонд. 1-руйхат. 2074-иш. 21-варақ

<sup>318</sup>Использование семян хлопчатника в Средней Азии. – СПб. 1914. – С. 6.

<sup>319</sup>Марков Е. Россия в Средней Азии. – СПб., 1901. – С. 278.

<sup>320</sup>Юқоридаги манба.

<sup>321</sup>Ўз Р МДА. 1-фонд. 5-руйхат. 295-иш. 84-85-варақлар.

<sup>322</sup>Арандаренко Г. Из Самарканда, корреспонденция, // Туркестанской ведомости. 1880. – №22.

85 копеекка тушган<sup>323</sup>. Кўриниб турибдики, тадбиркор Ляминнинг сув тегирмонида ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ва таннархи жиҳатидан ҳам маҳаллий тегирмонларлар маҳсулотига нисбатан катта афзалликларга эга эди. Натижада Ляминнинг тегирмони жуда катта фойда билан ишлай бошлаган бўлса, маҳаллий тегирмонлар эса аксинча, жиддий зарбага учради.

1890 йилдан бошлаб воҳада саноат усулида ёғ олишга киришилди. Самарқанд вилоятининг Челак қишлоғида Л.Л.Харват, Каттақўргон шаҳрида эса Л.О.Югович ёғ заводларини ташкил этди. Дастлабки кезларда маҳаллий аҳоли ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотни унчалик хушламаганлиги туфайли уларнинг фаолияти тўхтаб қолади. Оқибатда Югович ўз заводини акционерлик жамияти ихтиёрига ўтказишга мажбур бўлди. Шундан сўнг завод қайта жиҳозланади. Лекин бу гал ҳам ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўя билмаган Югович 1896 йилда завод бошқарувини бошқа бир россиялик тадбиркор С.А.Тихоновга топширган. Табиатан анча уддабурон бўлган С.Тихонов 1897 йилнинг январидаёқ «Шарқ жамияти» транспорт контораси кўмагида ўзи ишлаб чиқарган 1 вагон пахта ёғини Москвага жўнатишга эришган. 1897 йил охирида эса у ёғни ҳидсизлантириш бўлимини ҳам ишга туширишга эришган. Натижада тозаланган олий сифатли пахта ёғи четга жўнатила бошланди. Совун цехида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса маҳаллий бозорларга чиқарилган. 1901 йилда Тошкентда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмасида завод маҳсулотлари кўпчилик эътиборига сазовор бўлди ва С.А.Тихонов кўргазманинг кичик олтин медали билан тақдирланди<sup>324</sup>. 1911 йилда М.Хайкин, 1912 йилда Абрам Фузайлов сингари тадбиркорлар ҳам Самарқандда ёғ заводларини барпо этишди<sup>325</sup>.

Мустамлака Зарафшон воҳасида пахта майдонларининг кенгайиши, ҳосилдорликнинг ортиши ўз навбатида пахта тозалаш заводларига бўлган талабни ҳам кучайтирди. Туркистон генерал-губернаторлиги муншийхонасининг 1899 йил апрелдаги маълумотномасида қайд этилишича, биргина 1898 йилнинг

<sup>323</sup>ЎЗР МДА. 1-фонд. 5-руйхат. 295-иш. 84-варак

<sup>324</sup>Использование семян хлопчатника в Средней Азии. – СПб., 1914. – С.6.

<sup>325</sup>Юкоридаги манба. – С.12

Ўзида Самарқанд вилоятида 22 та пахта тозалаш заводи ишга туширилган<sup>326</sup>. Ушбу корхоналарда жами 1294591 пуд тола ишлаб чиқарилган<sup>327</sup>.

Воҳада заводлар қурилиши натижасида кўплаб шахарликларни иш билан таъминлаш имконини берган. 1900 йили Самарқанд вилоятида икки сменада фаолият кўрсатган заводларда ҳар сменада 399 киши иш билан банд бўлган.

Бундан ташқари, ушбу корхоналарда 82 киши кунбай тарзда ишлаган. Заводларнинг 8 таси Самарқанд уездида, 6 таси Каттақўрғон уездида жойлашган эди. Корхоналарнинг умумий қиймати 3000–6000 рубл атрофида эди<sup>328</sup>. Улар орасида «Ярославль Катта мануфактураси», «Рус пахтачилари ширкати», Миндер, Югович ва бошқа тадбиркорларнинг заводлари мустақкам моддий базага эгаллиги. Ўша даврнинг юқори техник талаблари асосида қурилганлиги билан ажралиб турган.

Воҳада пахта заводлари билан бир қаторда бошқа турдаги саноат корхоналарининг сони ҳам кўпайди. 1904 йили 11 декабрда Самарқанд вилояти ҳокими талабига биноан назоратчи-механик тақдим этган маълумотда вилоятдаги мавжуд саноат корхоналарининг сони ва уларнинг эгалари номлари аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган. Ушбу маълумотга кўра, 5 йил ичида пахта тозалаш заводлари 4 тага кўпайиб, уларнинг жами сони 26 тага етган. Бундан ташқари, 22 та вино, 2 та пиво заводи, кўрғошин, шиша заводлари, 4 та йирик тегирмон, типография ишлаб турган<sup>329</sup>. Бу рақамлар вилоятда саноат маҳсулотларига талаб муттасил ортиб, саноат ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб борганлигидан далолат беради. Маҳаллий саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва четдан капитал кириб келиши туфайли ўлкада бозор муносабатларининг тараққий этиши учун зарур шарт-шароитлар пайдо бўлган.

Воҳага капиталистик муносабатларнинг кириб келиши, саноат ишлаб чиқаришнинг тезлашишига олиб келди. Маҳаллий ва

<sup>326</sup>ЎЗР МДА. И-1-фонд. 11-руйхат. 1163-иш. 50-варақ.

<sup>327</sup>ЎЗР МДА. И-1-фонд. 11-руйхат. 1163-иш. 51-варақ.

<sup>328</sup>ЎЗР МДА. И-1-фонд. 11-руйхат. 1163-иш. 51-варақ.

<sup>329</sup>ЎЗР МДА. И-18-фонд. 1-руйхат. 7367-иш. 2-варақ; И-1-фонд. 11-руйхат. 1163-иш. 50-варақ.

европалик тадбиркорларга тегишли кўпгина саноат корхоналарига ёлланма меҳнатнинг кенг жорий этилиши туфайли хусусий капиталдан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

XIX аср охирларида Зарафшон воҳасида иш бошлаган рус савдо-саноат буржуазияси ва у билан ҳамкорлик қилган хориж сармойеси воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Зарафшон воҳасида рус ва европа капитали ёрдамида иш юритаётган савдо буржуазиясидан ташқари, маҳаллий ҳунармандлар, савдогарлар орасидан етишиб чиққан йирик мулкдорлар ҳам кўпайиб борди. Самарқандлик савдогар Сулаймон Эшонқулов шаҳарнинг 7 та бозоридаги ўзига тегишли савдо нуқталарида асосан гуруч, буғдой, ун, тамаки, турли хил буюклар, арпа ва ипак маҳсулотлари билан савдо қилган. Йиллик савдо айланмаси 49885 рублни ташкил этганлиги ҳам Сулаймон Эшонқуловнинг тижорат соҳасидаги фаолияти нечоғли салмоқли бўлганлигини тасдиқлайди<sup>330</sup>. Шу шаҳарлик бошқа бир савдогар Мулла Назар Эрназаровнинг йиллик савдо айланмаси 22192 рублдан иборат бўлган<sup>331</sup>. Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги волостларда жойлашган 25 та бозорда ўз савдо нуқталарига эга бўлган савдогар Мулла Ҳасан Абдиқодиров эса бир йил давомида жами 39812 рубл ҳажмда олди-сотди ишларини амалга оширган<sup>332</sup>.

1895 йилда нашр этилган «Самарқанд вилоятининг маълумотлар китобчаси»да воҳада фаолият юритган савдо вакилларининг номлари бирма-бир санаб ўтилган. Хусусан, Самарқанд шаҳрининг янги шаҳар қисмидан Ф.Н.Ханин, Я.И.Сидоров, Ф.М.Пияниснов; эски шаҳар қисмидан Мавлонбой Тошмуҳаммедов, Шамсиддин Ҳошимов, Убайдуллаев, Мўминжон Муллажонов, Абдурасул Бобожонов, Муҳаммадюсуф Турдибоев, Исмоил Ҳожиев, Мирзокир Қурбонбоев, Юсуф Оқилов, Муҳаммадсодиқ Шарипов, Муҳаммадаваз Ражабмуҳаммедов, Каттақўрғондан Абдухалил Абдукаримов, Абдухалил Мўминжонов ва Ёқуб Сулаймоновлар ана шу рўйхатга киритилган<sup>333</sup>. Бундан ташқари, Абдухамид

<sup>330</sup>ЎзР МДА. И-1-фонд. 13-руйхат. 1067-иш. 330-варақ.

<sup>331</sup>ЎзР МДА. И-1-фонд. 13-руйхат. 1067-иш. 330-варақ.

<sup>332</sup>ЎзР МДА. И-1-фонд. 13-руйхат. 1067-иш. 330-варақ.

<sup>333</sup>Справочная книжка Самаркандской области на 1895г. вып III. – Самарканд, 1895. – С.35.



бойвачча Абдукарим. Баҳри бойвачча ўзларининг шахсий кун заводларига эга бўлишган. Усмон бойвачча чарм заводининг хўжайини бўлган. Тадбиркор хунарманд Шокиржон Ниёз 20 та шойи ва 2 та жун тўқиш машиналари бўлган корхона эгаси эди<sup>334</sup>. Бундан ташқари, улгуржи савдо килувчи Орифжонбой, Муҳаммад Раҳимбой, Хужа Абдусалимбой, Ахмаджонбой, Юлданбой, Муминжонбой каби янги савдогарлар қатлами етишиб чиқди<sup>335</sup>.

Миллий буржуазиянинг вужудга келиши бир томондан, объектив тарихий тараққиёт натижаси бўлса, иккинчи томондан, воҳага рус савдо ва банк капиталининг кириб келиши билан бевосита боғлиқ эди. Ўша даврда Азов-Дон банкининг Самарқанддаги бўлими пул муомаласи умумий ҳажми бўйича Тошкент бўлимидан анча устун турган. Самарқанд вилоятида пахта майдонлари нисбатан кам бўлишига қарамай, юқоридаги банкнинг Самарқанд бўлими томонидан пахта операцияларига сарфланган маблағ миқдори 48,2 фоизни ташкил этар эди<sup>336</sup>. 1900 йилда Рус-Хитой банки Самарқанд бўлимининг умумий маблағ айланмаси 3 млн. рублни ташкил этганлиги ҳам эътиборга лойиқ<sup>337</sup>.

Воҳадаги йирик тадбиркорлардан бири ҳисобланган Самарқандлик савдогар Хусаинов ўзига тегишли тери ошлаш корхонасидан йилига 120.000 рубл даромад олган. Корхона маҳсулотлари Россия ва ғарбий Европа давлатларига чиқарилган<sup>338</sup>. Самарқандлик тадбиркор хунарманд Хўжа Латиф Уста Ҳасанов шаҳарда замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган ипакчилик корхонасини барпо этади. Мазкур корхонада 12 нафар ишчи меҳнат қилган. Бу ерда тайёрланган 12 аршин ипак газламанинг таннари 5 рубл 50 копеек бўлиб, сотилиш баҳоси 6 рубл 50 копеекни, бозор нархи эса 7 рублни ташкил қилган. Тадбиркор хунарманд Хўжа Латиф бундан ташқари, Чўпонотага ёндош Гулбон қишлоғидаги 60 таноб ерининг ярмини маҳаллий аҳолига ижарага бериб, ундан

<sup>334</sup>Адрес календарь Самаркандской области на 1897 г. - Самарканд. 1897. - С. 162.

<sup>335</sup>Путеводитель по Туркестану и Средний азиатский железной дороги. - СПб., 1903. - С. 322.

<sup>336</sup>Авачова Ҳ. Ш. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда банк ва фирмаларнинг ривожланиши. Тарих. фан. номз. дисс... - Тошкент, 1997. - Б. 89.

<sup>337</sup>Обзор Самаркандской области за 1900г. - Самарканд. 1901. - С. 37

<sup>338</sup>Обзор Самаркандской области за 1891г. - Самарканд. 1892. - С. 16

ҳам йилига 700 рубл фойда олган<sup>339</sup>. Каттақўрғон уездига яшаган савдогар Мирҳикмат Мирсолиҳов «Ўрта Осиё ва Эрон савдо ширкати» билан ҳамкорликда бу ерда етиштирилган пахта хом ашёсини арзон нархларда харид қилиб, кейинчалик уни қиммат баҳоларда сотиш орқали катта фойда ола бошлаган<sup>340</sup>.

Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига талаби жуда юқори эди. Аммо воҳада парваришланган қўйлар аҳолининг гўштга бўлган талабини тўла қодира олмасди. Дарвоқе, ўша даврда қўйчилик — чорвачилик соҳасининг энг сердаромад тармоғи ҳисобланган. Мисол учун, 1879 йили биргина Ургут уездининг ўзидан қўйчиликдан олинган умумий даромад 8000 рублни ташкил этган бўлса, бу ерлик соҳибкорлар ўртача 300 рублдан соф даромад олган<sup>341</sup>. Гўшт савдоси билан шуғулланувчилар чорва моллари етказиб берган чорвадорлар «қўй жаллоблари» деб аталган. XIX аср охири–XX аср бошларида Ўртаҷўлнинг Хужум кишлоғидан Хушвақт Карвон, Тошқин Карвон, Тарикпоя кишлоғидан Баркабой, Оқтунли кишлоғидан Дониёрбой, Тонготарбойлар қўй даллолиги билан шуғулланишган<sup>342</sup>. Улар ҳар гал Ғузор, Қарши ва ҳатто Афғонистондан 300–1000 бош қўй олиб келиб, воҳа бозорларида пуллаганлар. Г.А.Арандаренко маълумотларига қараганда, Зарафшон воҳасидаги шаҳар ва кишлоқлар аҳолиси томонидан ҳар йили ўртача 6000 бош қўй бўрдоқига боқилган. Бунинг учун жами 78000 рубл харажат қилиниб, 42000 рубл фойда олинган<sup>343</sup>.

Чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган йилқичилик ҳам воҳа кишлоқ хўжалигида азалдан катта мавқега эга бўлган. Воҳада йилқининг қорабайир тури анча кенг тарқалган. Айрим бадавлат чорвадорлар 50–200 бош, ҳатто ундан ҳам кўпроқ йилқига эга бўлишган. Чунончи, Жом чўлининг Омондара кишлоғида яшаган Хатиббой Мирзаалиевнинг 150 тадан ортиқ йилқиси бўлган<sup>344</sup>. У воҳанинг турли шаҳарларида зотдор от савдоси билан шуғулланган.

<sup>339</sup>Розвадовский В. К. Кустарные промыслы в Туркестанском крае. – Ташкент, 1916. – С. 8,9

<sup>340</sup>Обзор Самаркандской области за 1897г. – Самарканд, 1898. – С. 38

<sup>341</sup>Арандаренко Г. А. Досуги в Туркестане 1874–1892 гг. – СПб., 1889. – С. 86.

<sup>342</sup>Тошев Х. XIX аср охири XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. – Тошкент, 1987. – Б. 56.

<sup>343</sup>Арандаренко Г. А. Досуги в Туркестане 1874–1892 гг. – СПб., 1889. – С. 107.

<sup>344</sup>Тошев Х. XIX аср охири XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 57.

Воҳанинг чорвачиликка ихтисослашган ҳудудларида катта-катта яйловлари бўлган мулкдор бойлар етишиб чиқди. Масалан, XX аср бошларида Қарнаб чўли ҳудудида Иброҳимбой, Юнусбой, Отақўзибой каби бойларнинг улкан яйловлари ва беҳисоб чорва моллари мавжуд бўлган<sup>145</sup>. Омондара қишлоғида яшаган Ҳайитбойнинг 4000 бош қўй-эчкиси, 150 та йилкиси, 60–70 та туяси, Жом қишлоғида истиқомат қилган Бутунбойнинг эса 3500 бош қўй-эчкиси бўлган. Хоной қишлоғидан Бобошербой, Мулламелиқулбой, Жонибой, Тим қишлоғидан Худойберди оқсоқолларнинг ҳар бири 2–3 сурув қоракўл қўйларга, бир неча ўн бошдан туя ва жами 100 бошга яқин йилкига эга эдилар<sup>146</sup>.

Хуялас, ўрганилаётган даврда савдо ва судхўрлик, ер эгаллиги, чорвачилик тармоқлари орқасидан етишиб чиққан маҳаллий мулкдорлар Зарафшон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида катта мавқега эга эдилар. Лекин бундай тоифадаги мулкдорларнинг қанчалик кўпаймасин, воҳанинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида етакчи мавқега эга бўла олмадилар. Россия империясининг манфаатлари маҳаллий мулкдорларнинг бирлашишига имкон бермас эди. Маҳаллий мулкдорларнинг реакцион моҳияти унинг ўз юртдошларини эзиш орқали кўпроқ бойлик орттиришга интилишида яққол намоён бўлди. Шунингдек, маҳаллий мулкдорлар бозор муносабатларининг ташкилотчисига айланолмаган бўлсалар-да, аммо воҳада савдо ва тадбиркорлик ривожига катта ҳисса қўшдилар.

### 3.2. Воҳада ҳунармандчилик, тадбиркорлик ишларининг жонланиши

1868 йилдан эътиборан Зарафшон воҳасининг юқори қисми Россия империяси мустамлакасига айлантирилган воҳада иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлмиш ҳунармандчилик ва ҳунармандлар аҳволи ҳавас қиларли даражада эмас эди.

<sup>145</sup>Қудратиев Н.М., Вейнблум С.А. Илғор қоракўлчи колхоз. – Тошкент, 1955. – Б.3.

<sup>146</sup>Толев Х. XIX аср охири XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг ҳужалиги ва ижтимоий турмуши. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.57.

Чор Россиясининг ўлкада юритган иқтисодий-сиёсий сиёсати бундай касб эгаларини ночор ҳолга солиб қўйган эди. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср бошида Зарафшон воҳасида саноат ишлаб чиқариш асосан аҳолининг маиший эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи майда хунармандчиликдан иборат бўлган.

Кези келганда, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Зарафшон воҳасининг Туркистон генерал-губернаторлиги тасарруфидаги худудларида юритилган мустамлакачилик сиёсати, Россиядан воҳадаги қимматбаҳо хом ашё турларини ташиб кетишда қўл келадиган енгил ва оғир саноат воситаларининг кириб келиши маҳаллий хунармандчиликнинг кейинги тақдирига салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, бироқ унинг айрим тармоқларида ижобий ўзгаришларга ҳам сабаб бўлди. Тўқимачилик хунарини ана шундай тармоқлар сирасига қўшиш мумкин. Бу даврда оддий дастгоҳларда тўқилган матолар юқори сифатга эга бўлганлиги учун уларнинг бозори чакқон бўлган. XIX аср охирларида бундай корхоналарнинг тўқув дастгоҳлари замонавий ускуналар билан алмаштирила бошланган. Самарқандлик усталар сифатли мато тайёрлаш мақсадида асосан Москвадаги «Малютин К» мануфактурасида йигирилган ипларни харид қилишган<sup>347</sup>.

Самарқанд асрлар мобайнида тўқимачилик хунарининг марказларидан бири бўлган. Бу ерда тўқилган газламалар бадий жиҳатдан юксак даражада эканлиги, тўқувчи хунармандларнинг кўп йиллик тажриба ва бой халқ анъаналарига эга бўлганлигидан гувоҳлик беради. 1869 йил Самарқанд шаҳрида 881 та тўқувчилик, 42 та бўёкчилик корхоналари бўлиб, уларнинг маҳсулотлари 228 та дўконда сотилган. 1870 йилга келиб, шаҳарда 893 та тўқувчилик, 47 та бўёкчилик устахоналар ишлаб турган. Шу йили Самарқандда 31 та дастгоҳда 110–112 минг аршин (1 аршин 72,12 см га тенг) кундал (зар ип қўшиб тўқилган қимматбаҳо шойи мато), 200 дастгоҳда 360 минг аршин дока, 100 дастгоҳда фата (шаффоф ок рўмол) тўқилган. 1872 йили шаҳарда 32 та атлас тўқийдиган корхона бўлган<sup>348</sup>. Самарқандлик машҳур шойи ва духоба тўқувчи Мирзо Абдулло Бухорийнинг корхонасида 12 та дастгоҳда, Шокир

<sup>347</sup>Қураҳмедов А. Самарқандлик хунармандлар. // Фан ва турмуш. 2000. – №5. – Б.24

<sup>348</sup>Бойтиллаев Р. Тўқимачилигимиз тарихидан. // Mahalla. 2007. – № 1 (551).

Ниёзининг корхонасида эса 10 дастгоҳда сифатли, нафис шойи ва духобалар тайёрланган. Каттақўрғон шаҳрида 298 та чит, бўз ва олача тўқийдиган хунармандчилик корхоналари бўлган<sup>349</sup>.

Бу даврда тўқувчи қўл дастгоҳида кунига 17–18 соатдан ишлаб, ўртача 4–8 аршин (1 аршин 72,12 см га тенг) мато тўқиган ва бунинг эвазига жуда кам миқдорда ҳақ олган<sup>350</sup>. Самарқанд уездига қарашли Янгиқўрғон қишлоғи ва Суғут тумани аҳолисининг маълум қисми қишлоқ хўжалиги соҳасидан ажралган ҳолда, ҳар хил газламалар ҳамда гилам тўқиш, аркон, қоп тайёрлаш ва шунга ўхшаш хунарлар билан машғул бўлишган<sup>351</sup>. Ургутнинг турли гузарларида 95 киши тўқимачилик билан шуғулланган. Ургут бозорида 150 га яқин дўкон асосан тўқимачилик маҳсулотлари билан савдо қилган<sup>352</sup>.

Маълумотларга кўра, 1888 йили Самарқанд уездида 2285 та тўқувчилик, Каттақўрғон уездида эса 1349 та тўқувчилик корхоналари мавжуд бўлган<sup>353</sup>. Зарафшон воҳаси қишлоқларида эса тўқимачилик билан бирга каштачилик, чеварлик турлари анча ривожланган. Ургут қишлоқларида истиқомат қилган чеварлар жойнамоз ва қайиқчаларга босма чек билан кашта солишган. Улар яратган “ургути” деб номланувчи тикиш услуби воҳа бўйлаб кенг тарқалган<sup>354</sup>. Ургут ва Каттақўрғонда олача, Челак, Пайшанбада қалами, Самарқанд атрофидаги қишлоқларда чолма ва белбоғ учун фата, Даҳбед, Янгиқўрғон ва бошқа қишлоқларда эса хоса (астар) дока тўқилган<sup>355</sup>. Самарқанд шаҳри атрофидаги қишлоқлар аёллари пахтали тўнлар тикишга жуда моҳир бўлишган. Эркаклар эса ип-газламадан салла-дока тўқиганлар<sup>356</sup>. Зарафшон қипчоқлари воҳа аҳлига жун газламали (шол, гилам, кигиз, хуржун)

<sup>349</sup>Юкоридаги манба.

<sup>350</sup>Неровский В. И. Обзор Ян-Курганский волости Самаркандского уезда в экономическом и бытовом отношениях. // Туркестанский сборник. Т 527. – С. 167

<sup>351</sup>Юкоридаги манба. – С. 167

<sup>352</sup>Семенова П. П. Очерк Зерафшанский край и Самарканд. // Живописная Россия. Т. 10. – СПб., 1885. – С. 271.

<sup>353</sup>Список населенных мест в уездах Самаркандской области за 1888г. // Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887–1886г. Вып 1. – Самарканд. 1890. – С. 148,207

<sup>354</sup>Каталог вышивок Узбекистана. – Ташкент, 1976. – С. 24,46

<sup>355</sup>Требенки А. Ремесленная деятельность таджиков Зерафшанского округа. // Материалы для статистики Туркестанского края. вып. 2. – СПб., 1873. – С. 511

<sup>356</sup>Абдуллаев Т. А., Ҳасанова С. А. Одежда узбеков. – Ташкент, 1978 – С. 6, 15, 16.

маҳсулотлар етказиб беришган<sup>357</sup>. Тадқиқотчилар Зарафшон воҳасининг Самарканд, Ургут ва Каттакўрғон шаҳарларида оз бўлса-да олача матолар тўқилганлигини таъкидлашган. Хусусан, Ургутда тайёрланган 16 газ ўлчамдаги олача 80 копеекдан 1 рубл 20 копееккача, ана шунча узунликдаги Каттакўрғон олачаси эса 2 рубл 40 копеекдан нархланган. Четдан келган олача матолари 6–8 рубл атрофида баҳоланган. Безакли Бухоро олачаси 1 рубл 60 копеекдан 2 рубл 40 копееккача, оддий Бухоро олачаси эса 60 копеекдан 1 рублгача сотилган<sup>358</sup>. Айниқса, Ургутда тўқилган олача воҳада жуда машхур бўлган. Зеро, бу мато шимолда Туркистон шаҳридан, жанубда Мозори Шарифга қадар кириб борган<sup>359</sup>. Умуман, юқорида келтирилган мисоллардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Самарканд ва Ургутда тайёрланган олача матолар анча пишиқ ва арзон бўлганлиги сабабли оддий қишлоқ одамлари орасида талаб катта бўлган. Ургут тўқимачилари Шаҳрисабз, Ҳисор ва Юқори Амударё худудларига бориб, олача билан савдо қилишган<sup>360</sup>.

«Пари пашша» деб юритилган мато тури ҳам воҳада кенг тарқалган эди. Бу атама пашшанинг пари, яъни қаноти деган маънони англатади. «Пари пашша» бошқа матоларга нисбатан юпка ва шу боис анча юмшоқ бўлган. «Пари пашша»дан аёллар учун паранжи ва эркаклар учун тўн тикилган<sup>361</sup>.

Қалами матоси асосан Зарафшон воҳасининг Челак, Пайшанба Каттакўрғон, Даҳбет, Ургут худудларида тўқилган. Унинг йўл-йўл (чизикли) кўринишга эга бўлган энсиз газламаси оқ, кўк, қизил ва бошқа рангли иплардан тайёрланган. Бу матонинг 16 гази (14 метр 40 см. дан 15 метргача) бозорларда 1 рубл 40 копеекка баҳоланган<sup>362</sup>. Қалами матосидан асосан устки кийим-бошлар ва кўрпа-ёстик жилдлари тикилган.

<sup>357</sup>Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент, 1974. – С. 206,207

<sup>358</sup>Гребинкин А. Ремесленная деятельность таджиков Зерафшанского округа. // Материалы для статистики Туркестанского края. вып. 2. – СПб., 1873. – С. 512.

<sup>359</sup>Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма: Самарканд (2-я половина XIX–начало XXв.). – М., 1982 – С. 27,28.

<sup>360</sup>Гребинкин А. Ремесленная деятельность таджиков Зерафшанского округа. // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып II. – СПб., 1873. – С. 512

<sup>361</sup>Гребинкин А. Ремесленная деятельность таджиков Зерафшанского округа. // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып II. – СПб., 1873. – С. 512

<sup>362</sup>Юқоридаги манба. – С. 512

Алак деб номланувчи маго тури ҳам қалами сингари йўл-йўл шаклли, қалин мато бўлиб, у кўпроқ Ургут, Самарқанд, Каттакўрғон шаҳарлари атрофларида, оқ, кўк, қизил ранглар билан бирга тўқ яшил, сариқ, қора тусли иплардан тўқилган. Маҳаллий аҳоли алакдан чопон тикишда, айрим ҳолларда эса устки кийим-бош ва кўрпа-тўшаклар тайёрлашда ҳам фойдаланишган. Унинг 16 гази Ургутда 80 копеекдан 1 рубл 20 копеекча, Каттакўрғонда 2 рубл 40 копеекча баҳоланган. Усталар бир кунда 8 газ (7 метр 20–25 см) гача алак тўқишган<sup>363</sup>.

Астар матоси эса алакка ўхшаш йўл-йўлли ёки панжарасимон кўринишга эга бўлиб, асосан пахтанинг табиий рангида (оқ, малла), айрим жойларда (хусусан, Каттакўрғонда) кўк, яшил иплардан тўқилган. Астар асосан кийимларнинг ички қисмига ишлатилган. Бўз матоси ҳам оқ ёки малла тусли табиий пахта рангида бўлиб<sup>364</sup>, маҳаллий аҳолининг устки кийим-бошлари, кашта ва шунга ўхшаш буюмлар учун газлама сифатида хизмат қилган. Унинг ҳар аршини (олчини) бозорда 4 копеекдан 11 копеекча баҳоланган<sup>365</sup>.

Даҳбет ва Янгикўрғон кишлоқларида дока матоси кўпроқ тўқилган бўлиб, у оқ тусдаги бўз мато ҳисобланган<sup>366</sup>.

Зарафшон воҳасининг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги ҳудудларида пахта ва ипакдан ташқари, жундан ҳам ажойиб тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланган. Жундан асосан гилам ва наमतлар тайёрланган. Гиламдўзлик, наमतдўзлик Зарафшон воҳасидаги кишлоқлар аҳолиси ҳаётида катта аҳамиятга эга эди. Самарқанд уездининг Қорақалпоқ волостида, Каттакўрғон уездининг Чимбой, Жом, Ёрбоши волостлари<sup>367</sup> гиламдўзликка ихтисослашган. Ушбу ҳунар турлари билан асосан чорвачилик билан шуғулланган кишлоқларнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолиси машғул бўлган<sup>368</sup>. Улар жундан «қоқма», «араби» ва «ҳоли»

<sup>363</sup>Юкоридаги манба; Турдиев М. Етти ўлчаб бир кес. – Тошкент, 1974. – Б.13

<sup>364</sup>Народов Средней Азии и Казахстана. В 2т. – М.: Изд-во АН СССР, 1962. II т. – С. 239.

<sup>365</sup>Обзор Самаркандской области за 1889 год. – Самарканд, 1891. – С. 12.

<sup>366</sup>Гребницкий А. Ремесленная деятельность таджиков Зерафшанского округа. // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып II. – СПб., 1873. – С. 512.

<sup>367</sup>Семенов А. Ковры Русского Туркистана. // Этнографическое обозрение. – М., 1911. – №1-2. – С.150.

<sup>368</sup>ЎЗР МДА. 1-фонд. 12-ёзув. 560-иш, 199-варак.

(патли) гиламлар тўқишиб, наMAT тайёрлаганлар ва аркон эшганлар<sup>369</sup>. Зарафшон воҳасидан темир йўл ўтказилгач, қишлоқларда тайёрлаган жун газламалар Россия ва Шарқ мамлакатлари бошқа ўлкаларнинг бозорларига ҳам чиқарилган. Ўша даврларга оид статистик маълумотларда 1887 йили Самарқанддан 3740 пуд (38416 рубллик) маҳаллий жундан тўқилган маҳсулотлар ташки бозорга чиқарилганлиги қайд қилинган<sup>370</sup>.

Тадқиқотчи В. Г. Мошкованинг маълумотларига қараганда, шу даврда жун тўқимачилиги билан ўзбекларнинг тўқли, минг, найман, кутчи, баҳрин, хитой, қипчоқ, митан, туркман уруғлари шуғулланишган ва ушбу машғулот уларнинг ҳаёт тарзида муҳим ўрин тутган<sup>371</sup>. Маҳаллий қишлоқларда тўқилиши усули ва шаклига кўра бир-биридан фарқ қилувчи терма, қоқма, гождари, шолча ва жўлхиро каби гилам турлари мавжуд бўлган. Терма гилам нақши унинг ипларини санаб териб, арқов ўтказиш орқали тўқилган. Бундай гиламлар жун ва пахта иплардан аралаштирилиб тўқилган. Бозорда бундай турдаги гиламнинг 4x2,5 метр ҳажмдагиси 40 рублга баҳоланган<sup>372</sup>.

Воҳада хонаки арқондўзлик ҳунари ҳам кенг тарқалган. Аркон бир қанча иплар эшилиб, ўзаро бирлаштирилган ҳолда тайёрланган йўғон ип бўлиб, асосан чорва моллари учун ишлатилган<sup>373</sup>. Арқондўзлик ҳам ўзига хос санъат бўлиб, уни тайёрлашда кўпчилик оила аъзолари иштирок этган<sup>374</sup>.

Россия империясининг мустамлакасига айлантирилган Зарафшон воҳаси ҳунармандлари XIX аср охири–XX аср бошларида матоларга ранг бериш ишига ҳам ўзига хос тарзда ёндашишган. Айниқса, бу даврда ипак матоларга ранг бериш усули яхши ривожланган эди. Ипакли ипларга бериладиган ранглар кўпинча табиий ўсимликлардан олинган. Қизил, кўк, зангори

<sup>369</sup>ЎзР МДА. 1-фонд, 12-ёзув, 12-иш, 84, 104, 108, 109, 116-варақлар.

<sup>370</sup>Сборник материалов для статистике Самаркандской области за 1887–1888 гг. – Самарканд, 1890. – С. 116

<sup>371</sup>Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии в конце XIX–начале XX вв. – Ташкент: Фан, 1970. – С. 49

<sup>372</sup>Розвадовский В.К. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. – Ташкент, 1916. – С 35

<sup>373</sup>Скворцов А. Кустарные промыслы в среднеазиатских республиках в прошлом и настоящем. //Народное хозяйства Средней Азии. 1925. – № 10-11. – С. 65-66

<sup>374</sup>Гребенкин А. Узбек. //Русский Туркестан. – М., 1927. – С. 92.



ранглар ҳосил қилиш учун эса Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлардан келтириладиган “нил” деб номланувчи қотишма куқунидан фойдаланилган<sup>375</sup>. Уни “нилбўёқ” ҳам деб аташган<sup>376</sup>.

XIX аср охирларига келиб, Зарафшон воҳасининг мустамлака қисмида тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларига замонавий нақш бериш одатга айланган<sup>377</sup>. Натижада воҳа тўқимачилик маҳсулотлари ички бозорда четдан келтирилган саноат молларини сиқиб чиқара бошлади. Биргина Самарқанд ҳунармандлари 1892 йили 3.145.620 рубллик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришган, бу 1891 йилга нисбатан 78.490 рубл кўп бўлган<sup>378</sup>. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг сифатлиги туфайли четга чиқариш ҳажми ошиб борган. Бу жараён Самарқанд вилоятида тўқимачилик корхоналарининг йилдан-йилга кўпайишини таъминлади. Шу сабабли XIX аср охирига келиб, вилоятда тўқимачилик бутун ҳунармандчиликнинг 55,8%ини ташкил қилган.

Тўқимачилик маҳсулотларига талабнинг ошиб бориши натижасида уни саноат усулига ўтказиш ҳақида талаблар туша бошлаган. Бироқ бундай талабларга ҳукумат томонидан рад жавоби берилган. Жумладан, 1913 йили Самарқандда тўқимачилик фабрикасини куриш масаласи кўтарилганда, генерал-губернатор А.Самсонов: “Ўлкада ип-йиғириш ва ип-газлама тўқийдиган фабрика саноатини тараккий қилдиришнинг зарарли томони бор, у марказий Россиянинг тўқимачилик саноатига путур етказди” – деб рад жавобини берган<sup>379</sup>.

Зарафшон воҳасининг юқори қисмида қадимдан металлга ишлов бериш яхши йўлга қўйилган машҳур ҳунарлардан бири эди. Металл билан боғлиқ ҳунарлар сирасига кирувчи темирчилик, чўянгарлик, мистгарлик, заргарлик соҳалари асрлар давомида такомиллаштириб борилди. Саёҳатчи Л. Костенконинг 1870 йилга оид маълумотларига қараганда, бу даврда Самарқандда 77 та

<sup>375</sup>Краузе И. Заметка о красильном искусстве туземцев. //Русский Туркестан. вып. 2. – М., 1872. – С. 210.

<sup>376</sup>Морозова А.С. Декоративная машинная вышивка. – Ташкент: Гослитиздат. 1960. – С. 27

<sup>377</sup>Кирпичников Н.А. Краткий очерк некоторых туземных промыслов в Самаркандской области. В.кн.; СКСО. Вып. V. – Самарқанд, 1897. – С. 156

<sup>378</sup>Обзор Самаркандской области за 1892 г. – Самарқанд: Изд. СОСК. 1893. – С.126, 18

<sup>379</sup>Туркестанские ведомости. 1913, 7 май.

темирчилик. 12 та металл қўйиш устахоналари мавжуд бўлган<sup>380</sup>. Д. Иванов<sup>381</sup> ахборотига қўра эса 1872 йили шаҳардаги темирчилик устахоналари сони 130 тага етган.

Темирчи ҳунармандлар асосан ички бозор учун турли хил ҳажмдаги мих металл буюмлар тайёрлашган<sup>382</sup>. Улар ушбу қимматли хом ашёни россиялик ва маҳаллий савдогарлардан ҳар бир пудини ўртача 3 рублдан харид қилишган<sup>383</sup>. Темирчи ҳунарманд бир ойда ўртача 8–10 пудгача темирни қайта ишлаб, ундан турли хилдаги зарурий ашёлар ясаган. Қиш ойларида, айниқса, тақачи усталарнинг иши жуда қизғин кечган. Темирчилар бир кунда 1 пудгача (30 копеек)<sup>384</sup> кўмир ишлатишган. Чўян ва мис эритиш билан боғлиқ ҳунарларда эса кўмрдан ташқари маҳаллий ёғочлар, арча ва саксовуллардан ҳам фойдаланилган. Темирчи ҳунармандлар бир йилда ўртача 60 кундан ортиқроқ дам олишган. Ушбу омил эътиборга олинган ҳолда хом-чўт қилинадиган бўлса, улар йил давомида 300 пудгача кўмир, 100–120 пудгача темир ишлатганликлари ойдинлашади.

Темирчи кўпинча ўз маҳсулотини вофурушларга сотишни маъқул кўрган. Чунки бу усул унга ҳар жиҳатдан қулай бўлиб, вақтини ҳам тежаган. Баъзи ҳолларда тақачи усталарнинг ўзлари мижозларининг отини тақалаб беришган. Айниқса, ушбу жараёни Зарафшон воҳаси қишлоқларида кўпроқ учратиш мумкин эди. Эшик учун мўлжалланган темир занжирлар 10–15 тийиндан, арава гилдираги учун ясалган металл ҳалқа 15 копеекдан сотилган. Бу даврда тайёрланган бир дона кетмон 1 рубл 60 копеек, теша 40 копеек, оддий ўроқ 15 копеек, бугдой ўроғи 20 копеек, болға 30 копеекдан 1 рубл гача баҳоланган. Темирчи уста ишлаб топилган фойда ҳисобидан шогирдларига ойига 4–5 рублгача ҳақ тўлаган<sup>385</sup>. Зотан, темирчи бир йилда ўртача 450 та кетмон тайёрлаган, бу эса пулга ҳисоблаганда ўртача 720 рублни ташкил этади. Даромадни

---

<sup>380</sup>Костенко Л. Описание путешествия русской миссии в Бухару в 1870г. // Военный сборник. №12. – СПб., 1870. – С.391.393

<sup>381</sup>Иванов Д. Русская земля Самарканд. // Беседа. 1872, – № 67. – С. 68,71

<sup>382</sup>Юкоридаги манба.

<sup>383</sup>Бродовский М.И. Технический производство в Туркестанском крае – СПб., 1875. – С. 47,48

<sup>384</sup>Бродовский М.И. Технический производство в Туркестанском крае – СПб., 1875. – С. 47,48

<sup>385</sup>Юкоридаги манба. – С.129

харажатга бўладиган бўлсак, шундан тахминан 350 рубл металл сотиб олиш учун, 100 рубл кўмир харид қилиш учун сарфланса, 370 рубли эса темирчи устанинг ўзига қолган. У ана шу маблағ ҳисобидан икки нафар шогирдининг (аксарият темирчи усталар кўл остида икки нафар шогирд меҳнат қилган) ҳар бирига йилига ўртача 50 рублдан маош тўлаган. Бундан ташқари, солиқ тўловлари учун ҳам унча-мунча маблағ сарфлашига тўғри келган. Хуллас, барча сарф-харажатлар чегириб тапланганда, устанинг йиллик соф даромади ўртача 200 рублни ташкил қилган.

Ургут шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда асосан пичоқчилик ва турли ҳажмдаги покилар тайёрлаш ривожланган эди<sup>386</sup>. Пичоқчи уста бир кунда ўртача 8 та одмироқ пичоқ ясаган. Бу касб эгалари маҳаллий бозорлардан бир пуд пўлатни 3 рубл 60 копеекдан, шунча миқдордаги темирни эса 3 рублдан харид қилишган. Пичоқчилар йилига ўртача 30–40 пуд пўлат, 20–30 пуд темир ва 100 пудгача кўмир сотиб олишган<sup>387</sup>.

Бу даврда бозорларда ўртача пичоқ 20 копееккача, поки 30 копееккача сотилган<sup>388</sup>.

1888 йил маълумотларига кўра, мустамлака Зарафшон воҳасида жами 17 та металл куйиш қозонлари рўйхатга олинган<sup>389</sup>. Ана шу устахоналардан 7 таси Каттақўрғон шаҳрида, 3 таси эса Самарқанд шаҳрининг эски шаҳар қисмида жойлашган, қолган қисми эса Самарқанднинг янги шаҳар ҳудудларида фаолият кўрсатар эди.

XIX аср охирларига келиб, воҳада металлга бўлган эҳтиёж мутгасил ўсиб борди. Бунинг натижасида четдан катта ҳажмда металл ва металл маҳсулотлари кириб кела бошлади. 1889 йилда биргина Самарқанд вилоятига Россиядан 4131 пуд мис ва темир хом ашёси олиб келинган. Шунингдек, шаҳарга рус саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган 523 пуд мис буюмлар, 4145 пуд ҳажмдаги темир ва пўлатдан ясалган буюмлар ҳам келтирилган<sup>390</sup>. Маҳаллий бозорларда металл хом ашёсининг

<sup>386</sup>Бродовский М.И. Технический производство в Туркестанском крае – СПб., 1875. – С. 130

<sup>387</sup>Юкоридаги маъба. – С. 131

<sup>388</sup>Кирпичников Н.А. Краткий очерк некоторых туземных промыслов в Самаркандской области. В кн.: СКСО. Вып. V – Самарканд., 1897. – С. 130.

<sup>389</sup>Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887–1888 гг. – Самарканд., 1890. – С. 43

<sup>390</sup>Обзор Самаркандской области за 1889г. – Самарканд. 1889. – С. 14, 15

сероблиги туфайли темирчилик соҳасида бирмунча жонланиш содир бўлди. Жумладан, 1889 йили Самарқандда фаолият кўрсатган 137 та темирчилик устахоналарида жами 13500 рубллик маҳсулот ишлаб чиқарилган<sup>391</sup>. Каттакўрғонда эса бу даврда 57 та темирчилик устахонаси мавжуд бўлиб, уларда 8000 рубллик маҳсулот тайёрланган. 1890 йил маълумотларига кўра, Самарқанд вилояти бўйича 259 та темирчилик устахонаси рўйхатга олинган. Уларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми эса 31350 рублни ташкил этган. Темирдан ишланган 1375 пуд (13750 рубллик) маҳсулот четга чиқарилган<sup>392</sup>. Бу даврда Самарқанддаги темирчилик устахоналари 140 тага етиб, уларда 14700 рубл маҳсулот тайёрланган бўлса, Каттакўрғондаги 64 та ана шундай турдаги устахоналарда 6400 рубл маҳсулот ишлаб чиқарилган<sup>393</sup>. 1891 йилга келиб Самарқанддаги темирчилик устахоналарининг сони 146 та (48800 рубл маҳсулот ишлаб чиқарилган)га етди. Каттакўрғонда эса бу кўрсаткич 74 та (21 300 рубл маҳсулот ишлаб чиқарилган)ни ташкил этди<sup>394</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, XIX аср охирларига келиб Зарафшон воҳасининг Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли бўлган ҳудудларида темирчилик Бухоро амирлиги тасарруфидаги ҳудудларга нисбатан сезиларли даражада ривожланди. Бунинг асосий сабабини Зарафшон воҳасининг ушбу ҳудудида капиталистик муносабатларнинг кириб келиши, ички ва ташқи савдо алоқаларининг жадаллашуви, аҳолининг металл буюмларга бўлган талабининг муттасил ошиб борганлиги билан изоҳлаш мумкин. Иккинчи томондан, воҳа бозорларига Россиядан кўп миқдорда металл келтирилиши ҳам бу борада катта аҳамият касб этди.

XIX аср охирларида Самарқандда мисгарлик касби яхши тараққий этди. Аслида, Самарқандлик ҳунармандлар мисга бадий ишлов бериш бобида қадимдан машҳур бўлишган. Бу даврда шаҳарга рус фабрикаларида тайёрланган маҳсулотларнинг кириб келиши ҳам мис буюмлар ишлаб чиқаришга ўз таъсирини ўтказди

<sup>391</sup>Юқоридаги манба. – С.39

<sup>392</sup>Обзор Самаркандской области за 1890 г. – Самарканд, 1892. – С.10,16

<sup>393</sup>Юқоридаги манба. – С.22

<sup>394</sup>Обзор Самаркандской области за 1891 г. – Самарканд, 1892. Приложения 2

олмади. Самарқанд мисгарлигида мавжуд бадий анъаналар сақланиб қолди. Бундай хусусиятлар, аввало, мис буюмлар шаклида. уларда қўлланган техникавий ва бадий безаш услубларида яққол кўзга ташланади<sup>395</sup>. Самарқанд кандакорлик буюмларининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, уларни пардозлаш чоғида бошқа вилоятлардагидан фарқли равишда гирдакчага ўхшаш чекма<sup>396</sup> қўлланилган. Мис буюмларининг нақшларида ҳам оригинал бадий характер изларини кўриш мумкин.

Бу даврда Зарафшон воҳаси хунармандчилигининг металл билан боғлиқ соҳалари ҳақида рус муаллифлари турлича фикрлар билдиришган. Уларнинг баъзилари ушбу касбларнинг «ибтидоий усул»ларга<sup>397</sup> асосланганлиги, унумдорлиги пастлиги ҳақида ёзишган бўлса, бошқалари Туркистоннинг турли минтақалари, айниқса, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида тайёрланган маҳсулотларга юқори баҳо беришган<sup>398</sup>.

XIX аср охири, XX аср бошларида Зарафшон воҳасининг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги худудларида майда хунармандчилик тармоқларидан бири бўлмиш заргарлик хунарлари ҳам тараққий этиб борди. 1870 йилги маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ўша йили Самарқандда 23 та тилла ва кумушдан буюмлар тайёрлайдиган устахоналар фаолият кўрсатган<sup>399</sup>. 1893 йили Самарқанднинг Эски шаҳар қисмида 20 та, Янги шаҳар (руслар яшаган) қисмида эса 2 та заргарлик устахонаси мавжуд эди<sup>400</sup>. Кейинги икки устахонада фаолият кўрсатган рус заргарлари эса ўз миллатдошларининг талабидан

---

<sup>395</sup> Абдуллаев Т. Художественные металлические изделия Самарканда. // Сб. Из истории искусства великого города. – Ташкент. 1972. – С. 252, 268

<sup>396</sup> Чекма – ҳар хил катта-кичик ҳажми нукталардан иборат бўлиб, мис идиш устига зарб қилинган нақшлар заминларини безайди. Чекма нақш чекув қалами билан бажарилади

<sup>397</sup> Бродовский М.И. Технические производства в Туркестанском крае. Приложение к промышленному альбому. – СПб., 1875. – С. 54; Пашиню П.И. Фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области. // Туркестанский сборник. Т. 16. – С. 275, 276

<sup>398</sup> Симьков Н.Е. Искусство Средней Азии. – СПб., 1883. – С. 9; Масальский В.И. Туркестанский край. – СПб., 1913. – С. 533-534; Скверцов А. Кустарные промыслы в Среднеазиатских республиках в прошлом и настоящем. // Народное хоз. Средней Азии. 1924. – № 10, 11. – С. 64

<sup>399</sup> Костенко. Ф. Путешествие в Бухару русской миссии в 1870 году. – СПб., 1871. – С. 26

<sup>400</sup> Вирский М.М. Выставка сельского хозяйства и промышленности в Самарканде в 1884 г. СКСО. вып. III. – Самарканд. 1895. – С. 39

келиб чикиб, европа типдаги заргарлик буюмлари тайёрлаш билан машғул бўлишган<sup>401</sup>.

Бу даврда заргарлик соҳалари ҳам кўпайган. Жумладан, баъзи усталар ҳар хил тақинчоқлар тайёрлашган бўлса, бошқалари эса тор соҳалар (тилла, қумуш буюмлар ясаш) га ихтисослашиб боришган. Самарқандлик уста Ҳасан заргар асосан совғабоб тақинчоқлар тайёрлаш билан машхур бўлган<sup>402</sup>. Заргарларни керакли хом ашё ва асбоб-ускуналар билан асосан тадбиркор-савдогарлар таъминлашган<sup>403</sup>. Устага одатда оила аъзолари ёрдам беришган. Маҳсулотлар асосан бозор учун тайёрланган, қолаверса, ярим кўчманчи одамлардан тушган буюртмалар ҳам бажарилган. Заргарлик ҳунари муқаддас саналиб, у авлоддан-авлодга ўтган. Отанинг ҳунарини давом эттириш ўғилнинг зиммасидаги ахлоқий ва диний мажбурият ҳисобланган<sup>404</sup>. Масалан, 1885 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган заргар уста Болта Муллажоновнинг таъкидлашича<sup>405</sup>, унинг отаси уста Муллажон моҳир заргар бўлган.

1891 йилда Самарқанд шаҳри Ялангбек гузарида туғилган заргар уста Солиҳзода Регистон яқинида Заргарлар гузарида 40 дан ортиқ заргарлар бўлганлигини таъкидлайди<sup>406</sup>. У 1880–1890 йилларда Тошкент ва Петербург кўرғазмаларида ўз буюмлари билан иштирок этган Ҳожи Заргарни яхши эслайди. Бундан ташқари Боғимайдон гузаридан Ҳамро заргар, Мулла Ҳамроқўл Ашурмат заргар, Заргарлар маҳалласидан Очил Зокир заргар, Орифжон заргар, Қори Абдулла Каримлар заргарлик ва мисгарлик билан ҳам шугулланишган.

Зарафшон воҳасининг Ургут ва Каттақўрғон шаҳарларида ҳам заргарлик бобида асрий анъаналар изчил риоя қилиб келинган. Маълумотларда қайд этилишича, 1898 йили Каттақўрғонда 9 та заргарлик устахонаси мавжуд бўлиб, уларда қарийб 2000 рубллик

---

<sup>401</sup>Вирский М.М. Самаркандская область по переписи 1897 г. СКСО. – Самарканд, 1906. – С. 350

<sup>402</sup>Хорошкин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 224.

<sup>403</sup>Тейер И., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. – Ташкент, 1903. – С. 11

<sup>404</sup>Сухарева О.А. К вопросу о литье металлов в Средней Азии. // Труды института этнографии. Им. Н.Н.Миклухо-Маклая АН СССР Т.97. – Л., 1971. – С. 200

<sup>405</sup>Уста билан суҳбатни 1972 йил 26-январда тарихчи ўлкашунос Р.Бойтуллаев ёзиб олган.

<sup>406</sup>Уста билан суҳбатни 1971 йил 28-декабрда тарихчи ўлкашунос Р.Бойтуллаев ёзиб олган.

заргарлик буюмлари тайёрлаган<sup>407</sup>. Умуман олганда, ўрганилаётган даврда воҳа заргарлари аҳолининг ушбу нафис маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилишган.

XIX аср охири–XX аср бошларида Зарафшон воҳасининг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги ҳудудларида кўнчилик эътиборли тармоқлардан бири ҳисобланган. «Кўнчилик» пиширилган терининг барча турларини ўз ичига олган<sup>408</sup>. Бу ҳудудда териға ишлов бериш ва ундан маҳсулотлар тайёрлаш ҳам анча тараққий этган. Хусусан, 1888 йилга оид статистик манбаларда Самарқанд вилоятида 90 та тери қорхонаси мавжуд бўлганлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, аммо кўнчилик дўконлари ҳақида лом-мим дейилмаган<sup>409</sup>. Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, бу каби статистик маълумотларда қишлоқлардаги кўнчилик дўконлари сони тўлиқ қайд этилмаган. Ваҳоланки, 1898 йили Самарқанд вилоятидаги 17 та тери қорхонаси ва 87 та кўнчилик дўқонида 82500 рубллик тери ошланган<sup>410</sup>. 1909 йилга келиб эса 10 та завод билан бақамти фаолият юритган 74 та кўнчилик дўқонида 57 320 рубллик иш бажарилган<sup>411</sup>. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 1888 йилги статистик маълумотларда тилга олинган қорхоналар таркибига кўнчилик дўконлари ҳам қўшиб юборилган бўлиши мумкин.

1898 йилги статистик маълумотларда Самарқанд уездидаги қорхоналар сонини 9 та<sup>412</sup>, 1909 йили эса 2 та деб кўрсатилган<sup>413</sup>

---

<sup>407</sup>Обзор Самаркандской области за 1898 г. – Самарканд. 1900. Приложение № 4

<sup>408</sup>Песпелов О. Кустарная промышленность в Катта-Курганском уезде // Туркестанское сельское хозяйство. 1912. – №8. – С 675

<sup>409</sup>Ведомость завода мастерским и ремесленным заведениям в Самаркандской области за 1888 год. // Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887–1888 гг. – Самарканд. 1890. – С 393–396

<sup>410</sup>Ведомость мастерским, ремесленным и сельскохозяйственным заведениям в Самаркандской области за 1898 год. Приложения № 4. Обзор Самаркандской области за 1898г. – Самарканд. 1900

<sup>411</sup>Ведомость о деятельности мастерских, ремесленных и сельскохозяйственных заведений в Самаркандской области за 1909 году. Приложение №10, 11. Обзор Самаркандской области за 1909г. – Самарканд. 1912

<sup>412</sup>Ведомость мастерским, ремесленным и сельскохозяйственным заведениям в Самаркандской области за 1898 год. Приложения № 4. Обзор Самаркандской области за 1898г. – Самарканд. 1900

<sup>413</sup>Ведомость о деятельности мастерских, ремесленных и сельскохозяйственных заведений в Самаркандской области за 1909 году. Приложение №10. Обзор Самаркандской области за 1909г. – Самарканд. 1912.

бир вақтда, 1904 ёки 1905 йилларга доир иккинчи статистикада улар сонини 70 тага ошириб юборганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, 1909 йили Самарқанд шаҳрида 7 та тери корхонаси билан бир қаторда фаолият кўрсатган 5 та кўнчилик дўкониди жами 10440 рубллик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ўз навбатида, Самарқанд ва Каттақўрғон уездларида иккита тери корхонаси билан бир пайтда ишлаб турган 26 та кўнчилик дўкониди усталар 33960 рубллик тери ошлаганлар<sup>414</sup>. Россия империяси ҳукмронлиги даврида Зарафшон воҳаси шаҳарларида кўнчилик устaxonаларининг сони қисқарган бўлса-да, бироқ қишлоқларда бу тармоқ деярли ўзгармади.

Умуман, мавжуд маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, 1900 йилда Самарқанд вилояти бўйича жами 41 та кўнчилик устaxonаси фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг бир йиллик даромади 68 700 рублни ташкил этган<sup>415</sup>. Аммо 1906 йилга келиб бундай корхоналарнинг сони 30 тага, йиллик даромади эса 15 300 рублга тушиб қолган<sup>416</sup>. Ҳарқалай, бу борадаги пасайиш узок давом этмаган. Хусусан, 1909 йилда кўнчилик устaxonалари сони 71 тага, йил давомида уларда ошланган тери қиймати эса 57 320 рублга етган<sup>417</sup>.

Зарафшон воҳасида Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг қишлоқлардаги маҳаллий кўнчилар асосан тери ошлашга ўтганлар. Чунки Закаспий темир йўли қурилгач, Ўрта Осиё шаҳарларида ошланган терилар катта миқдорда Россия ва бошқа чет мамлакатларга чиқарила бошлаган<sup>418</sup>. Натижада маҳаллий териларга бўлган эҳтиёж тобора орта борган. Статистика маълумотларига кўра, 1900 йилда Самарқанд ва Каттақўрғон

<sup>412</sup>Ведомость о фабрично-заводской промышленности в Самаркандской области в 1909 г. Приложение № 10. II. Обзор Самаркандской области за 1909 г. – Самарканд, 1912.

<sup>415</sup>Ведомость мастерским, ремесленным и сельскохозяйственным заведениям в Самаркандской области за 1900 год. Приложения № 4. Обзор Самаркандской области за 1900г. – Самарканд, 1901.

<sup>416</sup>Ведомость мастерским, ремесленным и сельскохозяйственным заведениям в Самаркандской области за 1906 год. Приложения № 17. Обзор Самаркандской области за 1906г. – Самарканд, 1907.

<sup>417</sup>Ведомость о деятельности мастерских, ремесленных и сельскохозяйственных заведений в Самаркандской области за 1909 году. Приложение №11. Обзор Самаркандской области за 1909 г. – Самарканд, 1912.

<sup>418</sup>Маев Н. Туркестанская выставка – 1890. – Ташкент, 1890. – С. 85,86.



уездларидаги 31 та кўн дўкониди 47200 рубллик тери ошланган бўлса<sup>419</sup>, 1905 йилга келиб, улар сони бор-йўғи 19 тани ташкил этгани ҳолда, қарийб 40 миңг рубллик маҳсулот тайёрланган<sup>420</sup>. Яъни, 1900 йилда ҳар бир дўконнинг йиллик даромади 1522 рублдан иборат бўлган бўлса, 1905 йилга келиб, мазкур кўрсаткич 2084 рублдан ошиб кетган<sup>421</sup>.

Шуниси эътиборлики, меҳнат унумдорлигининг ортиши баробарида териларни сифатли тайёрлашга ҳам эришилган. 1878 йилда Тошкент ва Санкт-Петербург шаҳарларида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги ва саноат кўргазмаларида самарқандлик кўнчилар тайёрлаган буюмларнинг намойиш қилинганлиги, 1907 йил 19 июлда Каттакўрғон уездидан Туркистон халқ музейи кўргазмаси учун маҳаллий ошланган терилардан ишланган буюмларнинг юборилганлиги ҳам уларнинг юқори сифатга муносиб деб топишганлигини тасдиқлайди<sup>422</sup>.

XIX аср охири–XX аср бошларида Зарафшон воҳасида аҳолининг кўпчилиги пойабзал тайёрлаш — косибчилик билан шуғулланган. 1909 йилги статистик маълумотларда биргина Самарқанд вилояти аҳолиси машғул бўлган касблар орасида косиблар кўпчиликни (602 та) ташкил этган ҳунар қаторида қайд этилганлиги ҳам шундан далолат беради<sup>423</sup>. Бундай ҳолатни нафақат Зарафшон воҳасида, балки Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида ҳам кўриш мумкин эди<sup>424</sup>. Айнан ўша даврда ишлаб

---

<sup>419</sup>Ведомост мастерским, ремесленным и сельскохозяйственным заведениям в Самаркандской области за 1900 год Приложение №4. Обзор Самаркандской области за 1900 год. – Самарканд. 1901.

<sup>420</sup>Ведомость мастерским, ремесленным и сельскохозяйственным заведениям в Самаркандской области в 1905 г. Приложение №4. Обзор Самаркандской области за 1905 год. – Самарканд. 1906.

<sup>421</sup>Ведомость мастерским, ремесленным и сельскохозяйственным заведениям в Самаркандской области в 1905 г. Приложение №4. Обзор Самаркандской области за 1905 год. – Самарканд. 1906.

<sup>422</sup>ЎзР МДА. 72-фонд, 1-ёзув, 9-иш, 81-варак; 575- фонд, 1-ёзув, 9-иш, 1-варак; 596- фонд, 1-ёзув, 3-иш, 182-варак; 4-иш, 22-варак.

<sup>423</sup>Ведомость о деятельности ... в 1909 г. Приложение №11. Обзор Самаркандской области за 1909 г. Самарканд, 1912; Хорошкин А.П. Сборник статей, касающихся по Туркестанского края. – СПб, 1876. – С. 149

424Акрамов В.А. XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда ҳунармандчилик. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1973. – №1. – Б.53; Шарафқуддинов А. XIX аср охири ва XX аср бошларида Фарғона водийсида ҳунармандчилик ишлаб чиқариш тарихидан. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1979. – №4. – Б.34

чиқаришнинг бошқа соҳалари каби касибчилик ҳам жамият тараққиётининг объектив қонунлари асосида ривожланиб борди.

XIX аср охиридан эътиборан Зарафшон воҳасида касиблар сони ва маҳсулот ҳажми ортиб борганлигини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

### 2.2 1-жадвал<sup>425</sup>.

Йиллар	Самарқанд ва Каттақўрғон уездлари бўйича		Самарқанд вилояти бўйича	
	Дўконлар	Бир йилда иш/ч. маҳсулот. рубл	Дўконлар	Бир йилда иш/ч. маҳсулот. рубл
1888	206	20400	208	20400
1889	223	1700	273	18500
1898	272	79780	370	10440
1900	212	46590	323	71240
1905	264	58600	470	100000
1906	372	77659	813	2600
1909	309	32560	602	129998

Юқоридаги жадвал жойларда касибчилик ҳунари ва тайёр маҳсулот ҳажми муттасил ўсиб борганини кўрсатади. Агар 1888 йилда Самарқанд вилояти бўйича жами 208 та этикдўзлик дўқонида 20400 рубллик пойабзал тайёрлаган бўлса, 1909 йилга келиб, улар сони 602 тага етган. Бу устахоналарда меҳнат қилган 700 нафарга яқин этикдўзлар 130000 рубллик маҳсулот ишлаб чиқаришган.

XIX аср бошларида пойабзал тайёрлаш шаҳарларга нисбатан қишлоқларда яхши ривожланди. Масалан, 1909 йилда Самарқанд шаҳрида мавжуд бўлган жами 42 та этикдўзлик дўқонда 144

<sup>425</sup>Жадвал қуйидаги манбалар асосида тузилди: Ведомость заводам мастерским и ремесленным заведениям в Самаркандской области за 1808г.// Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887–1888 г. вып 1. – Самарканд, 1890. – С 395, 396; Ведомост о фабриках и заводах Самаркандской области за 1889г. Приложения № 2. Обзор Самаркандской области за 1889 г. – Самарканд, 1891; Ведомость мастерским и ремесленным сельскохозяйственным заведениям в Самаркандской области в1905г. Приложения № 6. Обзор Самаркандской области за 1905 г. – Ташкент, 1906. – С. 28.

нафар ҳунарманд ишлаган бўлса, Самарқанд уездидаги 109 та дўконда 200 нафар ҳунарманд фаолият кўрсатган. Шунингдек, Самарқанд вилоятидаги жами 590 та дўконда 727 ҳунарманд муттасил пойабзал тайёрлаш билан банд бўлган. Демак, шаҳарга нисбатан уезддаги дўконларнинг сони 67 тага, уларда ишловчи ҳунармандлар эса 56 нафарга кўпайган<sup>426</sup>. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўлкага рус саноат молларининг кириб келиши маҳаллий ишлаб чиқаришда бир мунча ижобий аҳамият касб этган. Жумладан, маҳаллий косиблар Россияда ошланган шагърен теридан пойабзал тикишни ўзлаштиришган. Бундай теридан тикилган этиклар бозорда 1 рубл 40 копеекдан 2,5 рублгача сотилган<sup>427</sup>. Хуллас, косибчилик қандай хусусиятга эга бўлмасин, маҳаллий ҳунармандчилик устахоналари ана шу даврда воҳа аҳолисининг пойабзалга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган.

Зарафшон воҳасида кенг тарқалган ҳунармандчилик турларидан яна бири кулолчилик бўлиб, ушбу ҳунармандчилик тури Зарафшон воҳасида қадимдан маҳаллий эҳтиёжларга мослашиб ривожланган.

XIX аср охири–XX аср бошларида ҳунармандчилик турлари тез суръатлар билан ривожлансада, соҳанинг баъзи анъанавий турлари йўқолиб борди. Хусусан, бу пайтда Зарафшон воҳасининг йирик шаҳри Самарқандда атиги 14 та кулолчилик устахонаси фаолият кўрсатган бўлса, бутун Самарқанд уезди бўйича улар сони 22 тадан иборат эди<sup>428</sup>. Самарқандлик Уста Султон хўжа, Уста Сафарбой, Уста Абдуғофир, Нурмуҳаммад каби кулолларнинг номлари манбаларда қайд этилган. Улар сирланган шокоса, кўзача, кулкулча ёки хумча, тоғора каби буюмларни маҳорат билан тайёрланганлар. Унчалик мураккаб бўлмаган ўсимлик тасвирлари билан безатилган бундай идишларнинг юза қисми сирланган.

Самарқандда идишларга анъанавий безак бериш учун Риштон ва Хўжанддан усталар чақирилган<sup>429</sup>. Самарқандлик

<sup>426</sup>Ведомость о деятельности ... 1909 г. Приложения №11. Обзор Самаркандской области за 1909г. – Самарканд: Изд. СОСК. 1912.

<sup>427</sup>ЎЗР МДА. 596-фонд. 1-ёзув. 3-иш. 21.30.141-варак.

<sup>428</sup>Розвадовский В.К. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. – Ташкент, 1916. – С 35

<sup>429</sup>Розвадовский В.К. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. – Ташкент, 1916. – С 37

кулол уста Қосим 11 йил давомида Машҳад шахрига бориб бу хунар сирларини ўрганган. 1867 йилда у Самарқандда ўз устахонасини очган<sup>430</sup>. Айниқса унинг чойпаклари шуҳрат қозонган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, идишлар оддий жараёнда ишлаб чиқарилганлиги сабабли усталар фабрика маҳсулотлари билан рақобатда «синиб» қолмаслик учун ишлаб чиқаришни яхшилашга, такомиллашган ускуналарга эга бўлишга интилганлар<sup>431</sup>.

